

*Она юрт фидойилари*

*Маҳмуд Ҳодиев*

# БОТУ

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2020

УЎК: 821.512.133-1  
КБК: 84(5Ў)5  
Ҳ 58

**Ҳодиев, Махмуд Боту.**  
Ҳ 58 Танланган асарлар [Матн] / М.Ҳодиев. – Тошкент: «Маънавият», 2020. – 248 б.

ISBN 978-9943-04-392-3

**Т а х р и р ҳ а й ъ а т и:**

*М.Ҳожиматов, Н.Каримов, Д.Алимова, У.Долимов,  
Б.Дўстқороев, Ф.Эргашев, С.Аҳмедов*

Боту тахаллуси билан ижод қилган Махмуд Ҳодиев (1904–1938) ўтган асрнинг 20-йилларида халқимиз ўртасида нафақат шоир, балки ҳар томонлама билимли, истеъдодли ва фидойи жамоат арбоби сифатида ҳам танилган. У, айниқса, ёшлик нашидаси билан суғорилган, тенгдошларининг олийжаноб интилишларига руҳ ва куч бағишлайдиган шеърлари билан ёш авлоднинг меҳр-муҳаббатини қозонган эди.

Боту 26 ёшида «аксилинқилобчи», «миллатчи» ва «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, ўн йиллик жазо муддатини ўташ учун дастлаб Соловец оролларида юборилади, сўнгра 1938 йил 9 майда Москвага олиб келиниб, отиб ташланиши билан унинг порлоқ адабий истиқболига қонли нуқта қўйилади.

Ушбу «Танланган асарлар» кенг китобхонлар жамоатчилигида кизиқиш уйғотилади, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-1  
КБК: 84(5Ў)5

**Н а ш р у ч у н м а с њ у л:**

*Минҳожиддин Мирзо*

Н а ш р г а т а й ё р л о в ч и л а р:

**Наим Каримов, Шерали Турдиев**

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи

*Академик, филология фанлари доктори **Наим Каримов***

ISBN 978-9943-04-392-3

© «Маънавият», 2020

---

*Жафокаи халқимиз асрлар давомида не-не озир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида қурашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди<sup>1</sup>.*

Ислом Каримов

## ШОИРНИНГ ФОЖИАЛИ ТАҚДИРИ

Мустабид совет давлати тарих саҳнасига чиққан кунларидан бошлаб то сўнгги нафасига қадар қанча бегуноҳ кишиларни аксилнқилобий фаолият, миллатчилик, зараркунандалик ва ҳоказоларда айблаб, уларни оммавий равишда қирғин-қатағон этиб келди. Бу кишилар билан бирга халқнинг бунёдкорлик истеъдоди, куч-иродаси, ор-номуси, олийжаноб инсоний фазилатларини ўзида мужассамлантирган миллат гуллари ҳам йўқолиб борди. Шунинг учун ҳам бугун, мустақиллик даврида, XX асрдаги яқин ўтмишимизга назар ташлаш, мустамлакачилик даврлари келтирган зарар-оқибатларни мушоҳада ва мулоҳаза этиш, тарихий адолатни ва халқнинг бой берилган фазилатларини тиклаш ниҳоятда зарурдир. Бу вазифани адо этишнинг йўлларида бири эса мустабид тузум йилларида қатағон этилган халқнинг соф виждонли фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, уларнинг халқ ва Ватан манфаатлари йўлида кечган ҳаётларини ўрганиш, адабий ва илмий меросларини халққа етказишдир.

Ўзбек халқининг шундай сиймоларидан бири йигирма олти ёшида «аксилнқилобчи» ва «миллатчи» сифатида қатағон этилган шоир ва жамоат арбоби Ботудир.

### Шоирнинг ҳаёт йўли

Ўтган асрнинг 20-йилларида Боту тахаллуси билан ижод қилган Маҳмуд Ҳодиев 1904 йил 16 майда Тошкент шаҳри Шайхонтохур даҳасининг Қатортерак маҳалласида

---

<sup>1</sup> Ислом Каримовнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан. 2000 йил 12 май.

дунёга келди. Ботунинг қандай оилада туғилиб, қандай муҳитда вояга етгани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун гапни бироз илгарироқдан бошлаш жоиз.

Ботунинг отаси Мақсуд ака икки ёшлигида отасидан айрилиб, онасининг қўлида қолади, сўнг у ҳам вафот этади. Эндигина саккиз ёшга тўлган Мақсуд маҳсидўзга шогирд тушиб, туз-насибасини машаққатли меҳнат билан топа бошлайди. Оғир меҳнат шароити ва моддий қийинчиликлар уни тошкентлик бойлардан бирининг хонадонига етаклаб келади. Орадан ўн саккиз йил ўтгандан кейингина у мустақил турмуш кечириб, бўзчилик билан шуғуллана бошлайди.

«Боту бўзчи оиласида дунёга келган, – деб ёзади шоирни яхши билган замондошларидан бири Лазиз Азиззода. – ...Отаси Мақсуд Ҳодиев катта илм эгаси бўлмаса-да, улкан қалб эгаси эди, тараққийпарвар ёшлар ва олимлар билан доимо муносабатда бўлиб, ҳамиша газета ва журналларни қўлидан қўймасди. Саррожлик касбини ҳам яхши биларди».

Ботунинг хотини Валентина Васильева берган маълумотга кўра, Мақсуд ака ўттиз ёшида ҳалол меҳнати билан топган маблағи ҳисобига бешоғочдахалик Тўхта исмли ўн уч яшар қизга уйланган. Эр билан хотиннинг ёши ўртасидаги фарқ катта бўлгани сабабли улар бир-бирларини яхши тушунмаганлар. Шунинг учун ҳам Тўхтаҳон ўз қалбининг барча нозик туйғуларини ўн тўрт ёшида кўрган фарзанди Маҳмудга бағишлаган, уни оқ ювиб, оқ тараган.

«Шоирнинг онаси Тўхта опа, – деб ёзади Боту ижодининг тадқиқотчиларидан бири Бобоҳон Шарипов, – ақлли, сезгир, раҳмдил ва меҳрибон аёл эди. Бу мунис аёл кўпгина ўзбек халқ эртақларини, қўшиқларини билар ва уларни ўз фарзандларига таъсирчан қилиб айтиб берарди. У ўтқир зехни билан алоҳида ажралиб турадиган тўнғич фарзанди Маҳмудда шу тариқа она ти-

лига, халқ поэзиясига, халқ ижодиётига катта муҳаббат уйғотди».

Маҳмуднинг болалиги Қатортерак маҳалласининг тор кўчаларида кечди. У қиш кунларида маҳалла болалари билан гурпанглашиб, турли ўйинлар билан машғул бўлар, баҳор келиши билан кўм-кўк ўт-ўланлар ва лолақизғалдоқлар билан тўла томларда варрак учирар эди. Аммо унинг энг севган машғулоти онасидан чўпчак ва эртақлар, ажабтовур воқеаларни тинглаш эди. Маҳмуд беш ёшга кирганида «Тоҳир ва Зухра» эртагини ёд олиб, ўзи ҳам онасига қўшилиб айтадиган бўлади. Олти ёшида эса, эски мактабга бориб, хат-савод чиқаради.

XX аср денгиз сингари тўлқинланаётган пайт эди. Кўп ўтмай, Биринчи жаҳон уруши бошланди. Урушнинг момогулдиракли акс садолари Туркистонга қадар етиб келди. Туркистон аталмиш кеманинг руслар томонидан бошқарилаётгани оддий кишилар ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказарди. Мақсуд ака замонасининг шайхонтохурлик илғор кишиларига яқин бўлгани учун тўнғич фарзандини рус-тузем мактабига ўқишга берди. Боту русчага унча-мунча тушунадиган, рус тилида чиққан «Самарканд» сингари газеталарни бинойидек ўқийдиган бўлди.

Биринчи жаҳон урушида чор Россиясининг танг аҳволга тушиб қолиши ва шу муносабат билан мардикорликка олиш ҳақидаги фармоннинг эълон қилиниши Туркистон халқларини жунбишга келтирди. Туркистон халқ кўзғолонларининг ўтли ҳалқасидан иборат ўлкага айланди. Халқнинг норозилик кайфияти билан йўғрилган ҳаракати шафқатсизлик билан бостирилди. Жабрдийда халқ ҳали эс-хушини йиғиб ҳам олмаган эдики, 1917 йил Февраль инқилоби содир бўлди.

Турли сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг занжир ҳалқалари ўлароқ кетма-кет келиши ижтимоий ҳаётдан узокда яшаётган ёшларнинг сиёсий кураш майдони сари интилишига сабаб бўлди. Боту 1918 йилда «Ватан» мактаби қошида Саид Ахрорий ташаббуси билан ташкил этилган

«Изчи» тўдасининг, 1919–1921 йилларда эса Фитрат ташаббуси билан тузилган «Чигатой гурунги» ташкилотининг фаолиятида иштирок этди. Ўзбекистонга турк зобитлари қаторида келган Саид Ахрорийнинг ҳам, Фитратнинг ҳам ўз ташкилотларини тузишдан мақсади ёшларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик ғояларини шакллантириш эди. Боту шу даврда, айниқса, Фитрат таъсирида бўлиб, устози муҳаррирлик қилган «Тонг» журналининг нашр этилишига котиб сифатида ҳисса қўшди.

1919 йилда «чигатойгурунгчилар» Навоийнинг номаълум бир расмини топиб, матбуотда илк бор эълон қиладилар. Боту шу расмни кўриб, унинг ўз тасаввурдаги Навоийга асло ўхшамаслигини айтиб: «Бу хаёлий бир сурат бўлса керак, чунки бу расм, «қиёфат ул-башар» (физиогномика)да айтилишига кўра, нозик табиат, ҳассос, зариф ва басиратли одамнинг суратига ўхшамайди. Семиз, беғам, дудоғи қалин, барча нарсага лоқайд қарайдиган шахсни эслатади», дейди ва яна қўшиб қўяди: «Мен фолбинга ўхшаб кетдимми?» – деб. Фитрат ижозати билан эълон қилинган бу расмга шубҳа билан қараш устозга нисбатан ҳам, унинг не ҳасрат билан топган расмига нисбатан ҳам ҳурматсизликка йўйилиши ҳеч гап эмас эди. Лекин Боту Навоийга бўлган катта ихлоси туфайли шундай «шаккоклик»ка журъат этган.

Дарвоқе, Боту – янги ўзбек шеърининг тарихида Навоийга бағишланган биринчи шеърнинг муаллифи. Улуғ ўзбек шоирининг катта хизматларидан бири, унинг назарида, форс тили соясида қолиб келаётган ўзбек адабий тилида шеърининг дурдоналарини яратиш, унинг форсийдек гўзал ва бой тил эканини асослаб берганида эди. Шунинг учун ҳам Боту 1925 йилда ёзилган «Навоий» шеърини улуғ шоир образини яратишга шу адабий «ракурс»дан туриб ёндашган:

*...Араб, форсий қуллари  
У сўзларни эшитгач,  
Хохлашиб кулдилар.  
Мазах қилиб: «Бу киши  
Телба бўлмиш», дедилар.  
Бундай янглиш сўзларга  
У киши ҳеч боқмади.  
Буюк тилак йўлида  
Кеча-кундуз ишлади.*

*Сўзларининг ҳақлигин  
Ишлар билан кўрсатди.  
«У киши ким?» десангиз,  
Айтиб берай, ўртоқлар.  
У кишини билсангиз,  
Буюк шоир Навоий.  
Шунинг учун, болалар,  
Навоийни севайлик.  
Навоийнинг отини  
Олтин билан ёзайлик.*

Бу шеър ёзилган вақтда Бухорода Фитратнинг «Тонг» журнали ва Қўқонда «Фарғона» газетаси тахририятларида хизмат қилган Боту Москвага бориб, 1-Москва давлат университетининг иқтисод факультетида таҳсил олаётган эди. У собиқ СССРнинг энг нуфузли олий ўқув юртида билим олиш, шу ердаги адабий-маданий ҳаётни кузатиш билан бирга, айнаи вақтда, замона зайли билан Москвада уюшиб қолган Фитрат ва Чўлпон, Турор Рискулов ва Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов ва Акмал Икромов сингари ватандошларининг Туркистон Республикаси ваколатхонасидаги йиғилишлари, фикр олишувлари, шатранж ўйнашларида ҳам қатнашиб, шоир ва шахс сифатида шаклланиш имкониятига эга бўлди.

Шоир Боту бахтли юлдуз остида туғилган эди. У 1919 йили ёзилган дастлабки шеърлари билан Фитратдек аллома шоир назарига тушади. Ёш шоирнинг ёруғ келажигига ишонган устоз уни «Чиғатой гурунги» ташкилоти йиғилишларига жалб этиб, унда тарихга, Ватанга, миллатга ҳурмат ва мухаббат туйғуларини уйғотади. Ўзининг, шунингдек, Чўлпон ва Элбекнинг шеърларидан таркиб топган «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўпламига унинг ҳам шеърларини киритади. Бундай катта ишончга сазовор бўлган Боту устозлар умидини оқлаш учун ўз устида қаттиқ ишлайди. 1925 йили унинг «Умид учкунлари», 1929 йили эса «Тўлқин товушлари» тўпламлари чоп

этилади. Шеърдан-шеърга, тўпландан-тўпламга қалами чархланиб, шеърлари яшнаб бораётган Боту шу йилларда ёшларнинг энг севимли шоирига айланади. Бу қувончли ҳолнинг боиси Боту шеърларида тенгдошларини безовта қилган ҳаётий муаммоларнинг, улар қалбида жавлон урган туйғу ва кечинмаларнинг янги поэтик бўёқлар билан ифодаланганида эди. Улар нафақат ёш шоирнинг лирик қахрамонида, балки унинг шеърларида тасвир этилган ёш санъаткорлар, Германияга ўқишга бораётган истеъдодли талабалар образлари кўзгусида ҳам ўз рухий ҳаётларининг ифодаланганини, ўз орзу-умидларининг рўёбга чиқаётганини кўрганлар ва шу ҳол Боту ижодига бўлган қизиқишларини мунтазам равишда алангалатиб турган.

20-йиллардаги ўзбек шеърлятига назар ташлаган киши поэтик мавзунинг ҳийла юзаки, ҳатто плакатлашган тасвири устуворлик қилганини кўрмай иложи йўқ. Бундай қусур Боту шеърларига ҳам бегона эмас. Аммо унинг энг яхши шеърлари замирида қандайдир сирли туйғулар, сирли ҳолатлар ётади, шикаста қалб замзамалари эшитилиб туради. Шоир ўз қалбининг таг-тагида туғён қилиб турган туйғуларни юзага чиқармайди. У ўқувчини ўз шеърлари мағзини чақишга таклиф қилади.

*Сўрма, ўртоқ, кўзларимда ўтли ёш қайнашганин,  
Сўрма, ҳеч бир юзларимда қайғулар ўрнашганин,  
Сўрма, бу мажнун кўнгилнинг дард ичида ёнганин,  
Сўрма, бу маҳзун хаёлнинг қай очунда юрганин...*

«Сўрма» (1921) деб аталган бу шеър қуйидаги байт билан якунланган:

*Дардлилар дард англатормас дардсиза сўйлов билан,  
Кўрсатиб бўлмас қуёшни кўзсиза мақтов билан.*

Фитрат ўзининг илмий рисоаларида шогирдининг бу шеърда қўлланган поэтик усул ва воситаларга эътибор

қаратиб, уларни бир неча бор таҳлилга тортганки, бу ҳол «Сўрма»нинг унга, айниқса, манзур бўлганидан шаҳодат беради.

Боту шеърларидан шу нарса сезиладики, у Москвага қилган сафари ва Москвадаги таҳсил йилларида ўзига ва ватандошларига нисбатан совуқ муносабатни, ҳатто ҳурматсизликни кўрган. Аммо, шоир буларнинг ҳаммасини эзгу мақсади олдида ҳеч нарса эмас, деб ҳисоблаган. «Йўлчи сўзи» деб номланган шеърнинг куйидаги сатрлари шундан далолат бериб туради:

*Юртдан, элдан узоқда  
Истиқбол деб юраман.  
Нечундирким, тузоқда  
Элим онгин кўраман.*

*Узоқ ва ёт йўлларда  
Турли мудҳиш кўриниш.  
Бу зўр, улуг дунёда  
Яшаш учун уриниш...*

*...Кўрдикларим ҳар бири  
Меним учун зўр сабоқ.  
Билдикларим ҳар бири  
Тузоқ учун бир яроқ.*

Шоирнинг сафар ва таҳсил чоғларида чеккан хўрлик ва хорликлари шу сатрлар қатидан инграб тургандек бўлади. Унинг «Кўрдикларим ҳар бири Меним учун бир сабоқ» сингари сатрларида чақилмаган маънолар оз эмас.

Боту яшаган давр ҳар томонлама оғир ва мураккаб эди.

У Москванинг бегона иқлимида яшаган йилларида юпун кийинган ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаган бўлса керакки, ўша йилларда кенг тарқалган сил хасталигига йўлиққан. Ҳаёти учун ўта хавфли хасталиқдан даво топиш учун Ялтадаги шифохоналардан бирига бориб даволанишга мажбур бўлган. Шундай алампнок кунларда шоир ҳаёлида минг хил туйғулар чарх урган ва у бир-бири билан уйғун бўла олмаган туйғулар тазйиқида куйидаги сатрларни ёзган:

*Кучли борлиқ, сирли дунё, кўнгилдан бер бир дарак,  
Кўпми завго, кўпми савдо менга бахш айлар фалак?  
Қайси тоғда, қайси боғда, қайси чоғда сайр этар,  
Эрки кўнгил эркини тун-кун қўриқловчи малак?*

Бу чўлпонона руҳ билан йўғрилган шеърда Боту, Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романидаги Ленский сингари, кейинги тақдирига назар ташламоқчи ва уни билмоқчи бўлади. У, балки, ўзини қандай синову дахшатлар кутаётганини сезгандир, ўшанда. Аммо агар сезган бўлса, сезган бўлишига ҳам қарамай, «Мен яшаш майдонида кўрқиб курашданми қочай?» – деб мақсад йўлида ортга асло қайтмаслигини айтган.

Ҳа, давр ўта оғир ва мураккаб эди. Аммо, бир томондан, унинг юрагида ёшлик тароналари баланд пардаларда янграб тургани, иккинчи томондан, у ўз олдига халқ ва Ватан тақдири билан боғлиқ буюк мақсадни қўйгани учун даврнинг шу жабру жафоларига дош берди. Дош берибгина қолмай, табиатнинг сеҳрли манзараларига суқ билан назар ташлаб, бу серташвиш дунёни унутгандек бўлди; ойдин кечалардаги қора паранжи ёпинган дарахтларнинг шитирлашларига кулоқ солди, ойнинг булутлар билан курашиб, улар қуршовидан ғолибона салобат билан чиқиб келишларини кўрди, гўзал орзулар оккуш янглиғ қанот ёзган қалби мавжларини қоғозга туширди:

*Ойли тун, оппоқ, илиқ кўйнингда озроқ дам олай,  
Кучли бир денгиз каби тўлқинни ташлаб, тинч қолай.  
Бир нафас тинч қолганимда, орқа-ўннга бир қарай,  
Кечдигим йўлларда қолган турли изларни санай.*

*Турли излар кўнглидан тилсимли сирларни сўрай,  
Сўнгра турмуш каъбасида саждаларга бир қарай.  
Сўнгра борлиқ боқчасинда қип-қизил гуллар терай,  
Сирли тўлқин амрига фикру хаёлимни берай...*

Ботунинг бундай гўзал лирик шеърларини ўқиган киши унинг келажақда Чўлпон анъаналарини давом этти-

риб, ўзбек шеърятини янги босқичга олиб чиқа олиш салоҳиятига эга бўлганига қаноат ҳосил қилади. Лекин, афсуслар бўлсинки, давр унга бундай имкониятни бермади.

Биз юқорида Ботуни бахтли юлдуз остида туғилган, деган эдик. Афсуски, мустабид тузум ўзининг қонли қиличини биринчи навбатда шундай сиймоларга қаратган эди.

Фитрат ва Чўлпоннинг шогирди бўлмиш Боту, замондошларининг шаҳодат беришларича, туркий ва форсий адабиётнинг Навоийдан бошлаб барча мумтоз намояндаларини ҳеч қачон оғиздан қўймаган. «Ботунинг севган шоирларидан бири, – деб ёзган эди Лазиз Азиззода, – Фузулий эди. Табиат ҳаммага катта ақл ва юксак истеъдодни беравермайди. Лирикаси бир олам бўлган Фузулий каби бир шоирнинг дунёга келиши учун кўп вақт кутиш керак бўлади. Унинг:

*Эй Фузулий, манзили мақсуда етмак истасанг,  
Ҳеч раҳбар ўзмаз, атвори мустаҳсан каби, –*

парчасидан ҳам лаззатли шеър, ҳам кўркем ахлоқ дарси оласиз», дер эди».

Шарқ мумтоз адабиётига нисбатан оташин муҳаббат руҳида тарбияланган Боту Москвага борганида билим ҳазинасини бойитишга катта эътибор берди. Агар у 1927–1929 йилларда Тошкентда ишлаб турган чоғида Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) олимларидан А.Л. Вайнштейн, В.А. Ключевский, В.И. Романовский, А.Э. Шмидт, А. Семёновлар билан яқин муносабатда бўлиб, улар билимидан баҳраманд бўлишга интилган бўлса, Москвада унинг қаршисида бундан-да катта имконият пайдо бўлгани учун дунёга машҳур олимларнинг, биринчи навбатда, А.В. Луначарскийнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги маърузаларини «сувдек симириш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Университетда уюштирилган адабий кечаларни, турли-

туман клубларда ўтказилган ва тонгга қадар давом этган баҳс ва мунозараларни, «Никитин шанбаликлари»ни қанда қилмади. Бу шанбаликларда рус шоир ва ёзувчиларининг янги асарлари Луначарский иштирокида таҳлил қилинар, ижодий баҳслар ўтказилар, таниқли шоирлар ўзларининг янги шеърларини ўқиб беришар эди. Боту шундай адабий йиғинларда А. Серафимович, М. Безимьянский, М. Жаров сингари қалам аҳли билан шахсан танишиб, улар билан мулоқотда бўлган. Москванинг қизғин адабий ҳаёти Ботуни маҳлиё қилганига қарамай, у мумтоз рус адибларидан Пушкин, Лермонтов, Толстой, Чехов асарларини кўпроқ ўқиган. Шоирнинг рафиқаси Валентина Васильеванинг хотирлашича, Пушкин унинг, айниқса, севимли шоири бўлган. «Боту, – деб ёзган эди у, – табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлар, гўзал нарсаларни кўрганда маҳлиё бўлиб қолар, куёшнинг чиқиш ва ботиш пайтидаги манзарага узоқ тикилиб турар, Москва кўчаларида кезиниб юришни севар, кўркем уйлар, боғлар, ҳайкалларга алоҳида диққат-эътибор берарди. Пушкин ҳайкали ўрнатилган хиёбон эса унинг энг севимли жойларидан бири бўлиб, у шу ерда ўй-хаёлга берилиб, хордиқ олар эди».

Боту Пушкин ҳайкали қаршисида ўтириб, ўй-хаёлга берилган чоғларида улуг рус шоирининг сўлим шеърларини ичида ёд ўқир ва тақдир унга ижод билан шуғулланиш имконини берганида уларни, албатта, ўзбек тилига таржима қилишни орзу қилар экан. Унинг таржимон сифатидаги орзуларидан яна бири Чеховнинг ғаройиб ҳикояларини ҳам ўзбек китобхонларига тақдим этиш бўлган. Афсуски, Боту Пушкиннинг бирорта шеърини таржима қилиш имконига муяссар бўлмади. Чеховнинг эса фақат «Ванька» деган ҳикоясинигина ўзбек тилига ўғирди, холос.

Боту, нақл қилишларича, Акмал Икромов билан дўстона муносабатда бўлган. Акмал Икромов Москвага келганида, одатда, «Метрополь» меҳмонхонасида яшар, аммо у Москвага онда-сонда келгани учун Боту хотини

билан бирга унинг хонасида истиқомат қилган. А. Икромовнинг фарзанди Комил Икромов отаси ҳақидаги китобида шундай унутилмас воқеани баён этган: «Маҳмуд (Боту демокчи – *Н.К.*) ётоқхонада, Акмал (Икромов демокчи – *Н.К.*) эса «Метрополь» меҳмонхонасида яшаган. Омадни қарангки, Акмал тез-тез Осиёга бориб яшагани учун хонасини бизларга қолдирар эди. Биз унинг хонасида дўст-ёрларимизни кутиб олардик. Маяковский бизнинг меҳмонимиз бўлган, палов еган. Бир куни Есенин ҳам келган. Бизга уни пиёниста дейишарди. У эса бир пиёла ҳам ичимлик ичмади. Паловдан урди, арокка эса ҳатто қарамади.

Маяковский Акмалга Маҳмуднинг истеъдодли эканини айтган. Луначарский ҳам: «Ўртоқ Икромов, бундай шоирларни эҳтиёт қилиш, уларга ёрдам бериш лозим», деган.

Биз учовлон бўлиб театр, концерт ва адабий кечаларга борар эдик. Акмалнинг рухсатномаси бор эди, шу рухсатнома билан бормаган жойимиз қолмаган. Кейин эса бизга Женья (Акмал Икромовнинг рафиқаси Е.Л. Зелкина – *Н.К.*) ҳам қўшилиб, биз тўртовлон бирга борадиган бўлдик».

Бу узук-юлуқ хотиралардан Ботунинг Москвада қайноқ адабий ҳаётда яшаб, ҳам замонавий, ҳам мумтоз рус шоир ва ёзувчиларининг асарларини завқ билан ўқигани, улар маҳорати «сир»ларини қунт билан ўргангани равшан бўлади.

Фалакнинг гардиши билан шу йилларда Фитрат ва Чўлпон ҳам Москвага бориб қолган, уларнинг бири Жонли Шарқ тиллари институтида, иккинчиси эса Ўзбек драма студиясида ишлаётган эдилар. Боту Москвадаги қайноқ сиёсий-ижтимоий ҳаётда нафас олиш билан бирга бу устозларининг таъсир доирасида ҳам яшади. Кейинчалик Боту терговчининг Фитрат ҳақидаги саволларига жавоб бериб, шу йилларда устозини зиёрат этиб турганини айтган.

Тергов материалларидан маълум бўлишича, Боту ва Фитрат бир-бирларидан олисда яшаётган кезларида ҳатто хатлашиб ҳам туришган: «Менинг Фитратга ёзган хатларим мунозара характерида эди... Биз ёзган хатларнинг мазмуни, мухтасар айтганда, бундай: мен иқтисод факультетида (тўғрироғи: бўлимида – *Н.К.*) ўқиётган кезларимда у мени адабиёт билан машғул бўлишга чақирган; унинг фикрига кўра, феодал давр адабиёти бўлмиш чигатой адабиёти (хозирги) ўзбек адабиётига пойдевор бўлиб хизмат этиши лозим, Ўзбекистонда пролетар адабиёти ҳеч қандай заминга эга эмас...»

Боту Москвада таҳсил кўриб юрган йилларида отаси Мақсуд ака хасталикка чалинади. Тўнғич фарзанд бўлгани учун Боту Москвадаги Бухоро маориф уйида фаолият олиб бориб, Маориф институтида дарс бериб, баъзи бир рисоаларни таржима қилиб, топган қўшимча пулини ота-онасига мунтазам равишда юбориб туради. Таътил кезларида эса уларга ёрдам бериш мақсадида Тошкентга келиб, турли курсларда дарс беради.

В.П. Васильева Боту ҳаётининг шу даври тўғрисида бундай маълумотни берган: «Ботунинг кун тартиби куйидагича эди. У эрта билан университетда бўлажак машғулотларга тайёрланар эди. Машғулотлар кеч соат 5 дан бошланиб, 11 гача давом этарди (ижтимоий факультетдаги машғулотлар кечки соатларга кўчирилганди). У соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда уйи (ётоқхонаси – *Н.К.*)га қайтиб, овқатланар, сўнг тунги соат 3–4 ларга қадар таржима билан шуғулланар эди. У таржима орқасидан топган пулини ҳар ойда отасига юборар, Тошкентда нашр этилган шеърлари ва тўпламлари учун қалам ҳақини эса Ботунинг тилхати билан отасининг ўзи оларди».

Ботунинг Москвадаги талабалик йиллари шу зайлда кеча бошлайди.

## Валентина Васильева билан танишув

Ботунинг 1923 йилдан кейинги қувонч ва изтиробларга тўла ҳаёти Валентина Петровна Васильева номи билан чамбарчас боғлиқ.

Валентина 1904 йили Курск вилоятининг Ржево қишлоғида туғилган, 1922 йили Боту таҳсил кўраётган Москва давлат университетига ўқишга боришидан аввал эса ота-онаси билан бирга Ашхобод шаҳрига кўчиб бориб, уезд ёшлар ташкилотида ишлаган эди. 1923 йили совет давлати партия ва комсомол аъзолари сафидан маданият ва халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш шиорини ўртага ташлайди. Валентина шунда беш нафар тенгдоши билан бирга Москвага ўқишга боради. У университетга ўқишга кирганининг дастлабки ойларида ўқув юртидаги жамоат ташкилотларининг бирида иттифоқо Боту билан учрашиб қолади.

Тарих, сиёсий иқтисод ва халқаро ҳуқуқ бўйича лекциялар, одатда, ижтимоий фанлар факультетининг илгари илоҳиёт дарслари жаранглаган катта хонасида ўқилар эди. Боту билан Валентина ана шу хонада тез-тез учрашадиган, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижод завқи билан яшагани учун адабий мавзуларда баҳслашадиган, бир-бирларининг ижод намуналари билан танишадиган бўлишди.

«У ўз асарларини ўзбек тилида равон ўқир, сўнг рус тилига сўзма-сўз таржима қилар эди, – деб элаган эди В.П. Васильева. – У рус тилини ёмон билмасди, аммо яна ҳам яхши ўзлаштириш учун ҳар бир янги рус сўзини дафтарига ёзиб олиб, маъносини мендан сўрар ва шу заҳотиёқ ёдлаб олар эди... У ҳамма масалада интизомли, интилувчан, билимга ҳаддан зиёд муҳаббатли эди. У ҳатто касалхонага тушиб қолганида ҳам ўша ерда синовимтиҳонларга тайёрланар эди...»

Ҳикоя қилишларича, Боту Москвадан қайтаётганида турли соҳаларга оид уч ярим мингдан зиёд китобни олиб келган. Бу китоблар орасида рус ёзувчиларидан Пушкин,

Лермонтов, Некрасов, Толстой, Чехов ва Горькийнинг, Ғарб ёзувчиларидан Гюго ва Золянинг, олимлардан эса Бартольд, Семёнов, Поливановларнинг кўп ва яқка жилдлик асарлари бўлган, дейишади.

Москва давлат университетини биринчилар қаторида тугатган Ботунинг 1927 йил ёзида ватанига қайтиши фақат оиласи ва ёр-дўстлари учун эмас, балки барча тошкентлик ёшлар учун ҳам байрам бўлди. Паратиф хасталигига чалиниб, ўпкаси ҳам шамоллаган Боту таътил кунларида Валентина билан Тошкентга келган ва ота-онаси малласоч қизни хушмуомалалик билан қарши олганига қарамай, шифокорларнинг тавсиясига биноан, тез орада Қримга йўл олган.

«Боту денгизни кўриб, ғоят завкланиб кетди, – деб эслаган эди В.П. Васильева. – Денгиз уни илҳомлантириб юборди. У кирғокдаги тош устида ўтириб, тўлқинлар шовқинига қулоқ солган ҳолда шеърлар ёзди. Ва тез-тез: «Накадар гўзал-а, бу денгиз!» – деб кўярди.

Биз тоғда сайр қилдик. У Қрим тоғларини Фарғона ва Чимён тоғлари билан қиёслаб: «Бизнинг тоғларимиз ҳам чакки эмас. Шундай жойларимиз борки, улар гўзалликда Қримдан ўзса ўзадики, ундан асло қолишмайди!» деди...

У Ўзбекистоннинг келажаги ҳақидаги, ўзбек халқининг бошқа илғор халқлар қатори маърифатли ва маданиятли бўлиши, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда маданият ўчоқлари қад кўтариши ҳақидаги орзуларини изҳор қилди...»

Боту назарида ўзбек халқининг тараққий этган халқлар қаторидан ўрин олишининг муҳим шартларидан бири бошқа илғор халқларга яқинлашиш, уларнинг маданий, илмий ва техник салоҳиятидан баҳраманд бўлиш эди. У шундай фикр-мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда 1924 йили Валентинага уйланади.

## Чўлпон ва Боту

1926 йил 3 январда Боту ва Валентинанинг тўн-ғич фарзанди туғилди. Икки миллатга мансуб йигит ва киздан дунёга келган фарзандга исм бериш осон юмушлардан эмас эди. Ботуга маъкул бўлган исм Валентинага, Валентинага манзур бўлган исм эса Ботуга ёқмай, гўдак бир ойгача исмсиз яшади. Бу икки ёшнинг хужжатсиз фарзанд билан турмуш кечириши Янги Арбат кўчасидаги ётоқхонанинг қонун-қоидаларига зид бўлгани учун уларни ҳатто чиқариб юбормоқчи ҳам бўлишди. Боту шундай ташвишли кунларнинг бирида Москвадаги Бухоро маориф уйида яшовчи устози Чўлпонни ўз уйига таклиф этади. Таклифдан мақсад – гўдакка исм топиш эди. Чўлпон ётоқхонада содир бўлган воқеадан дарак топгач, гўдакни «Озод» исми билан аташни таклиф қилади. «Озод» – яхши исм. Инсоннинг озодлиги, халқнинг, Ватаннинг озодлигига нима етсин. Одатда, яхши ният билан қўйилган исм ижобатга ўтади. Янги туғилган фарзандинглар озод инсон бўлиб ўссин, азизларим», дейди у. Бу исм Ботуга манзур бўлади. Аммо ундан Валентинанинг кўнгли тўлмайди. «Фарзандимиз фақат ўзбеклар орасидагина яшамайди. Рус болалари эса уни «Озод» эмас, «Азот» деб юборишлари ҳеч гап эмас. Йўқ, бўлмайди! Шундай исм топиш керакки, ўзбеклар ҳам, руслар ҳам талаффуз қилганларида бошқа маъно чиқмасин», дейди у. Чўлпон: «Ўзбек тилида шу маънони англаувчи сўзлар оз эмас. Масалан, «Эрк», «Эркли» сўзи ҳам яхши маънони англатади. Ўғлингизни бу исм билан атасангиз, ёмон бўлмайди», дейди у. Бу исм Валентинага ҳам, Ботуга ҳам маъкул бўлади. Айниқса, Боту кам учрайдиган, аммо хуш маънони англаувчи исм топилганидан боши осмонга етиб, меҳмонни кузатганидан кейин Эрклига бағишлаб ҳатто шеър ҳам ёзади.

Чўлпон Ботунинг севимли шоирларидан бири эди. Ботунинг порлоқ шеърый истеъдоди, юксак маданият сохиби экани Чўлпонга, айниқса, маъкул бўлган. Аслини

олганда, Боту Фитрат ва Чўлпон шеърлари асосида тарбияланган.

Лекин 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб зиёлилар эски ва янги авлодларга ажратила бошланди. Боту сингари ёшлар ҳали ўттиз ёшга кирмаган Фитрат ва Чўлпон каби «эски» авлод вакилларига қарама-қарши қўйилди. Ботулардан уларга қарши курашиш талаб этилди...

Ўша кезларда Москва қайноқ адабий-маданий ҳаёт оғушида яшар, ёшлар эса, бир томондан, Н. Гумилёв, А. Ахматова, С. Есенин, иккинчи томондан, В. Маяковский, А. Безименский, А. Жаров сингари шоирларнинг асарлари билан нафас олар эдилар. Боту ҳам ана шу адабий-маданий иқлимда шакллана бошлади. У, ҳатто, университет ёшлар ташкилотининг йўлланмаси билан Красная Пресня туманидаги фабрикаларнинг бирида ташкил этилган сиёсий билимни ошириш тўғарагига раҳбарлик ҳам қилди...

### **Ботунинг Тошкентга қайтиши**

20-йилларнинг ўрталарида Москва ва Ленинград сингари Россиянинг марказий шаҳарларида ўқиб келган ёшлар унча кўп бўлмаган. Шунинг учун ҳам нафақат оналари, балки ҳамшаҳарлари, ҳатто бутун Ўзбекистон уларни интиқлик ва катта умидлар билан кутиб олган.

Боту Москвага ўқишга боришидан аввалроқ шоир сифатида танилгани учун унинг ҳатто ишчилар факультетини битириб, Тошкентга қайтиши ҳам қувончли воқеа ҳисобланган. «Туркистон» газетасининг 1923 йил 21 июль сонида Тўлқин исмли мухбирнинг «Ўртоқ Боту Туркистонга қайтди» сарлавҳали қуйидаги хабари шундан гувоҳлик беради:

«Ёш шоиримиз ўртоқ Боту (М. Ҳодиев) бу йил Масковдаги биринчи ҳукумат дорилфунуни – ишчилар факультетини битирди. Бу ишчилар факультети Русия ўрта мактабларининг биринчиси саналадир. Ўртоқ Боту ўзи-

нинг ижтиҳоди соясида рабфакнинг уч йиллик дарсини ҳаммасидан имтихон берган ва студентларнинг биринчиларидан бўлиб ўрта мактабни битирган саналадир. Туркистон жумҳуриятининг Масковдаги ваколатхонаси ва студентлар комиссияси ўртоқ Ботуга берган мукофоти билан тақдим этган адресида «Туркистон жумҳурияти ваколатхонаси ва студентлар комиссияси Сизнинг ишчилар факультетини битириб, мафкура фрунгида чарчамайтурган курашчилигингиз билан табрик этадир. Сиз Туркистонда яшовчи ерли халқнинг биринчиларидан бўлиб олий мактабга йўл бошладингиз. Сиз ўзингизнинг чарчамайтурган курашчанлигингиз орқасида Туркистон ёшларига намуна бўлиб, уларнинг диққат-эътиборларини илм-фанга қаратдингиз. Ваколатхона ва студентлар комиссияси шодлик ва олқиш билан Сизнинг хизматингизни тақдир қилиб, келгусида ҳам олий мактабда Сизнинг шул тиришчанлигингизни кўриш орзусида қоламиз». Қизил Русиядаги ишчи-деҳқонларининг ўрта мактабини битирган ўзбек ёшларидан ўртоқ Боту биринчигинадир. Ўртоқ Боту биринчи ҳукумат дорилфунунининг иқтисодий факультетига ўқишга кирдики, келгусида иқтисодчиларимиздан бири бўлғусидир».

Бу хабар ўзбек халқининг Боту сингари ёшлар келажига катта умид ва ишонч билан қараганидан далолат беради.

Ботунинг Москва давлат университетининг иқтисод бўлимини ўзбеклардан биринчи бўлиб тугатиб келиши эса бундан ҳам кўра ҳаяжонли воқеа эди.

«Ер юзи» журнали ўзининг 1927 йилдаги 18-сонида Боту расми билан бирга қуйидаги хабарни ҳам эълон қилган:

«Боту Ҳодиев Масковда давлат дорилфунунининг иқтисод факультасини яқинда битириб, Ўзбекистонга келди. Бу йил Ўзбекистонда ишлаб, диплом ишини бажаради. Ўртоқ Боту ҳозир Самарқандда Марказий фирқа

кўмитасининг ихтиёридадир. Боту ўзбеклар орасида иқтисод факультасининг тўнғич боласидир».

Боту Тошкентга олий маълумотли иқтисодчи дипломи билан қайтиб келгач, «Аланга» ёшлар журналини ташкил этиб, унинг биринчи муҳаррири бўлди; шунингдек, «Қизил қалам» адабий уюшмасининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида адабий жараёнда фаол иштирок этди.

Шу йилларда республика раҳбарларининг умид кўзи Ботуга қаратилган эди. Улар Ботуни партиявий ишларда обдан пишитиб, сўнг республика миқёсидаги юқори мартабаларга кўтариш ниятида эдилар. Унинг 1929 йил 28 августда Халқ маориф комиссари ўринбосари этиб тайинланиши ҳам шу мақсаддаги дастлабки қадамлардан эди.

### **Боту ижодий ва ижтимоий фаолиятига чизгилар**

Ботунинг илк шеъри 1919 йилда ёзилган. Бўлажак шоир шу вақтда эндигина ўн беш ёшга қадам қўйган эди. Шундан кейин унинг вақтли матбуот саҳифаларида бир неча шеърлари эълон қилинди. 1922 йилда эса «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида Фитрат, Чўлпон, Элбек шеърлари билан бирга улар издоши бўлган Ботунинг ҳам дастлабки шеърлари нашр этилди. Фитрат ва Чўлпонларнинг ёш шоирни ўз бағирларига олишларида катта ҳикмат бор эди. Улар шу йўл билан ҳам Ботуни ўз ғоя ва интилишлари руҳида тарбияламоқчи эдилар. Аммо кўп ўтмай, яна бир қаттиққўл «устоз»нинг борлиги маълум бўлди. Бу янги давр, янги сиёсий тузум, шу тузумни барпо этаётган сиёсий куч эди. Бу устозларнинг ҳар бири Ботуни ўз измига солмоқчи бўлди. Ёш шоир ижодининг дастлабки даврида ҳам адабий устозларига манзур бўла оладиган, ҳам янги тарихий давр руҳи билан тўйинган шеърлар ёзди. 1925 йили «Умид учқунлари», 1929 йили эса «Тўлқин товушлари» тўпламларининг нашр этилиши билан Боту ўзбек ёшларининг энг севимли шоирлари қаторидан ўрин эгаллади.

*Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш кучлар излайман.  
Орқага тортганга ҳадям – тош,  
Ҳар чоқ мен илгари ундайман.*

«Ўзбек қизига» шеърдан олинган бу сатрларда Ботунинг шу йиллардаги ижодий дастури, дунёқарашининг асосий йўналиши ўз ифодасини топган. Чиндан ҳам жамият шу йилларда ўзгариб бораётган, янгилик билан эскилик ўртасида жаҳид ёзувчилар туфайли бошланган кураш янги тарихий шароитда давом этаётган эди. Модомики, ёшлар янгиликнинг нафақат тарафдори, балки энг аввало, яратувчиси сифатида дунёга келар эканлар, Боту ҳам ўз асарлари билан ана шу ёшлар ҳаётига кириб бормоқчи, уларга ўз орзу ва интилишларини юқтирмоқчи ва шу йўл билан янгиликнинг ғалаба қозонишига ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлди.

Ботунинг шу йилларда ёзган шеърларидан бири С. исмли қизга бағишланган. «Севган қиз» деб номланган ва 1928 йилда ёзилган бу шеър шундай сочма сатрлар билан бошланади:

*У севади...*

*У алангали севгини кўнглида ўстиради, яшинатади.*

*У чиндан севади...*

*Унинг севгиси хаёлларни эзади, у дам азобдан, дам роҳатдан безади. Бироқ у ҳар дам севги аллаларини севади... Унинг қулоқларига ҳар вақт эшитилган:*

*– Севгисиз яшаш яшаш эмасдир...*

*– Балиқ сувсиз, кўнгил севгисиз яшолмас...*

*– Севмоқ ва севилмоқ – буюк саодат...*

*У бунга ғуборсиз ишончларини бағишлаган...*

... Боту шеърлар билан бир қаторда дostonлар, ҳикоялар ва мақолалар ҳам ёзди. «Ҳайит ҳаром бўлди», «Тоғ қизи» ва «Йўл» қиссаларини ёзишга киришди. Айни пайтда тил ва имло масалаларига фаол аралашди, араб ёзуви-

дан лотин ёзувига ўтишнинг илмий-назарий жиҳатларига катта эътибор бериб, қатор мақолаларни эълон қилди. 1928 йилда тузилган Янги алифбо марказий қўмитаси хайъати аъзоси сифатида Боку ва Махачкалада бўлиб ўтган йиғилишларда иштирок этди.

Гарчанд мавзуга алоқадор бўлмаса-да, камина хонаси келганда, архив ҳужжатларидан топилган бир маълумотни ошкор қилишни истар эдим. Ботунинг маориф соҳасидаги биродарларидан бири – Қамчинбек (Абдулла Гайнуллин) тергов пайтида бундай маълумотни берган: У (яъни, Қамчинбек) 1929 йилнинг июнь ойида Махачкалада янги турк алифбосига бағишланган илмий анжуманда Боту билан учрашиб қолади. Маълум бўлишича, Боту бу анжуманга Боку шаҳридан келган ва озар диёрида бўлган вақтида ўзбекистонлик талабаларнинг мушкул бир аҳволда яшаётганидан хабар топиб, улар билан учрашган ва улар шароитини тубдан яхшилаш учун барча чора ва тадбирларни кўриб келган экан.

Бу вақтда шоир сифатида шуҳрат қозона бошлаган, маданият арбоби сифатида «Аланга» журнали ва «Қизил қалам» уюшмасини ташкил этган, жамоат арбоби сифатида мактаб ва маориф соҳасида ислоҳот ишларини олиб борган, лотин ёзувига ўтишнинг илмий-назарий муаммолари билан қизгин шуғулланаётган Боту эндигина йигирма беш ёшга тўлган эди.

Боту Халқ маориф комиссарлигида узоқ ишламади. Аммо у қисқа вақт ичида маориф тизимини биринчи навбатда юқори малакали педагоглар билан таъминлаш, кекса педагоглардан мақсадли фойдаланиш, хунар-техника билим юртлари сони ва сифатини оширишга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, маориф тизимини бутунлай ислоҳ этишга киришди. Педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаев берган маълумотга кўра, Боту бошчилигида ҳатто «Ўзбекистон ССР Халқ маориф комиссарлиги ҳақида Низом» ишлаб чиқилади ҳамда шу Низомга тушунтириш хати ёзилади.

Яна шу манбалардан олинган маълумотга қараганда, Боту Ўзбекистонда ўқитувчилар учун махсус газета нашр қилишнинг ташаббускори бўлган. 1930 йил 14 майда Боту раислигида бўлиб ўтган хайъат йиғилишида «Қизил Ўзбекистон» ва «Узбекистанская правда» газеталарига илова тарзида ўқитувчилар учун варақалар чиқариш масаласи муҳокамага қўйилган ва бу ташаббус маъқулланган. Шундан кейин ўқитувчилар учун «Маданий инқилоб» (ҳозирги «Маърифат») номи билан махсус газета нашр этила бошлаган.

Ботунинг маориф соҳасидаги ислохоти заминиди миллий мактаблар ва миллий кадрларга эътибор бериш масаласи турарди. У Халқ маориф комиссарлиги ва унинг шохобчаларидаги кадрларни маҳаллий миллат вакилларида тайёрламасдан туриб, ўзбек халқи маорифи ва маданиятини юксалтириш мумкин эмаслигини теран тушунди ва бу тизимдаги улуғ рус шовинизмига қарши мардона курашди.

Ўтган асрнинг бошларида дунёга келиб, ҳаёти совет ҳокимияти йилларида кечган ва совет-партия идораларида хизмат қилган кишиларга баъзан бошқача кўз билан қараш ва уларни мустабид совет тузумига хизмат қилганликда айблаш ҳеч гап эмас. Ҳаётдан аллақачон ўтиб кетган кишиларга айб қўйиш ғоят осон ва қулай: улар ўзларини ҳимоя қила олмайдилар. Аммо бу кишиларнинг бутун умрлари давомида бир лаҳза бўлсин ўзларини ўйламай, халқ ва мамлакат манфаати йўлида жон куйдирганларини тарих кўзгусида кўрар эканмиз, улар фожиали ҳаёти ва тақдирига катта ҳурмат билан ёндашиш лозимлигини ҳис этмай иложимиз йўқ.

Қатағон даврининг аччиқ тузини тотган, умрининг қарийб чорак асрини азобгоҳларда кечирган Лазиз Азиззода Боту ҳақидаги хотираларида бундай самимий сўзларни ёзган:

«Ботунинг руҳида зариф бир туйғу, нозик ҳис, одамийлик бор эди. Халққа хизмат қилиш ғояси унинг миясидан

кенг ўрин олганди. У роҳатни, завқни меҳнаткашларга хизмат қилишдан олган. Табиатга руҳ билан эмас, кўз билан қараган. У кенг манглай, кучли иродали, азим бўлиши билан бирга самимий, ...ўзига хос ажиб бир шахс эди. У ёшлик чоғиданоқ жамоат ишларига жўшқин муҳаббат билан киришди ва тезда жамоат арбоблари қаторидан ўзига муносиб ўрин эгаллади. Шунинг учундирки, мен Ботунинг сиймосида доимо бир инсоний севги ва фидойилик сезардим».

30-йилларда Йўқсил тахаллуси билан унча-мунча шеърлар ёзган Баҳром Иброҳимов Боту ҳақида қизиқ бир воқеани ҳикоя қилган: Улар мактаб ва болалар уйларини текшириш учун Самарқанддан Тошкентга келганларида, Боту бир бола билан танишиб қолган. У болалар уйида тарбияланаётган бу боланинг илк шеърларини эшитиб, уларни ўзи муҳаррирлик қилган «Аланга» журналида эълон қилган. Кейинчалик ўзбек шоирлари даврасидан муносиб ўрин эгаллаган бу боланинг исми Ҳасан Пўлатдир.

Боту ана шу тарзда бир қанча истеъдодли ёшларнинг ўзбек адабиёти ва санъатига кириб келишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳимжон Отажоновнинг Боту ҳақидаги хотираларида ҳам эътиборли жиҳатлар оз эмас. У таниқли шоир билан бўлган учрашувларини бундай эслаган:

«Юзларидан самимият барқ уриб турган йигитча 1921 йилнинг баҳорида Таълим ва тарбия техникумига кириб келди. Бу ўша йили Фарғона вилоят газетаси – «Фарғона»га муҳаррир бўлиб келган Маҳмуд Ҳодиев – Боту экан. Табиатан серҳаракат йигитчани менга ўшанда Қори ака (сўз Т.Н. Қори-Ниёзий ҳақида бормоқда. – *Н.К.*) таништиргандилар. Маълум бўлишича, Боту эндигина ўн етти ёшга тўлган, унинг фикрлаш қобилияти кенг, рус тилига чечан эди. Ўша куни Боту газетага обуна масаласида маслаҳатлашиш учун келган экан.

Боту «муаллим», «иншааллоҳ» сўзларини кўп ишлар экан. Кексайиб қолган ота-онасини ташлаб, вилоят-ма-вилоят кўчиб юриш ҳам жонига теккан эди. Бир тумандан иккинчи туманга, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш учун пиёда узоқ йўл босиш осон эмас эди, ўшанда. Шунда ҳам у умидсизланмас, нурли кунларнинг келишига ишонар эди. Баъзан-баъзан: «Ҳа, майли, бу қийинчиликлар ҳам ўтиб кетар, ҳукумат Туркия билан Олмониядан машина сотиб олиш ҳақида музокара олиб боряпти, келиб қолар», дея ўзига ҳам, бизга ҳам тасалли берар эди.

Ботуни охириги марта 1930 йилнинг 5 майида Фарғонада кўрганман. Ҳозирги Фарғона давлат университети мен мудир бўлиб ишлаган Таълим ва тарбия техникуми базасида ташкил топган. Ўша куни Боту Халқ маориф комиссарининг ўринбосари сифатида Фарғонада педагогика олий ўқув юртини очиш учун келган эди. Институтнинг очилишига бағишланган тантанали кеча Зобитлар уйи биносида бўлиб ўтди. Боту Ўзбекистон ҳукуматининг Фарғона педагогика институтини очиш тўғрисидаги қарорини ўқиб, катта нутқ сўзлади. Залда ўтирганлар унинг нутқини қарсақлар билан бўлиб турдилар. Боту йиғилиш охирида кўпчиликнинг таклифи билан «Фарғона ёшларига» деган шеърини ўқиб берди:

*Фарғонанинг етим-есир, дардли йўқсил ёшлари,  
«Юртимизнинг кўп баҳоли тупроқлари, тошлари  
Бир неча йил қон эмди», деб бўлманг сира умидсиз.  
Умидсизлик йўқликларга йўл бошлайдир, шубҳасиз.  
Илгарига югурингиз, юксалингиз, учингиз!  
Қарши чиқса, тоғни янчинг, танда боркан кучингиз!»*

Юқорида номи тилга олинган Қамчинбек (Абдулла Гайнуллин) 1930 йил 18 октябрь куни бўлиб ўтган терговда Боту ҳақида бундай кўрсатма берган:

«Боту Ҳодиев билан танишишим 1922–24 йилларда Москвада ўқиган пайтимга тўғри келади. Шу вақтда Москвада таҳсил кўраётган туркистонлик талабалар икки лагерга – ўртоқ Сталин номидаги Шарқ халқлари коммунистик университетида ўқиётган талабалар бир лагерга, бошқа ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар эса иккинчи лагерга ажралиб чиққан эдилар. Мен коммунистик университетда ўқир эдим, шунинг учун дастлаб шу университет талабалари даврасида, кейин матбуотда ўзбек ёшларининг Германияга ўқишга юборилишига қарши мақола билан чиқдим. Мақолам чоп этилганидан кейин талабаларнинг ҳар иккала қисмида узоқ вақт муҳокама қилинди. Кунларнинг бирида Боту билан учрашиб қолдим, шунда у гўё менинг яхши ўйланмай ёзилган мақолам Туркистон ёшларининг тараққиёти ишига катта зарар келтиришини айтди...»

Тергов материалларига қараганда, Қамчинбек ўша кезларда Москвада яшаган Фитрат шаънига ҳам ножўя сўзларни айтган. Боту унинг матбуотда эълон қилган мақоласидан ҳам, Фитратга нисбатан шаккоклик қилганидан ҳам қаттиқ ранжиган.

Тарих фанлари номзоди Очил Қодиров эса шоирни бундай хотирлайди:

«Шоир Боту билан 1926 йилнинг май ойида Москвада танишганман. У ўша йили Москва университетини тугатаётган эди. Боту мени хотини Валентина билан ҳам таништирган. У жуда серғайрат, қарашлари маънодор, теран фикрли инсон эди.

Боту рус тилида ҳам жуда яхши шеърлар ёзарди. Сира ёдимдан чиқмайди. Бир шеъри қамокда ётган барча маҳбусларга қўлма-қўл ўтиб, ёд бўлиб кетди. Мен оз муддат қамалган бўлсам-да, унинг бир шеърини ёдлаб олган эдим. Ҳозир ҳам эсимда...

Боту 1929 йили Ўзбекистон Халқ маориф комиссиясига ўринбосар этиб тайинланганида, мен Самарқанд округ фирқа кўмитасида ташвиқотчи бўлиб ишлардим. Кўп масалаларда бамаслаҳат иш юритганмиз. Боту маз-

кур лавозимда оз муддат ишлаганига қарамай, Самарқанд вилоятининг ўзида ўндан ортиқ шаҳар ва қишлоқ мактабларини очишга шахсан ташаббускор бўлди. Биргина Каттакўрғон туманида ва Пайшанбада унинг ташаббуси билан иккита бошланғич мактаб очилди.

Боту ўта пухта ўйлагани, бақувват фикрлагани учун ҳам тенгқурлари орасида катта хурмат ва эътиборга эга эди. У бефойда гап-сўзлардан ўзини тиярди... Боту ёш бўлса ҳам, Фитрат, Чўлпон, Элбек каби улуғлар билан тенглаша оладиган кучга эга шоир эди...»

Замондошларнинг бундай хотираларини кўплаб келтириш мумкин. Улар Ботунинг ҳар томонлама гўзал, меҳрибон, жонқуяр ташкилотчи, иродали, бир сўзли инсон бўлганидан далолат беради. Бундай инсонлар, афсуски, дунёга ҳар куни келавермайдилар.

### **Ботунинг қамоққа олиниши**

Боту республиканинг ўша йиллардаги пойтахти Самарқандда қисқа муддат турли лавозимларда ишлаганидан сўнг, маориф халқ комиссари ўринбосари этиб тайинланди. Комиссарлик ихтиёридаги миллий мактаблар рус мактабларига қараганда, бир неча мартаба кўп бўлганига қарамай, комиссарликка ўрнашиб олган кимсалар маориф учун ажратилган маблағнинг катта қисмини рус мактабларига бериб келганлари маълум бўлди. Нафақат Халқ маориф комиссарлиги, балки бошқа давлат идораларини ҳам руслар эгаллаб олиб, миллий кадрларга кун бермаётганлари ҳақидаги фактлар тўла тасдиқланди. Боту шундай ҳолларни бартараф этиш мақсадида Маориф халқ комиссарлигида ерлилаштириш масаласини кўтарди. Бу, тегишли идоралар томонидан миллатчилик сифатида баҳоланиб, 1930 йил 23 июлда комиссарликнинг Боту бошчилигида катта бир гуруҳи қамоққа олинди.

«1929–1930 йиллар бўлса керак, – деб эслаган эди Ботунинг ўғли, тиббиёт фанлари доктори, профессор Эркили

Ҳодиев, – уйимизга Сегизбоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, адабиётчилардан, ёдимда бор, Жулқунбой, шоир Абдулла Алавий – у 1931 йили Ялтада ўпкасидан қон келиб вафот этган – ва бошқалардан иборат катта давра тўпланган. Ҳозиргидек ёдимда: норин тайёрланган эди. Ўшанда отам ўринларидан туриб, менга бағишланган ва ёрқин келажак тилаган шеърларини ўқиб берганлар. Отам шеър ўқиб бўлгач, ҳамма мен каби болаларнинг нурли келажак меъморлари бўлиши ва бахтли-саодатли яшашларига ишонч билдиришган».

Бу, Ботунинг оиласи ва яқин кишилари бағридаги сўнги бахтли кунларидан бири эди.

Андижон вилояти халқ маориф бўлими мудири Носир Саидов 1930 йил 23 июнь куни Самарқанддан поездда кела туриб, Тошкент вокзалида тушган ва акаси Обид Саидов билан дийдорлашгач, яна Андижонга, бола-чақаси бағрига қайтмоқчи бўлган. Аммо шу куни унинг режаси бузилиб, кимлар биландир акасининг уйида меҳмон бўлиб қолган. Улар кечкурун уй бекаси тайёрлаган лағмонни пок-покиза тушириб, узок суҳбатдан сўнг уйкуга кетганлар. Аммо кўп ўтмай, Обид Саидов безовталаниб, пировардида вафот этган. Носир Саидов шубҳа найзаси ўзига келиб санчилмаслиги учун мурдани суд-тиббиёт текширувидан ўтказишларини талаб қилади. Биринчи текшириш натижа бермайди. Иккинчи текширишда марҳумнинг ошқозон ва ичак деворчаларида захар излари борлиги маълум бўлади. Обид Саидов ГПУ айғоқчиси бўлгани ва Ўзбекистон Олий Суди раиси Саъдулла Қосимов устидан ўтказилган суд жараёнида қанчадан-қанча зиёлилар ва давлат арбобларининг босмачилар билан алоқада бўлганликларини фош этгани учун унинг ўлимига сиёсий тус берилади. Текшир-текшир натижасида Халқ маориф комиссарлиги тизимидаги 20 кишидан иборат гуруҳ қамокқа олинади. Улар Обид Саидовни ўлдириш мақсадида Самарқандда тузилган яширин аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида айбланадилар.

1930 йил 23 июль куни навбат Ботуга келади ва унга Халқ маориф комиссарлигидаги аксилинқилобчи ва миллатчилар гуруҳининг раҳбари деган жиддий айб қўйилади.

Бу, 30-йилларда тайёрлана бошлаган катта катағоннинг ўзига хос репетицияси эди. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай, маҳбуслар Москвага олиб кетилиб, мудҳиш Бутирька қамоқхонасида сўроқ қилинади. Ҳеч бир айби йўқ маҳбусларнинг икки нафари – Абдурахмон Ғойибов билан Жаббор Нарзиқулов қамоқхонада қийноқдан жон беради. Бошқа маҳбуслар мисли кўрилмаган қийноқлар остида ўзларига ва бир-бирлари шаънига тухмат сўзларини айтишга, бир-бирларининг гўё аксилинқилобий фаолият билан шуғулланганларини «фош этиш»га мажбур бўладилар. Бу, бечора маҳбусларнинг номардликлари эмас, балки қамоқхонадаги кўзи қонга тўлган жаллодларнинг ваҳшийлиги натижаси эди.

Кези келганда, айтиш жоизки, маҳбуслар Ўзбекистонда ёз ойларида қамоққа олингани ва ўша ёзги кийимда Москвага олиб кетилганлиги сабабли цемент полда ётиб, минг хил азоб-укубатларни бошдан кечирганлар. Қамоқхона дўкончасидан совун, қанд, папирос, колбаса сингари саноат ва озиқ-овқат молларини сотиб олишга ёки ҳатто ифлос бўлиб кетган кийимларини ювдиришга пул тополмай, роса қийналганлар. Бунинг устига, терговчилар мумкин қадар кўпроқ ватандошлари ҳақида маълумот олиш учун уларга нисбатан қийноқнинг янги-янги усулларини қўллаб турганлар.

Боту бундан бир неча йил илгари паратиф ва ўпка шамоллаши касалликлари билан оғригани учун унинг соғлиғи кундан-кунга ёмонлашган. У ОГПУ махсус бўлими раҳбарларига айбсиз экани ҳақида, ёрдам ва муруват сўраб тинимсиз хат ёзган.

Мана, маҳбус шоирнинг шундай хатларидан баъзи бир намуналар:

*Особый отдел ОГПУ  
т. Дьякову*

**ЗАЯВЛЕНИЕ**

*От Бату*

Не получая никакой передачи и не имея ни одной копейки, я нахожусь в крайне тяжелом положении: истощение дошло до крайности и чувствую, что я больше не в состоянии жить. Питаюсь только одним супом и черным хлебом, которые плохо действуют на мой желудок. Кроме того, без курения я измучился окончательно.

Прошу, принимая во внимание мое крайнее положение, по возможности улучшить мое питание, как-нибудь обеспечить папиросами и дать возможность получить из дома немного денег.

*20/V31.*

\* \* \*

*III ос. отдел ОГПУ  
т. Журавлеву*

**ЗАЯВЛЕНИЕ**

*От Бату*

Как известно, я страдаю нервными припадками, которые пристаю мне в одиночестве. Случаи в Ташкенте и во внутренней тюрьме подтверждают это.

Я третий день сижу в камере один – моих соседей (2 чел.) взяли по приговору. Самочувствие мое резко изменилось и я не в состоянии ручаться за себя. Прошу скорее избавить меня от одиночества – дать соседей.

*Вату.*

*30.VI.31*

\* \* \*

*В III отдел ОГПУ*

**ЗАЯВЛЕНИЕ**

*От Бату*

Я с 14/VIII болею и уже пятый день ничего не ем. Врач разрешает кушать пока только сухари из белого хле-

ба. Для покупки последнего у меня нет денег. Не знаю, что сделать. Нельзя ли мне помочь деньгами.

19/VIII 31.

*Batu.*

\* \* \*

*В III ос. отдел ОГПУ  
тов. Дьякову  
или тов. Журавлеву*

**ЗАЯВЛЕНИЕ**

*Бату М.М.*

Я с 20/VIII по 1/IX лежал в больнице и сейчас чувствую слабость. У меня всего-навсего осталось 3 коп. денег и не имею возможности не только покупать из лавки белый хлеб и др. самые необходимые вещи, но даже не могу бриться, выкупить сданное на стирку белье и купить мыло. Прошу, если есть возможность, помочь или телеграфно затребовать из Ташкента немного денег.

2/ IX 31.

*Batu.*

Боту Бутирька қамоқхонасида, айниқса, ёлғиз ётган кезларида турли хаёлларга боради, ўзининг, устозлари ва маслакдош дўстларининг хатти-ҳаракатларини қайта-қайта таҳлил этиб, бу хатти-ҳаракатларда миллатчилик ва аксилинкилобчилик унсурларини кўради. Ҳатто, ўзининг совет давлати олдидаги гуноҳларини тан олувчи, Ўзбекистондаги миллатчилик ва аксилинкилобчилик руҳидаги саъй-ҳаракатларни қораловчи асарлар ёза бошлайди. У терговчи номига ёзган бир хатида, ҳатто, бундай сўзларни ҳам айтади:

*В IV отдел ОГПУ  
Т. Макинпреший*

**ЗАЯВЛЕНИЕ**

*Бату – Ходиева М.М.*

Получил 15 р. Спасибо. Мое нервное напряжение за последние дни даром не прошло: я заболел. Свой роман

(черновые наброски) почти закончил – осталась одна, последняя, глава, которую допишу к вечеру завтрашнего дня. Вероятно, Вам известно, что это произведение я начал после получения от Вас бумаги, при сильном угнетенном состоянии духа, конец которого не обещал хороших плодов. Начал работу и почувствовал немалое облегчение. Оно в черновом виде получилось больше 200 кн. страниц. Я в это произведение вложил все свое понимание, ощущение, одним словом, всю свою душу. Художественная ценность его – не знаю, и это не мое дело. Только скажу одно: мне кажется, что оно не бесполезно...

23/1 32.

Тергов материалларини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ) ходимлари гўё Ўзбекистон Халқ маориф комиссарлигида «уя қурган» «миллатчилик ва аксилинқилобчилик ташкилоти» тўғрисида сидкидилдан маълумот бериб, совет давлати олдидаги «гуноҳ»ини шу йўл билан ювганидан сўнг Ботуни озод қилишга ваъда берганлар. Ҳар ҳолда, Боту Тошкент ва Москва камокхоналарида озод бўлиш умиди билан яшаб, шеърлар, қиссалар ва ҳатто роман ҳам ёзган. Акс ҳолда, Боту камокхонада кундалик зулм, зўравонлик ва ҳақоратни кўра туриб, бадий асар ёзишга ўзида на куч ва на илҳом топмаган бўларди.

Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси Шарқ бўлими раҳбарлари Ботуни алдадилар. 25–26 яшар йигитнинг совет давлати олдида бирор айби бўлмаганига қарамай, 1933 йил 31 март куни уни, шунингдек, Маннон Рамзий, Носир Саидов, Собир Қодиров, Қаюмхўжа Алиев ва Қамчинбек (Абдулла Гайнуллин)ни дастлаб ўлим жазосига ҳукм қилдилар, сўнгра бу жазо 10 йиллик камок муддати билан алмаштирилди. Боту жазо муддатини ўташ учун Соловец оролларидаги концлагерга юборилди.

## Соловец оролларида

Совет давлати ўзининг дастлабки концлагери учун жойни Шимолий Муз океанига туташ Соловец оролларида танлаган эди. Бу ердан кочиб кетиш ҳам, тирик қайтиб келиш ҳам амримаҳол эди. Ўрта Осиёдан Соловец оролларида бориб қолган аксар маҳбуслар биринчи йилнинг ўзидаёқ совуқдан қирилиб кетганлар.

Қамоқ муддатини ўташ учун бу ерга юборилган Боту фақатгина белгиланган вақтда – икки-уч ойда бир мартагина Тошкентдаги оила аъзолари билан хат ёзиш ва хат олиш ҳуқуқига эга эди. Бундай чекловларга қарамай, Валентина Петровна 1936 йилда тегишли идоралардан рухсат олиб, Ботунинг онаси ва синглиси билан бирга Соловец оролларида боради.

Ушбу машаққатли сафар қатнашчиларидан бири – шорнинг синглиси Хайри Ҳодиева бундай ҳикоя қилган:

«1936 йили ойим, мен ва Эркили билан Наиманинг онаси уч киши бўлиб, акам муддатини ўтаётган Соловкига бордик. Шамоллатиб қўймайлик, деб Эркилини атайин олмадик. Поездда Москва ва Ленинград орқали Кемь пристани (суб бекати)га етиб келдик. У ерда беш-олти кун туриб, ҳар куни учрашув жойига бориб турдик. Соловкига сургун қилинган маҳбусларни пароходда шу ерга олиб келишар экан. Акам Соловкига сургун қилингани ва бу ерда иктисодчи бўлиб ишлаётганидан мамнун эканини айтди. У уйдагилар, болалар, айниқса, жажжигина Наима ҳақида кўпгина саволлар берди. Ўзи ётган жойга гуллар экиб, уларга қараб, болаларининг бўйи қанчага ўсганини тахмин қилишлари ҳақида сўзлаб берди.

Акам жуда меҳрибон киши эди. Ҳаммага ёрдам берарди. Агар бирор киши ундан ёрдам олишни ўзи учун ор деб билса, уни қандайдир йўл билан қўллаб-қувватлаш учун кийим-кечакларини арзон-гаровга ҳам берарди. Ўзининг эса бор-йўғи биттагина костюми бўлган...

Биз акамиздан кўплаб хат олардик – улар ЖЭЖка қарашли уйнинг болохонасида қолиб кетган. Ўша вақтда одамлар тинтувдан кўркиб, ҳеч нарсани саклашмаган: хатлар ва китобларни қудуққа ташлашган. Акам туфайли ҳамма қариндош-уруғларимиз таъқиб ва тазйиққа учрашган...

Эсимда бор, Ҳамза номидаги театр саҳнасида «халқ душманлари»нинг кирдикорларини тасвирловчи асар кўйилган. Бу асарнинг қаҳрамонларидан бири Боту эди...»

Боту туфайли хотини ва норасидалари, айниқса, азоб-қубатга тўла ҳаётни бошдан кечиришди.

Эри қамоққа олингач, Валентина Петровна ҳар эҳтимолга қарши, ўғли Эрклини Ашхободга, отасининг хузурига юборган эди. Эркли бегона шаҳар ва бегона муҳитда азбаройи зериккани ва ётсираганидан Тошкентга яширин равишда қочиб келиш режасини тузади. Аммо у йўлда адашиб, тасодифан Эронга бориб қолади. Қариндошлари Эрклини сотиб олишга мажбур бўладилар. У Тошкентга келиб, Сиддиқ ва Юнус амакиларининг уйида яшай бошлайди.

Эркли Тошкентдаги Шумилов номли мактабнинг учинчи синфида ўқир экан, Мунаввар Аҳмаджонова деган ўзбек тили ўқитувчиси синфга кириши биланок бундай сўзларни айтади: «Болалар, биласизларми, бизнинг ҳукуматимизда халқ душманлари уя қуриб олишган экан. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Сегизбоев, Манжара...» Ўқитувчи «халқ душманлари»нинг номларини бирма-бир нафрат билан санар экан, Эрклига қараб, дейди: «Мана, синфимизда сизлар билан ёнма-ён Эрик ҳам ўқияпти. Ёмон бола эмас, ўқишлари ҳам яхши. Аммо унинг отаси ҳам мамлакатимизга буржуйлар, капиталистлар, бойлар ва босмачиларнинг қайтиб келиб, ҳукмронлик қилишини истаган душманлардан экан...» Эркли ўқитувчининг бу сўзларини тинглар экан, қўллари беихтиёр партанинг эгма тахтасини ошиқ-

мошиқидан ажратиб олади ва тура солиб, шу тахта билан ўқитувчининг бошига туширади...

...Орадан бир қанча вақт ўтиб, Эркили Ҳодиев Олой бозорида собиқ ўқитувчисини тасодифан учратиб қолганида, ўша тахтанинг излари унинг манглайдан ҳали ҳам кетмаган эди...

Боту қамокқа олинганидан кейин Валентина Петровна эрининг совет давлати олдида мутлақо гуноҳсиз, аксинча, ватанпарвар, халқпарвар, тараққийпарвар, ажойиб инсон эканини айтиб, кирмаган эшиги қолмайди. Аммо бирор идора раҳбари унинг сўзларига қулоқ осмайди. 1941 йил июлида эса унинг ўзи қамокқа олиниб, 10 йиллик қамок жазосини ўташ учун Магаданга юборилади. 15 яшар Эркили билан 13 яшар Наима энди онасиз ҳам қоладилар.

Ўзбекистон НКВДсининг ўша кунларда қабул қилган қарорига кўра, Боту оиласининг бошқа аъзолари ҳам сургун қилиниши лозим эди. Аммо, Эркили билан Наимани тақсимот пунктига олиб борганларида, икки дийдираган ва кўз ёшлари шашқатор оқиб турган болани кўрган ходималардан бири раҳми келиб, Ботунинг ота-онаси кўлида қолишига ижозат беради.

Лекин орадан кўп ўтмай, бошқа «халқ душманлари»нинг 15–16 ёшга тўлган фарзандлари қатори, Эркили ҳам қамокқа олинади. Аввал унга 10 йил берилади, кейин бу муддат 4 йилга қисқартирилади. Ва Эркили Ҳодиев бу муддатни ўтаб, 1946 йилда озодликка чиқади.

1950 йили Валентина Петровна ўн йиллик қамок жазосини совет мамлакатининг энг даҳшатли жойларида тўла ўтаб, омон-эсон фарзандлари бағрига қайтиб келади. Шу вақтда Наима Маҳмудова институтни битириб, Хивага йўлланма олган эди. Эридан жудо қилинган, уйи тортиб олинган, Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган Валентина Петровна болалари билан Хивага йўл олиб, 1958 йилда оқлангунига қадар ўша ерда яшайди.

1937 йилнинг мудҳиш воқеалари бошлангандан кейин Боту яширин равишда Тошкентга олиб келинади,

сўнг Москвага олиб борилиб, 1938 йил 9 май куни совет давлатининг ашаддий душмани сифатида отиб ташланади.

Боту шу тарзда яқин орада дийдор кўришиш ҳақида фарзандларига берган ваъдасини бажара олмайди.

\* \* \*

Ботунинг фожиали ҳаёти ва тақдири тўғрисида кўп сўзлаш мумкин.

Аммо ҳамма нарсанинг меъёри бўлади. Жабрдийда шоир тўғрисида ҳам узоқ сўзлаб, китобхоннинг сабр касасини тоширмакчи эмасман.

Агар ҳурматли китобхонлар ушбу мукаддима сўзларини ўқиб, катағон даврининг бегуноҳ қурбонларидан бири – оташин шоир ва жамоат арбоби Боту ҳақида бирор тасаввурга эга бўлиб, унга нисбатан ўзларида ҳурмат туйғусини ҳосил қилган бўлсалар, камина ўз вазифамни бажарган бўламан.

Энди ушбу мукаддимани бутун умри давомида Боту ҳақидаги ҳаёллар билан яшаган, унинг шоир сифатида ҳаётга, китобхонлари бағрига қайтиши учун кўп ишлар қилган Валентина Петровна Васильеванинг қуйидаги сўзлари билан тугатсам:

«Замон яхши ишни ҳам, ёмон ишни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади, аммо тарих қолади. Кишилар авлодларга мерос бўлиб қолувчи ишлари ва хатти-ҳаракатлари билан, жўшқин уммонга интилган дарё тўлқинлари сингари, халқ ва инсоният тарихига кириб қоладилар.

Агар инсон ўзи учун яшамай, аксинча, бошқалар учун, келажак авлодларнинг бахт-саодати учун яшаса, миннатдор авлодлар уни асло унутмайдилар».

Маҳмуд Ҳодиев – Боту ана шундай чин инсонлардан эди...

A rectangular decorative border with intricate floral and geometric patterns, framing the central text.

*Ш е ъ р л а р*





### **ЁЗ КУНИ**

Қиш куни ўтиб, ёз куни келди,  
Ер юзин олган қорлар тугалди.  
Ҳар ким эгнидан пахталик тушган,  
Юпқа кийимлар, боқинг, кийилган.  
Чечак очилди боғларда бу кун,  
Булбул чиқарар ёқимли бир ун.  
Бутун оғочлар чиқарди япроқ,  
Улуғ Тангрининг қудратига бок.  
Қушлар сайрашур оғочга қўниб,  
Ҳар кимни кўрсанг юрар шодланиб.  
Ғир-ғир шамоллар юзга урарлар,  
Кўнгилга қандай шодлик берарлар.  
Қиш ўтди эмди, эй туронликлар,  
Битсин ялқовлик, туркистонликлар!

*1919 йил 24 июнь*

### **ПАРЧА**

Кўнглимда бўлган севги тамуғи  
Дардли руҳимнинг севган озуғи.  
Бу тамуғ<sup>1</sup>даги оловлар сўнса,  
Тириклигимнинг битар ёруғи.

---

<sup>1</sup> Тамуғ – дўзах.

## ТЕМИР ҚОЗИҚ ЮЛДУЗИГА

Кенг бўшлиқнинг юксагида бу ўриндан кўзголмай,  
Ўзга нурли юлдузлардек кенг ўлкада ўйнолмай,  
Кечалари кўзларидан ўтли ёшлар оқизиб,  
Севганини эслай турган ошиқ каби қайғуриб,  
Тип-тинч ерга боқиб турган Темир қозик юлдузи!

Кенг чўлларда, денгизларда йўлдан чиққан йўлчилар,  
Марҳаматли сен юлдузга қараб йўлни топарлар.  
Тип-тинч тунда йўлни билмай кўркинч аро қолганлар  
Сен гўзалнинг кўмагинг-ла кўркинчлардан кутулар,  
Эй кўмакчи, марҳаматли Темир қозик юлдузи!

Кўркинч, жонсиз, тип-тинч, улкан, қайғу-алам чўлида  
Кийноқ билан бита ёзган мен йўқсилга йўл кўрсат.  
У йўл билан бу кенг чўлдан узоклашиб кетайин,  
Кўнглимдаги энг муқаддас тилагимга етайин,  
Кетиб кўриб, сўнгра... истар экан битайин!

*1920 йил апрель*

## ЎЗБЕК ҚИЗИГА

Ўйноқ кизча, эркин-эркин ўйнаб ол,  
Эрта-индин эркинг қўлдан кетадир.  
Эркаланиб бир-икки кун қувнаб қол,  
Эрка кўнглинг ҳасратларга ботадир.

Нурлар сочиб ўйнаб турган кўзларинг  
Эрта-индин ғам ёши-ла тўладир.  
Севинч порлаб, кулиб турган юзларинг  
Дард остида сап-сарғайиб сўладир.

Кўксингдаги эрк чечагин бой бериб,  
Эрта-индин мотам гулин тақарсан.  
Кўлингдаги бахт чолғусин синдириб,  
Қайғу-алам ўчоғида ёқарсан.

Табиатда яшнаб турган юзингга  
Эрта-индин манхус ўртук тутарсан.

Ана сўнгра қоп-қоронғу зиндонда  
Йиғлаб-сиқтаб ўлимингни кутарсан.

Боёқиш қиз, эрқаланиб ўйнаб ол,  
Эрқаланиб бир-икки кун қувнаб қол.

*1920 йил сентябрь*

### ПАРЧА

Чал!.. Қиллардан мунгли-мунгли титрак унлар чиққунча,  
Кучсизланган дардли руҳим юксалгали талпинсин.  
Қоп-қоронғу тубанликда яраланган қуш каби  
Инграб-инграб ётган кўнглим бир озгина тинчлансин.

*1920 йил апрель*

### КУЗ КУНИДА

Кучсизгина силкинган бу нозли япроқлар  
Баҳор кунларидан айрилгач, сарғайиб  
Ҳижронлар ичида эзилган кўнгилдан  
Ўлим шамолларини кутиб туралар.  
Ёз куни еллари нозлича эсганда,  
Бутун тол бутоклар кулишиб турганда,  
Қуёшнинг ёруғи жилмайиб тушганда.  
Гўзаллик тангриси бунларга кўнганда  
Бунларнинг ҳоллари бундай эмасди.

Ўз тусин йўқотган бу сўлгин чечаклар  
Маъшукнинг ҳуснига тўймасдан йиғлагур  
кўзлардек

Мунглиниб, дардланиб, ҳар ёққа термулиб,  
Тўкилиш кунларин кутиб туралар.  
Бу гуллар нозланиб, тўлғаниб, ҳид сочиб,  
Севги булбулини ошуфта қиларди.  
Совда юлдузидек кўринган юзлари  
Кўзларни эркисизча ўзига тортарди.  
Бу кунги ҳолатни кимса сезмасди.

*1920 йил октябрь*

## НАВОИЙ

Бир замонлар элимиз  
Қоронғуда қолмишди.  
Бу чоқларда тилимиз  
Ёрли<sup>1</sup> исм олмишди.

У чоқларда етишган  
Бизнинг адиб, шоирлар  
Тўғри йўлдан оздилар;  
Ўзга элнинг тилида  
Анча асар ёздилар.  
Ўз тилини ёмонлаб,  
Ўзга тилни севдилар.  
Араб, форсий тилларин  
«Гўзал тилдир», дедилар.

«Бу тушунча янглишдир,  
Ўз тилини севмаслик  
Энг ярамас бир ишдир.  
Биз яшамоқ истасак,  
Тилимизни севайлик.  
Бизнинг тилни ярамас,  
Ёрли, деган кишилар  
Янглишалар, шубҳасиз.  
Бизнинг тил ҳам бой тилдир»,  
Деди онгли бир киши.

Араб, форсий қуллари  
У сўзларни эшитгач,  
Хохолашиб қулдилар.  
Мазах қилиб: «Бу киши  
Телба бўлмиш», дедилар.  
Бундай янглиш сўзларга  
У киши ҳеч бокмади.  
Буюк тилак йўлида  
Кеча-кундуз ишлади.

---

<sup>1</sup> Ёрли – камбағал.

Сўзларининг ҳақлигин  
Ишлар билан кўрсатди.

«У киши ким?» десангиз,  
Айтиб берай, ўртоқлар.  
У кишини билсангиз,  
Буюк шоир Навоий.  
Шунинг учун, болалар,  
Навоийни севайлик.  
Навоийнинг отини  
Олтин билан ёзайлик.

*Тошкент, 1921 йил апрель*

### **ГУЛЁР<sup>1</sup>**

Қуш уяси бузилди,  
Аҳд иплари узилди,  
Ўзга тузук тузилди.  
Ин бузилгач қуш кетди,  
Аҳд иплари узилгач,  
Мен йўқсилдан эс кетди.

Қоп-қоронғи зиндонга  
Сени кучлаб солдилар,  
Мени Мажнун қилдилар;  
Сен яшарсан зиндонда,  
Севмадигинг бир ёвуз  
Зиндончининг қўлинда...

### **ҲИЖРОН ТЎЛҚИНИ**

Бутун кечада хаёлга чўмиб,  
Ёниқ руҳимни қайғуга кўмиб,  
Ҳижрон ўтида ўртаниб, куйиб,  
Гўзал малакни эсламакдаман.

---

<sup>1</sup>Бу шеър «Гулёр» халқ қўшиғи оҳангида ёзилган. Миллий истиқлолчилар 1921 йилда қамокдан озод қилинган Мунаввар қорини шу қўшиқни айтиб кутиб олганлар.

Биз яшайтурган бу тубанларга  
Нур сочиб турган ой, юлдузларга  
Юрак дардларин сўзламакдаман,  
Гўзал куёшни эсламакдаман.

Кўкрагим ўтли, юрагим дардли,  
Руҳим қайғули, кўзларим ёшли,  
Боёқиш кўнглим чин муҳаббатли,  
Гўзал чечакни эсламакдаман.

Меним фариштам бундай тунларда  
Эслармикан ҳеч мен йўқсилни-да?

*Тошкент, 1921 йил 18 июль*

### **СЎРМА!**

Сўрма, ўртоқ, кўзларимда ўтли ёш қайнашганин,  
Сўрма, ҳеч бир юзларимда қайғулар ўрнашганин,  
Сўрма, бу мажнун кўнгилнинг дард ичида ёнганин,  
Сўрма, бу махзун хаёлниң қай очун<sup>1</sup>да юрганин.

Бу сўроқларга жавоб кўнгил сирийн очмоқ, демак,  
Дардли қалб вулқонларидан лавалар сочмоқ, демак,  
Лавалар сочмоқ бутун борлиқни йўқ этмоқ, демак,  
Марҳамат йўқ, тўғрилиқ йўқ дунёдан кечмоқ керак.

Дардлилар дард англатормас дардсиза сўзлов билан,  
Кўрсатиб бўлмас куёшни кўзсиза мақтов билан.

*Қўқон, 1921 йил июль*

### **ЕТАР ЭНДИ!**

Кўп чоқлардан бери бизнинг юртимизнинг кўкини  
Бошдан бошлаб қоплаб турган қалин қора булутлар,  
Қачонгача кўрсатмайсиз бизларга, эй жонсизлар!  
Ёғдулардан яратилган юлдузларнинг юзини?  
Ёруғлиқни севатурган бизнинг тиниқ кўнглимиз  
Қачонгача қоронғулар аро қолар бўғилиб?

---

<sup>1</sup> Очун – дунё.

Етар энди, ёруғликдан маҳрум этиб бизларни,  
Шунча чоклар нур йўлини тўсибгина турдингиз.  
Парда бўлиб нур сочгувчи юлдузларнинг юзига  
Кўнглимизни куз чоғининг япроғидек қилдингиз.

Йиртилингиз, эй ярамас, қалин, қора пардалар,  
Хеч ёзуқсиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин!  
Йўқолингиз ёруғликни тўса турган булутлар,  
Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилсин!  
Қоронғулар ичра қолган мунгли, синиқ кўнглимиз  
Ёй<sup>1</sup> кунининг табиати янглиғ кулиб севинсин!

\* \* \*

Тоғларда юрган эркин кийикни тутиб боғлама,  
Муҳаббат дарди эзган кўнгилни яна доғлама.

Эрка кийикнинг кўзлари яна ёшга тўлмасин,  
Дардли кўнгилнинг ёниқ охлари вулкон бўлмасин.

Қўй, ўйноқ кийик кенг табиатда яйраб ўйнасин,  
Юзингни кўрсат, боёқиш, кўнгил бироз яйрасин.

## БУ ОВОЗ

*(Фарғона харобаларини эслаб...)*

Қайдан келадур  
Бу титроқ овоз?!  
Кимнинг қўлида  
Дард куйлайди соз?!

Табиат бўлмиш,  
Ёғдулар сўнмиш,  
Дунё тинчланмиш,  
Тинчлик уйғонмиш,  
Барча тинглайдур,  
Бу қандай овоз?!

---

<sup>1</sup> Ёй – ёз.

Бу мунгли овоз  
Кўкдан келмайдур.  
Бу каби овоз  
Дард тўлқин урган  
Тубанликларда,  
Алам қайнаган  
Харобаларда  
Жавлон этадир.

Бу дардли овоз:  
Зулм наштари;  
Тикан юракнинг  
Инграшларига  
Жуда ўхшайдир.  
Даҳшатли сирлар  
Сўйлаб титрайдир.

*1921 йил 14 сентябрь*

### **ТИЛАК**

Сира толмас қанотларим бўлсайди,  
Кучсизлигим сира қолмай битсайди.

Чин нур тушмас, тубанликдан қочардим,  
Юксакларга, аршларга чиқардим.

Дунёмизга зулм, ваҳшат, бузуқлик  
Сочатурган манбаларни бузардим.

Чин эркинлик, чин саодат, чин роҳат  
Ёғдуларин дунёмизга сочардим.

*1921 йил сентябрь*

## Умид учқунлари



*Кўкка учган қип-қизил учқунларим,  
Нур сеполмай ўчса ҳам ўчмас уним.*

\* \* \*

Ўсди «Умид учқунлари»,  
Тошди кураш тўлқинлари.  
Биров билар, биров билмас.  
Биров балки кўзга илмас...  
Бироқ тўлқин тошар, тинмас,  
Унинг товши яшар, синмас...

### ЁШЛАР УЧУН

Эски турмуш, эски уй  
Ёш кўнгилни қийнагай.  
Эски чолғу, эски куй  
Ёш юракни тирнагай.  
Эски қонун, эски йўл  
Ёшни олға элтмагай.  
Янги турмуш излаган  
Кўп тўсиққа учрагай.  
Юксалишни истаган  
Қаршилиқдан кўркмагай.

Ёш билак – кучли билак  
Ҳормасин ҳам толмасин.  
Ёш билак – нурли тилак  
Порласин, ҳеч сўнмасин.  
Ёш билак – ўтли юрак  
Ҳеч умидсиз бўлмасин.

*Тошкент,  
1921 йил 16 сентябрь*

## УЙҒОТИШ

Тур, ўғлим, иш вақти – тонг отди,  
Кун баланд ерларга нур сочди.  
Жимжитлик кўрғони бузилди,  
Тебраниш тузуги тузилди.

Кўрпанинг кучоғин севмакдан  
Ҳеч унум, ҳеч лаззат кўрмайсан.  
Кўз юмиб, тонг юзин кўрмакдан  
Кочиш-ла бахтли ҳам бўлмайсан.

Тонг гўзал, кўк тиник, ғубор йўк,  
Тонг ели ҳид сочиб эсмакда.  
«Ишлашсиз бўлмагай дунё тўк» –  
Сўзлари ҳар ёқдан келмакда.

Қушлар ҳам инларин тарк этди,  
Яшашга йўл излаб кетишди.  
Жонлилар барчаси ишлашга,  
Лаззатли яшашга киришди.

Кўшнилари кўпдандир турдилар,  
Оёққа кўн этик кийдилар.  
Этакни белбоққа урдилар,  
Кетмонни елкага қўйдилар.

Яшашнинг ингичка таноби  
Кетмонлар тебратган қўлларда.  
Ёш-қари кўзларнинг қараши  
Ўроқлар из солган йўлларда.

Ўроқнинг оқ юзин занг босса,  
Эл кўнгли мотамга ўралгай.  
Кетмоннинг қирғоғи қайрилса,  
Ўт ёнган кўзларга ёш тўлгай.

*Маскав,  
1922 йил 26 июль*

## ШОКИР СУЛАЙМОН АЛЬБОМИГА

Кечаси ойсиз, кундузи кунсиз  
Ёвузликларга чидаган унсиз –  
Ўлкадан келган азамат йигит,  
Тўсиқ учратмай тилагингга ет.

Маҳкум ўлкада ўсган оғочлар  
Қайғу-мунг ила бошларин эккан.  
Бунда ҳовлиққан катта ариқлар  
Кўрқинчдан телба тахтига етган.

Мудрашдан озод ўйноқи кўзлар  
Ҳар пучмоғида сир кўрмай қолмас.  
Оёқ остида топталган ўтлар  
Истаган тусин берарми, олмас?

Бизни ўстирган ўлка доғларин  
Қуруқ кўз ёши арта олгайми?  
Тенгсизман деган зулмат тоғларин  
Бўғиқ фарёдлар йиқа олгайми?

Ўлкамиздаги йиғлоқи эрлар  
Чақалоқ каби йиғлай берсинлар.  
Соф юракларни қоронғилиқда  
Умидсизлик-ла тиғлай берсинлар.

Турмуш денгизин шамол қўзғотса,  
Сен ҳам кўзингга ёш тўлдирмагил.  
Мунгли нағмалар дардни уйғотса,  
Умидсизлардек фарёд қилмагил.

Жанг майдонида жавлон этгали  
Отланганларнинг олдинги сафи  
Сен билан тўлиб гуркираб турсин  
Умид кўзлари сени-да кўрсин.

*1922 йил 26 июль*

## БИЗНИНГ ТОВУШ

Йўқсил элда дард кўпайтган, онг камайтган хон билан  
Сўнгги майдон қургали ҳам унга зўр гўр қазгали  
Эзгу байроқ, боқ-да, тутдик: жангимизни ёзгали.  
Эй муаррих, ушла ёзғич, бизни эсла шон билан.

Кўнглимиз тўк, чайқалиш йўқ бизнинг сон оз бўлса-да,  
Тебранишни тўхтатиш йўқ, йўлга тўсқин тўлса-да.  
Зўр денгиздек тўлқин урган ғайратимиз олдида  
Эски хоннинг тахти титрар қанча олий бўлса-да.

Биз, умидли ёш йигитлар, ёшли кўзга қаршимиз,  
Ҳар томондан тўлқин урган бизнинг ўткир товшимиз.  
«Ёш юраклар, бизнинг сафга, қўрқоқ ўртоқ, қоч нари,  
Дунёмизга орқа бер-да, онгни йўлла «йўқ» сари».

*Маскав,  
1922 йил*

## КИЧКИНА АРМУҒОНИМ

*Хайринисо Мажидхон қизига*

Қора турмуш чангалидан кутулиб,  
Эрк чечагин тақа олган кучли қиз.  
Эски одат санамларин парчалаб,  
Эрк-тангрига сажда қилган руҳли қиз.

Йўлинг тўғри, ортга боқма, кета бер,  
Илгарилаш ашуласин айта бер!

Тўғри йўлинг нурли, узун, улуғдир,  
Улуғ йўлнинг тармоқлари чексиздир.  
Тармоқли йўл тажрибасиз, соф садо,  
Кўзлар узун хатар билан тўлиқдир.

Ишонаман: сенинг кўзинг – ўткир кўз,  
Миянг кучли... керак эмас бошқа сўз.

Тор қафасдан қочиб кўкда ўйнаган,  
Эркинликнинг кучоғида дам олган

Гўзал қушнинг овчилари кўп бўлгай,  
Пайт келса, қуш тубанларга тортилгай.

Бу ҳақиқат, учар экан қараб уч,  
Эҳтиётсиз юксалишдан умид пуч.

Сенга қарши бугун кўкка юксалган  
Лаънат, қарғиш «ҳеч»дан кўра «кеч»гина.  
Келгусида йўлларингга тўшалган  
Раҳмат, олқиш қаршисида кичкина.

Илгарила! Йўл сўнгида ёруғлик,  
Югуришга зарар этмас оруғлик.

*Макав, 1922 йил*

## **БИЗНИНГ БАЙРАМ**

*Рўза байрамида*

– Қалай, ўртоқ, эсонмисиз?

– Бургутдек!

– Жуда яхши...

Енгил бўлинг булутдек.

– Кўринмайсиз?

– Кўринамиз, бироқ йўлдош эрларга,  
Боролмаймиз ундай-бундай ерларга.

– Ҳа... Ишларингиз, кучингиз?

Йўл қалай?

Сизнинг соғлик?

– Яхшилиқнинг тахтида.

Бугун байрам...

Байрам билан қутлайман.

– Кўп куллуқлар!

Мен ҳам сизни йўқлайман.

Бизнинг байрам – ишимизнинг бахти-да.

Ишимизни қуёш нури ўйнатса,

Бошимизни билим кучи уйғотса.

Бўлгусидир бизнинг учун чин байрам.

– Бу байрам-чи?

– Бу-да элга зўр байрам...  
Бироқ ҳозир от солдирган биз учун  
Бундай байрам – ўйинлардан чиройлик.  
Байрамдаги бўш ишлардан унумлик.  
«Тилак» борким, борлиғимиз у учун.  
Бу тилакнинг гўзаллигин кўрганлар,  
Унга дилни банди қилиб берганлар  
Ундан бошқа ҳеч нарсага қаролмас,  
Қаролса-да, тузуккина кўролмас.  
Шунинг учун бу байрамда бизлар ҳам  
Ўзгалар-ла ўйнамаймиз, кулмаймиз:  
Етишган кун кўзлаб қўйган ўринга  
Суюнч, ўйин, кулгини тинч қўймаймиз.

*Маскав,  
1923 йил 18 май*

### **АРАФА КЕЧАСИ**

Яна йиғи: ўликларга сажда қилиш бошланди,  
Яна умид юрагига наштар учи ташланди.

Тўрт томондан кўтарилган сирлар тўла товушлар  
Тинч кечанинг нашъасига мунг, қайғулар бағишлар.  
Олам қули юраклардан титраб чиққан бу «дод»лар  
Йўқликларга ботар экан, қолдирадир қарғишлар.

Бу йиғилар, бу сиғилар басталанган куйлардан  
Ёғиб турган ҳасрат, нафрат кўнгилларни чуқурлар.  
Амал учун қайғулардан махсус кафан тўқурлар,  
Бу куйларни тўхтатишга қўмак керак эрлардан.

Қачонгача байрамларни йиғи билан қаршилаш,  
Қачонгача эски, бузуқ йўлдан чиқмай ҳарсиллаш?

*Тошкент,  
1923 йил 23 июль*

## ЁШ ЮРАК ТЎЛҚИНИ

### I

Тўхтамайман,  
Тўхтамайман,  
Тўхтамайман ҳеч!  
Галга солма!  
Вақтни олма!  
Мендан олдин  
Ўтмасин ҳеч!  
Кетдигим йўл  
Кенг,  
Узун:  
Эр йигитга  
Ўнг.  
Сўл  
Чип-чиройлик,  
Шод бутун.  
Кўзга бўлса  
Тим қоронғу  
Даҳшат ўрни.  
Менга бўлса  
Арш йўли...  
Арш йўли: эрлар учун... зўрлар учун..  
Тоғни толқон қилгудек кучлар учун..  
Бу йўлда  
Кўрган сари  
Югуриш ортар:  
Тилак отли куч  
Илгари тортар.  
Илгари! Илгари! Илгарида нур...  
Эрк, умид буйруғи: илгарига юр!..

## II

Тўхтамайман ҳеч!  
Қувалаб етмасин кеч!  
Телба дарёлар  
Йўлимда бўлса,  
Кечиксиз ердан  
Кечиниб ўтаман.  
Ўйноқи денгиздан  
Тўсқинлик келса,  
Тўлқинларини  
Янчиб ўтаман.  
Тоғлар кўкрагин  
Босиб ошаман.  
Лавалар каби  
Қайнаб тошаман.  
Тошаман: ошаман, ўтаман, кетаман.  
Тез кунда тилагим юртига етаман...

Болалик чоғимда  
Қиблани менга  
Янглиш кўрсатган  
Эй, азаматлар!  
Ёшлик чоғимда  
Йиғини менга  
Уялмай ўргатган  
Йиғлоқи зотлар!  
Эссизким, эссиз  
Эмди нағмангиз  
Бўшлиқда битгай!  
Бўшлиққа кетгай!  
Эй!..  
Эй!..  
Илгарилашга  
Ундаган эрлар  
Сизга

Хурматлар,  
Гўзал чечаклар!

Умид буйруғин ижро этаман,  
Тилак юртига тезда етаман...

*Маскав,  
1923 йил 21 сентябрь*

## ЎГУТ

Ёшлар,  
Илдам, илдам!  
Ўтмасин дам!  
Ўтса,  
Тошлар  
Бошга ёққай.  
Ёшлар  
Чечак такқай.  
Кулиб-кулиб,  
Қош ўйнатиб  
Бизга боққай...  
Кўкраги, билаги  
Кучли ёшлар!  
Юраги, тилаги  
Эркили ёшлар!  
Кўзларингиз чақнасин!  
Ғайратингиз қайнасин!  
Турсин!  
У...  
Ана у-увв...  
Туманлар ичинда  
Ўралиб турган,  
Катталиқ, улуғлик  
Майдонида  
Яккалик даъвоси  
Қилмоқда бўлган

Тоғлардан буюк  
Иш – юк.  
Арслон юракли,  
Толмас билакли  
Бизни кутади.  
Кишилик дунёси  
Қуёш,  
Нур истар.  
Кишилик  
Кўкармак  
Унмак истар.  
Қуёш булутдан  
Қутулмоқ истар.  
Нур билан дунёни  
Безамоқ истар.  
Кўкармак бўлса,  
Нур эммак истар.  
Эркаловчига  
Талпиниб,  
Жилмайиб  
Юксалмак истар.  
Истакнинг борлиқда  
Жавлон қилиши  
Ёшлардан,  
Ёш кучлардан  
Тебраниш истар...  
Бизнинг давримиз  
Нозиклик,  
Уйғунлик  
Кўкрагидан  
Сут эмиб ўсган.  
Бизнинг вақтимиз  
Тезлик,  
Чопқирлик  
Битигиндан  
Суралар ёдлаган.

Бунлар  
Эсимизнинг энг тўринда  
Тебраниш олдида ойна бўлсин!

Келгусида, эй жавобгар ёшлар,  
Ёғмасин бошга лаънат-ла тошлар!

*1923 йил 24 сентябрь*

## **УНУТМА БИЗНИ**

*Тушунчамиз ёвларига*

Кечаги қайнашлар пасайган бўлса-да,  
Кечаги хужумлар сусайган бўлса-да,  
Кечаги наъралар камайган бўлса-да,  
Биз борлиқ бағрида қарши куч, унутма!

Ҳайбатли майдонда биз жавлон қилганда,  
Қиличлар ўйнатиб ҳар ён от сурганда,  
Қаршидан майдонга қахрамон кирганда,  
Сичқондан жой сўраган эски куч, унутма!

Эй қурғур эски куч, нималар қилмадинг?  
Панага бекиндинг, бироқ тинч турмадинг,  
Шатранждан хабарсиз бўлсанг-да, жиммадинг,  
Эмди жим, тўлқинни, ёзуғни унутма!..

*Маскав,  
1923 йил 5 октябрь*

## **УМИД СЎЗЛАРИ**

Юракда умидлар, амаллар  
Тўзимсиз қирғокни босаркан,  
Нега мен чакмоқдай югурмай?!  
Эскиган, чириган тамаллар  
Йўқликка эгри йўл ясаркан,  
Нега мен ундан юз ўгирмай?!

Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш кучлар излайман.  
Орқага тортганга ҳадям – тош,  
Ҳар чок мен илгари ундайман.

*Маскав,  
1923 йил 11 сентябрь*

## **МЕНИНГ КУНДУЗИМ**

Тонг отди, жаҳон зулмати битди,  
Мунгли кеча мунг, дард ила ўтди.  
Ҳар ён югуриш фурсати битди,  
Ўнг, сўлни ҳаёт тўлқини тутди.  
Тонг нуруни тўрт кўз ила кутган,  
Учмоқ, яшамоқ ишқини тутган,  
Қушлар-да суюнч шеърини куйлаб,  
Турмушдаги истакни улуғлаб,  
Тарк этди бутун тор, қора инни,  
Ўйнади, учди... қарғади тинни.  
«Мунгли кечанинг мунгли чоғинда»  
«Бир қоп-қора ҳайкал тусини олган»  
«Тоғ гавдали» уйлар-да оқарди...  
Ёлғиз кечанинг ёт қучоғинда  
Дардлар ила ўртоқ бўлиб олган  
Шоирдаги кайфлар-да йўқолди...  
Борлиққа гўзаллик бера турган,  
Дунёга умид бахш эта турган  
Инсон-да туриб ишга йўл олди,  
Соғлиқдан узоқларгина қолди.  
Мазлум кечанинг мунглари қурсин,  
Кундуздаги борлиқ юзи кулсин.

Кундуз... Ҳамма ер гулга кўмилган,  
Ўнг-сўл... Ҳамма ёк ишга берилган.  
Инсон кучи тоғларни эзишда,  
Инсон кўли жаннат-да тузишда.

Кундуздаги руҳни севаман мен,  
Кундуздаги ишда бўламан мен...

*Маскав,  
1923 йил 29 октябрь*

## **ТЎЛҚИНИМ**

Ғайратим тўлқини пасаймак билмас,  
Қонларим юриши сустликни суймас,  
Амалим қуёши ёғдусиз қолмас,  
Чунки мен умидга бўлганман банда.

Йиқилган уйларда сирли ўт кўрдим,  
Бузилган ерлардан кўп нарса туйдим,  
Қайғулар тубинда суюнчлар сездим,  
Умидсиз қарашдан нафрат-ла бездим,  
Чунки мен оти<sup>1</sup>га қилганман сажда.

Келгуси бахтини очолмас йиғи,  
Йўлларга ёғдулар сочолмас йиғи,  
Аламни камайтмас бу йиғи-сиғи,  
Шунинг-чун суймайман ким кийса жанда.

*Қўқон,  
1924 йил 21 июль*

## **ТЎҒРИ СЎЗ**

*Фарғона ёшларига*

Фарғонанинг етим-есир, дардли йўксил ёшлари,  
«Юртимизнинг кўп баҳоли тупроқлари, тошлари  
Бир неча йил қон эмди», деб бўлманг сира умидсиз.  
Умидсизлик йўқликларга йўл бошлайдир, шубҳасиз.  
Илгарига югурингиз, юксалингиз, учингиз!  
Қарши чиқса, тоғни янчинг танда боркан кучингиз!

---

<sup>1</sup> Оти – келгуси, истиқбол (муаллиф изоҳи).

Кўрқинчларга мазор каби уя бўлган қишлоқлар,  
Чексиз замон бундай ҳолда қолиб кетмас. Бу – қонун!  
Яна бир кун гулбоғчалар, тирилганда бутуқлар  
Булбулларнинг нозиккина оёқларин ўпгайлар.  
Яна бир кун «йўқлик» кучи сусайгай-да, бу ёқлар –

Янги борлиқ нурларида кўкаргаёлар, ўсгаёлар.  
Янги борлиқ, янги турмуш, бутун-бутун янгилик  
Туғиладир йўқсил элнинг ҳеч туганмас кучидан.  
Эл кучига ишончсизлик, элни кўзга илмаслик  
Оздирадир тўғри йўлдан.

Сақланингиз булардан!..

*Тошкент,  
1923 йил 5 июль*

## СУЮНЧ КУНЛАРИ

*(Маориф ишчиларининг 5 йиллик  
байрами муносабати билан)*

Фотиҳа керакмас ўлмаган эрларга,  
Ўлик деб борилмас мазорсиз ерларга,  
Тебраниш куч бергай тинчимас шерларга,  
Умидлар эшигин, истаклар, оча кўр!

Илгари сурилиш – барчанинг тилаги,  
Бу йўлда куч бермас дардсизлар юраги,  
Тўсикни бузолмас кучсизлар билаги,  
Кўкдан нур тилашдан, йигитлар, қоча кўр!

Ўнг-сўлда тенги йўқ умидли уриниш,  
Йўқликка жўнашда нафратли суриниш,  
Суюнчлар манбаи бу гўзал кўриниш,  
Йўлларга нурларни, нурчилар, соча кўр!

*Қўқон,  
1924 йил 13 август*

## КЕЛ, БИРГА КУЛАЙЛИК

*«Соз»ли дўстимга*

Тонг ердан кўзгала олмас,  
Ўй янглиғ кўкка учолмас,  
Йўк, аршда жавлон этолмас,  
Кел эмди бирга юрайлик,  
Кел эмди бирга кулайлик!

Борлиқнинг чокини сўкма,  
Оғули кўз ёши тўкма,  
Ёш гулни ергача букма,  
Кел эмди яшнаб ўсайлик,  
Кел эмди бирга кулайлик!

Кўп кунлар бошдаги кучни  
Сезгининг олдига тўкдинг,  
Қайғулар олдида чўкдинг,  
Кел эмди эрлик этайлик,  
Кел эмди бирга кулайлик!

Зўр созчи, сўзга кулоқ сол,  
Созингни ўзгачароқ чол,  
Кўнглингни нурга кўмиб ол,  
Кел эмди сўлга кетмайлик,  
Кел эмди бирга кулайлик!

*Қўқон,  
1924 йил август*

## ИСЁН

Одам одамдир, саждалар ортик,  
Одам сўзлари одамга тортик.

Бордан туғар куч, бунга бор шоҳид,  
Ўйларинг тубсиз, тамалсиз зоҳид!

Истагимдан кўп буюқдир жамиятнинг истаги,  
Шул сабабдан истасам-да, жонланолмас эсадаги...

*Маскав,  
1924 йил*

## **ПАРАНЖИ**

### **I**

Ёш қиз юзини,  
Қора кўзини  
Кўролмадим мен.  
Ширин сўзини,  
Тинглаб ўзини  
Англолмадим мен.

– Синглим, нега сен  
Паранжидасен? –  
Кўрқиб дедим мен.  
– Эркинликка сен  
Қачон чиқасен? –  
Ўйлаб сўрдим мен.

Гапирмади қиз,  
Қолдирмади из  
Кўнгил бетинда.  
Деёлмадим: – Сиз  
Юринг чимматсиз,  
Эркнинг кетинда.

Кўчдим тузумга,  
Дедим ўзимга:  
«Гапирма, ишла!  
Ғам бермай юзга,  
Ёш олмай кўзга  
Дудокни тишла!»

Қиз тутқун ўсган,  
Қиз онгин тўсган  
Эски, кир кучлар.  
Шунинг-чун парда  
Яшар кўнгилда,  
Порламас ўчлар.

Янги куч енгар,  
Қиз сўзин тинглар.  
Ишондим бунга...  
Йиғлади кўплар,  
«Хаёл», дедилар.  
Мен ёндим бунга.

## II

Кўп кунлар ўтди,  
Янги куч тутди  
Мазлум қўлидан.  
Эркисизлик турди,  
Одамга юрди  
Алам йўлидан.

Мен қизни кўрдим,  
Ҳолини сўрдим,  
Қочмади эмди.  
Суюнчга тўлдим,  
«Хаёл»га кулдим,  
Ўнг-сўлим кулди.

Жилмайди хур қиз,  
«Отдик, – деди, – биз  
Паранжиларни.  
Чўколмаймиз тиз,  
Тинчитмаймиз биз  
Заҳарчиларни».

Битирди сўзни,  
Янги бир йўлни  
Кўрсатиб менга,  
Ўргатиб менга...

*Тошкент,  
1924 йил 31 декабрь*

### **ҚЎЗҒАЛИШ**

Кучли ел юрди,  
Наъралар урди:  
Ув,  
Ув,  
Ув.  
Ўтни ўт қувди,  
Гулдираш юрди:  
Гув,  
Гув,  
Гув.  
Кўкни кўз кўрмас,  
Дил сепи урмас,  
Чунки даҳшатли  
Кучлари ўлмас.  
Ўлмас,  
Ўлмас,  
Ўлмас.  
Қўзғалиш ерда,  
Қўзғалиш,  
Қўзғалиш,  
Қўзғалиш.  
Қўзғалиш  
Бу тубан ерда.  
Кўз ёши кўкда,  
Кўз ёши,  
Кўз ёши,  
Кўз ёши

У улуғ кўкда.  
Кенг, улуғ денгиз  
Тўлғаниб қолди.  
Шод кўнгилларга  
Дард-олов солди.  
Ўнг билан сўлнинг  
Тинчлигин олди.  
Кўрқинч,  
Кўрқинч,  
Кўрқинч.  
Кўрқинч кўпирди,  
Денгиз ўқирди.  
Ўқирди,  
Ўқирди,  
Ўқирди.  
Тўлқин қутурди,  
Қутурди,  
Қутурди.  
Ҳар томон уйғоқ,  
Ҳар кўнгил тарқоқ.  
Чунки даҳшатда  
Ўтга ўт ўртоқ.  
Ўнг уйғоқ,  
Сўл уйғоқ,  
Уйғоқ,  
Уйғоқ,  
Уйғоқ.

*Маскав,  
1925 йил 4 февраль*

## **ТУТҚУН СЎЗИ**

*«Эрк» деган ўзбек хотин-қизларига бағишлайман.*

«Уч, уч!» деманг, учолмайман,  
Кўкда эркини кучолмайман.  
Тор кўнгилдан титроқ ташлаб,  
Суюнчларга кўчолмайман.

«Чик, чиқ!» деманг, чиқолмайман,  
Душман кучин сиқолмайман.  
Якка ўзим «кир тузук»ни  
Узил-кесил йиқолмайман.

Учиш учун қанот беринг,  
Ярамга сиз кўмак беринг.  
Тузок узинг, қафас бузинг,  
Қафасгача мозор тузинг!..

Йўқолмасин гўзаллигим,  
Тугалмасин тугаллигим.  
Очинг қизил амал юзин,  
Кулолмасин тубанлигим.

*Маскав,  
1925 йил 17 февраль*

## Тўлқин товушлари



### МАЙ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

Ҳар ёнда кураш бор,  
Қон тўлқини кучли.  
Ҳар онда талаш бор,  
Йиғлар заҳар ўчли.

Қон ошиқи – «тўқлар»  
Сўнг дамда-да эзмак –  
Йўқсилни ва қон кезмак  
Истаб, отар ўқлар.

Ваҳшат тиғи, қўй, эл –  
Кўксин яра этди;  
Сўнг дамда аланга  
Кўқларгача етди.

У шонли аланга  
Зўр жарчи эмасми?  
Бу сўнгги курашга  
Тур, «ёрли», демасми?

Зиндонли саройлар  
Бир қанча томонда.  
Бу мағрур замонда  
Тинч ўтмагай ойлар.

*Самарқанд,  
1927 йил 28 апрель*

### Н. НАРИМОНОВ ЎЛДИ

Кўпми чоқ борлик одамга бўйсунар,  
Кучли ел бағринда маст бир пар каби?!  
Кўпми чоқ ганграб сўқишларга кўнар,  
Юксалишнинг туйғуси бир кар каби?!

Мангуликнинг борлиғи – зўр ўрганиш  
Кўпми чоқ эрки бу қонунга сочар?!  
Ҳар сафар, ҳар тебраниш – минг ўзгариш,  
Телбалар ёлғиз бу ҳақ сўздан қочар...

*Маскав,  
1925 йил 20 март*

### **ИСЁН АЛАНГАСИ**

Шарқнинг шарқинда улуғ аланга,  
Ширин жимишлаш ёпишди танга.

Шафақ аразлаб Шарққами кўчди?!  
Ё Ғарб кўкининг рангими ўчди?!  
Ё Ғарб тўккан қон отдими кўкка  
Эрка ундовчи қизил аланга?!

Ё ўт қучоқлаб кўкками учди  
Афсоналарнинг тилсими зўр «сад»?!  
Ё Шарқ кўкини нурларми кучди,  
Исёнлардан эрк тилагач мадад?!

Шарқнинг шарқинда гўзал аланга,  
Ширин жимишлаш ёпишди танга...

*Маскав касалхонаси,  
1925 йил 8 апрель*

### **ТИЛАКЛАРИМИЗ ТИЛАГИ**

Зулмлар наштари юракни тилмасин,  
Дор нима, ўқ нима... ҳеч киши билмасин,  
Қон тўкиш кишининг бошига келмасин!... –  
Бу бизга куч берган тилаклар тилаги.

Эрка йўл бермаган тўғонлар бузилсин,  
Нурга ёв парданинг иплари узилсин,

Қисқаси, дунёда ёш тузум тузилсин!..  
Бу бизга йўл очган тилаклар тилаги.

Аламлар даштида бир жаҳон толмасин,  
Чаманлар гулини бир гала олмасин,  
Ўнгда ҳам, сўлда ҳам «култепа» қолмасин!..  
Бу бизни тебратган тилаклар тилаги...

*Маскав касалхонаси,  
1925 йил 25 апрель*

\* \* \*

*Гоминданчилар ишчилар ҳам деҳқон-  
ларнинг қонларини аямай тўкмоқдалар.*

Х а б а р.

Хитойда «қиёмат» курилди,  
Қора дор ҳар ёнда тузилди,  
Эркинлик гўрлара урилди,  
Марҳамат ҳар ердан сурилди.

Саноксиз мазлумлар йўқолди,  
Ҳар ерда қонли кўп из қолди.  
Кутурган ваҳшийлар тўдаси  
Мазлумлар устига от солди.

Қон мавжи кучланиб туради,  
Тинчликнинг қирғоғин уради.  
Бу зулм инқилоб кемасин  
Тез тўғри зафарга суради.

\* \* \*

Бир тўлқин унда, бир тўлқин бунда,  
Минг ўлим, минг дод ҳар сўлғин тунда.  
Қўзғолсалар-чи, интиқом истаб  
Тўлқинлар бари бирга бир тунда.

Қачонларгача улуг ўлкалар  
Аллакимларга мустамлакалар?!  
Эрк тонгларининг эркин шамоли  
Мазлум элларни қачон эркалар?!

*Маскав,  
1926 йил*

### **КУРАШ УЧҚУНИ**

Зулмлар, ўлимлар ёндирган ўтлар  
Аламли учқуннинг зулмига отди.  
Қулади бир жоме, кўмилди бутлар,  
Жаллодлар мияси жунунга ботди.

Кучайди занжирлар – кишанлар товши,  
Бўш зиндон қолмади... мозорлар тўлди.  
Эрк деган эрларнинг чироғи сўнди,  
Яшнамоқ истаган кўп гуллар сўлди.

Зўрайди яланғоч болалар доди,  
Қолдими тўзимнинг кўнглида чидам?!  
Учарми йўқликка ваҳшатнинг ёди,  
Ўтса-да тўлқинли, тўлқинсиз кўп дам?!

Ёв кучи қўзғолди; ёвга ёв керак,  
Ов излаган ёвга қарши ов керак...

*Маскав касалхонаси,  
1925 йил апрель*

### **ЗОЛИМЛАР ЎЛКАЛАРИДА**

Қон,  
Қон,  
Қон!..  
Қон сўрайди, қон сўрайди  
Қон кучайтган салтанатлар.  
Эрк сўрайди, эрк сўрайди  
Қонга ботган Марҳаматлар...

Нон,  
Нон,  
Нон!..  
Нон тилади, нон тилайди  
Қуч сотувчи йўксил эллар.  
Йўл тилайди, йўл тилайди  
Қонга қарши ўчли еллар...

*Маскав,  
1925 йил январь*

### **ВАҲШАТГА ҚАРШИ**

Сенга нафратлар, эй разил ваҳшат!  
Тантананг қондир, дабдабанг – даҳшат.

Қонда уйғондинг, қон эмиб ўсдинг,  
Ҳар замон нурнинг йўлларин тўсдинг.

Сенда бор «виждон» – бир ёниқ вулқон,  
Қайси бир онда истамас ул қон?!.

*Маскав,  
1926 йил*

### **БОЁҚИШЛАР**

Б о л а

Сиртмоқ... Қилич... Жаллод... Қон...  
Қутқар мени... онажон!..

О н а

Кўзим нури...

Б о л а

Она... нон!...

О н а

Кўзларингга мен қурбон!

Б о л а  
Онажоним!  
О н а  
Ўргилай.  
Дардингни бер... мен ўлай!  
Б о л а  
Она!..  
О н а  
Нима?  
Б о л а  
Синди бут?  
Берма мени... Беркит... тут!  
О н а  
Кимса сени ололмас,  
Онанг сенсиз қололмас...  
Б о л а  
Отам дорда... Қоч, жаллод!..  
О н а  
Тинчлан, қўзим!  
Б о л а  
Олов!.. Дод!..  
О н а  
Умидимнинг чолғуси  
Сўнг торини бой берди.  
Ўлимларнинг қайғуси  
Қанотини кенг керди.  
Мен энди бир якка пар,  
Йўлимда кўз тutilмас.  
Мен чинакам самандар,

Кўнглим ўтдан қутулмас.  
Мен телба бир қаландар,  
Дардимга чек қўйилмас.  
Йўл сўнгида зўр фарёд.  
Кимдан кимга қилай дод?!  
Бу ўликлар сўзини,  
Бу мозорми қилай ёд?!

*Маскав касалхонаси,  
1925 йил апрель*

## ЎТГАН КУНЛАР

*1914–1918 йиллар жаҳон муҳорабаси*

Тамуғ оғзини очди,  
Турмуш лавасин сочди.  
Тўзган каптарлар янглиғ  
Тинчлик чўлларга қочди.

Қонлар томирдан тошди,  
Фигон кўклардан ошди.  
Ўлим уйқудан қолиб,  
Жонлар тўпланди, шошди.

Бошлар гавдадан безди,  
Бошни туёқлар эзди.  
Бошсиз гавдалар исин  
Қарға-қузғунлар сезди.

Қон, ўт бирга йўл олди,  
Даҳшат ҳар ён от солди.  
Чакмоқ тинишдан қолди,  
Тузум қўллари толди.

Булбул сайраган боғда  
Бойкуш топмади буток.

Чунки эрк асир чоґда  
Йўқлик қўлида у ёқ.

Кўкка аланга сочган  
Юртнинг эгаси қани?  
Кўпми?.. Қанчага етган  
Сўнган чироқлар сони?

«Маҳшар» қурилган йиллар  
Сарой нағмаси синди.  
Майнинг қайнаши тинди,  
Деса, узилсин тиллар...

*Маскав,  
1925 йил 9 март*

### **ҚИЛИЧ**

Синф синфни янчмоқ бўлганда,  
Ҳар ёв кўнглига вахшат тўлганда,  
Гуллар эгасиз қолиб сўлганда,  
Қилич сақланиб қинда қолганми?

Синиқ қалқонлар қонда қолганда,  
Қонлар тарихга уя солганда,  
Бойкуш дўстини тилга олганда,  
Қилич дуодан четда қолганми?

Умр илдизин аямай узган,  
Қонлар ичида тўлғониб сузган,  
Чаман ерида зўр чўллар тузган  
Қилич жаҳонда яна қолсинми?

Зўрлик тахтини кўтариб юрган,  
Қуллар бахтини дўзахга бурган,  
Исён кучини парчалаб турган  
Қилич учун эрк чолғу чолсинми?!

Қиличга қарши қиличли исён,  
Сўнгра жаннатлар яратгай ҳар ён...

*Маскав–Тошкент йўли,  
1925 йил 24 июнь*

## **ЧИРЧИҚ БЎЙЛАРИ**

Чирчиқ бўйида,  
Ўнг ҳам сўлида  
Анча тошлоқ бор.  
Анча қишлоқ бор.

Тошлоқда тошлар,  
Қизиган чоқлар  
Кўзларда ёшлар  
Тинмай ўйноқлар.

Тошлоқ тошлари  
Биздек эмаслар;  
Қишлоқ ёшлари,  
Биздек эмаслар.

Тоғнинг еллари  
Ўйнаб эсадир;  
Қишлоқ эрлари  
Ишлаб ўсадир.

Турли ерларда  
Турли ҳаво бор.  
Ўзга кўнгилда  
Ўзга наво бор.

Қун билан туннинг  
Юзлари бошқа;  
Ҳар қайси куннинг  
Сўзлари бошқа.

Кўчалари тор,  
Уйлари мозор

Анча қишлоқнинг  
Анча дарди бор.

Дардига дармон  
Топмаса замон,  
Тўлқини ёмон,  
Сира йўқ омон.

Дармон ёмғирмас,  
Кўқдан ёғилмас;  
Ёлғондан, сўздан  
Унум соғилмас...

Чирчиқ чирилиб  
Тўлқин урадир;  
Тошлар тирилиб,  
Оқиб турадир.

Дарё лабида,  
Толнинг тагида  
Бир тўда ёшлар,  
Ёнбошлаганлар...

Сўз борса ишдан,  
Ҳасрат юз очгай,  
Ҳар қайси тилдан  
Таноблар қочгай.

Чирчиқ бўйида,  
Ўнг ҳам сўлида  
Тошлоқлар ташна,  
Қишлоқлар ташна.

Дардига дармон  
Кўқдан ёғилмас,  
Қуп-қурук сўздан  
Унум соғилмас.

*1925 йил 17 август*

## ҚИШЛОҚ ҚИЗЛАРИ

Қуёшдан бурун  
Бўш қолар ўрин.  
Чунки эрталаб  
Юрарлар ишлаб  
Қишлоқ қизлари.

Юзлар тўп-тўлик,  
Гавдалар улуғ.  
Чунки гулларни  
Ўпиб, буларни  
Суяр тонг ели.

Сочлари таркоқ,  
Кўзлари ўйноқ.  
Чунки кистайди,  
Шуни истайди  
Зўр турмуш йўли.

Кўйлаги бўздан,  
Тез қочар кўздан  
Жилмайиб қараб,  
Дудоғин ялаб  
Эрк безаклари.

Оёққа кирган,  
Сўзлашни билган  
Кундаёқ сезган  
Нима деб келган  
Турмуш сўзлари...

*Маскав,  
1925 йил 24 январь*

## ЭРК СЎЗИ

Қизим, сени кўргим келди,  
Сочларингни ўргим келди.  
Қора, сузук кўзларингдан  
Юрагингни сўргим келди.

Қизим, сени суйгим келди,  
Сўзларингга тўйгим келди.  
Сени эзган чурук кучга  
Чукур бир гўр ўйгим келди.

Қизим, сенинг юрагингдан  
«Алла» дардин олай, дейман.  
Сенга кулган келгусига  
Бағишлаб най чалай, дейман.

Қизим, сенинг аламингга  
Бир бўз кафан тўқий, дейман.  
Эски кунлар арвоҳига  
Сўнг фотиҳа ўқий, дейман.

Қизим, сенга кенг чамандан  
Қизил чечак олиб келдим.  
Мен сен учун жаннатимда  
Гўзал бир кўшк солиб келдим.

*Маскав,  
1925 йил 7 март*

## ҚУЛЛИККА ҚАРШИ

Эски асрлар  
Дедилар:  
«Хотинлар, қизлар,  
Қулсизлар!  
Куйламангизлар

Эркин куйларни.  
Истамангизлар  
Очиқ йўлларни!  
Толларда «чук-чук»  
Дейдирган чумчук  
Сайраса, майли.  
Қия ёки тик  
Тоғларда кийик  
Ўйнаса, майли!»

Ўтган асрлар  
Дедилар:  
«Ҳақ бор, ҳуқуқ бор,  
Зако бор, идрок бор.  
Буларнинг бари –  
Эркаклар ёри.  
Хотинлар, кизлар,  
Сизларга булар  
Нурлар бермайди!  
Сизлар учун ҳеч  
Эркалар термайди!  
Сизга яхшилик, ёмонлик,  
Ҳар ерда омонлик  
Эрларингиздан!..»

Янги гўзал аср туғилди,  
Нур сочиб кулди.  
Деди:  
«Эскилик синди.  
Меҳнат-ла мен  
Чинакам эрк келтирдим.  
Эй хотин-қизлар,  
Озодсизлар!..»

*Маскав,  
1926 йил*

## ОЗОД ҚИЗГА

Умид ёз, эркини бер тилга,  
Бу ёқ эрк ўйнаган ёқдир.  
Қулиб бахш эт суюнч дилга,  
Тилаклар гуллаган чокдир.

Чекил, буткул чигал ғамдан,  
Фиғонлар йўққа ботсинлар.  
Қўзингни сақлагин намдан,  
Амаллар гуллар отсинлар.

Қўринг, эркин гўзал юзни,  
Жаҳон кўрсин, замон кўрсин.  
Пок истиқбол букиб тизни,  
Узун сочни тараб ўрсин.

*1926 йил*

## ОЛОЙ ҚИЗИ

Кичик Олой ўйнаб-ўйнаб оқади,  
Кўнгилларга севинч гулин тақади.  
Унинг тиниқ, совуқ суви, тўлқини  
Олой қизи Гулноройга ёқади.

Кичик Олой шўхлик қилиб юради,  
Қиз ишқини ўз йўлига буради.  
Тоғ тошларин чирпиратиб ўйнатиб,  
Ирғитади, бир-бирига уради.

Кичик Олой кеча-кундуз тинмайди,  
Қийқиради, илгарилаб чопади.  
Унинг ўткир товши сира синмайди,  
Олой қизи ундан илҳом олади.

Кичик Олой бўйларида Гулнорой  
Узун-узун ўланларни ўқийди.

Гулноройнинг оппоқ кўнгли эрка бой,  
У тоғларда эркин куйлар тўкийди.

Олой кизи ўйнаб ўсган еридан  
Букун узоқ ёққа жўнаб кетади.  
У кўзлаган эрк булоғи манзилга  
Довон ошиб, дарё кечиб етади.

Кичик Олой дарёсидек тинмасдан  
У илгари югурмакчи бўлади.  
Умидсизлик оловида куймасдан  
Унинг кўнгли тилак билан тўлади.

Гулнор Кичик Олой каби чопади,  
Узоқ ёқда чин эркини топади...

*Самарқанд,  
1928 йил февраль*

## **СЕВГАН ҚИЗ**

*С.га бағишлайман.*

У севади...  
У алангали севгини кўнглида ўстиради, яшнатади.  
У чиндан севади...  
Унинг севгиси тушунчаларни қарорсиз маст қилади.  
У севади...  
Унинг севгиси эзади, у дам азобдан, дам роҳатдан  
безади. Бироқ у ҳар дам севги аллаларини сезади...  
Унинг қулоқлари ҳар вақт эшитган:  
«Севгисиз яшаш – яшаш эмасдир...»  
«Балиқ сувсиз, кўнгил севгисиз яшолмас...»  
«Севмак ва севилмак – буюк саодат...»  
У бунга ғуборсиз ишончларни бағишлаган.  
Унга севги шеърларини тикансиз қизил гулларга  
ўраб берганлар.  
У севги шеърларидангина лаззат эмишга ўрганган...  
У севади...  
У ким?

У бир қиз!  
«Икки»ни бирдан бирдек севган бир қиз!.. «Икки»нинг бири: гўзал бир йигит, ўзгаси – эзгу бир иш.  
У гўзал бир йигитни-да ташламайди, эзгу ишдан-да қочмайди...  
Мана, у нега паришон!  
Гўзал йигит айтади:  
– Қарашларим кўзларингнинг парвонаси-ку...  
Кел, қанотлари нозик... Унутма!  
Қиз унутмайди буни...  
Эзгу иш чорлайди буни...  
Эзгу иш чорлайди уни...  
– Юр кетимдан... Мен ҳам севаман... Мингин, нозик қанотларим устига сени ўтқазиб юксалтираман... Унутма!  
Қиз унутмайди буни.  
Қизнинг хаёллари бўрон қўйнида эҳтиётсиз ётади...  
Қиз ўйларининг кучоғига дам гўзал йигит, дам эзгу иш ўзини отади...  
Қиз буни-да севади, уни-да севади...  
Қизнинг саодати айтади:  
– Гўзал қиз, илгарила, юксал! Илгариламай, юксалмай яшаш яшаш эмасдир.  
Кел, эзгу иш кетидан кет!..

*Тошкент,  
1928 йил январь*

## ЎГУТИМ

*(Бир қизчанинг альбомига ёзилган)*

Тебраниш, югуриш – турмушнинг тузуги,  
Тўхталиш, йиқилиш – ўлимнинг узуги.

Ёш кўнгил умидлар боғида ўйнасин,  
Ёш гуллар саодат боғида гулласин.

Тилаксиз, амалсиз юраклар – қора тош!  
Ёш ўйноқ кўзлардан оқмасин дардли ёш.

Гўзаллик, яхшилик – барчаси олдинда...  
Яхши қиз, тўхтама қаршилик қошинда!..

*Маскав,  
1924 йил 17 апрель*

### **ЙЎЛЧИ СЎЗИ**

Юртдан, элдан узоқда  
Истикбол деб юраман.  
Нечундирким, тузоқда  
Элим онгин кўраман.

Узоқ ва ёт йўлларда  
Турли мудҳиш кўриниш.  
Бу зўр, улуғ дунёда  
Яшаш учун уриниш.

Фоже ҳоллар юракда  
Ўчмас излар ясайлар.  
Истикбол-чун изларда  
Улуғ сирлар яшайлар.

Кўрдикларим ҳар бири  
Меним учун зўр сабоқ.  
Билдикларим ҳар бири  
Тузоқ учун бир яроқ.

*Оренбург станцияси,  
1922 йил 15 январь*

### **СЎЗИМИЗ**

Югурдик, елдик,  
Узоқдан келдик.  
Йўқ бизда тислаш,  
Йўқ гулни ислаш.  
Қўркмадик сира  
Кун бўлса хира.  
Чунки биз кучли,  
Кучимиз ўчли.

Қайси томондан,  
Яхши-ёмондан  
Бир дарак келса,  
Бизга шак берса,  
Кўкракда қалкон  
Эрта-кеч ҳар он.

Каъбамиз йироқ,  
Қўрқмаймиз бироқ...

*Маскав,  
1924 йил*

### **ЙИГИТ СЎЗИ**

Мен эр йигит, эриниб  
Эркакликка ботмайман.  
Ялқов кўзга берилиб,  
Кучни йўққа сотмайман.

Кўланкада ясланиб,  
Қуёшга ишқ отмайман.  
Май ипига боғланиб,  
«Хаёлжон!» деб ётмайман.

Қуёш тиғи этимни  
Тилиб-тилиб қорайтди.  
Дала ели бетимни  
Силаб-силаб сир айтди.

Сирни билдим... Мен эмди  
Тилсимларни очаман.  
Қуриб қолган боғларга  
Кавсар сувин сочаман.

Қўшиғимнинг кўнглида  
Тубанликнинг изи йўқ.  
Келгусининг йўлида  
Амалимнинг кўзи тўқ...

Йўлим оғир... Бирок у  
«Янги жаннат» йўлидир.  
Бошқа йўлга бурган кўл  
«Тамуғчилар» кўлидир.

*Тошкент,  
1925 йил 29 июнь*

### **ЙЎЛ ИЗЛОВЧИГА**

– Ўнда юз йўл, сўлда минг йўл,  
Нурга бошлар қайси бир йўл?  
Ўнда юз йўл, сўлда минг йўл,  
Гўрга ташлар қайси бир кўл?

– Мана, сўнмас нурга бошлар  
Сўлда бўлган энг оғир йўл!  
Мангу тўймас гўрга ташлар  
Сўнгни йўлга тортмаган кўл!..

*Маскав,  
1925 йил 2 март*

### **ЯРАЛИ ҚУШ**

«Турмуш фазосида қанот силкиб,  
Эркин ҳаволарни елиб-елпиб,  
Ўзни унутган қуш,  
Ерга туш!» –  
Деди захарли кўпол бир товуш.  
Қушнинг ичида бошланди ташвиш.

Ёш қуш қанотларини секин-секин қокди,  
Умид билан йўлга боқди.  
Чунки, билди:  
Истар: ҳар ёз – ҳар қиш...  
Истар: мукофот – ҳар юмуш, ҳар иш...  
Қушга ҳам оқ йўл берилмас текин...  
Шунинг учун у демади сира:

«Бездим тилақдан, яшашга нафрат,  
«Умид» сўзига туганмас лаънат,  
Учди йўқликка мендаги ҳиммат,  
Энди учмоққа йўқ менда қудрат!»

*Тошкент, касал чоғларим,  
1925 йил 30 июнь*

\* \* \*

*(Эски йўлда, эски куйда ёзилди)*

Кучли борлиқ, сирли дунё, кўнгилдан бер бир дарак,  
Кўпми ғавғо, кўпми савдо менга бахш айлар фалак?  
Қайси тоғда, қайси боғда, қайси чоғда сайр этар,  
Эрки кўнгил эркини тун-кун кўриқловчи малак?

Истагимнинг каъбасинда айланар бахт, найласам,  
Ким сўқар, ким шодланар аршимда жавлон айласам?  
Осмонми кўкрагимда, қайнаган куч амрига  
Бўйсуниб ёв бахтини чўлларда сарсон айласам?

Мен яшаш майдонида кўрқиб курашданми қочай?  
Ёвга ёв бўлган амалга мен ўзим нурми сочай?  
Қанча ғавғо, қанча савдо кулса кулсин, бир кўрай,  
Кўнгилга кўнглимни қайд этган тилақдан ўргилай!.

*Ялта, касал чоғларим,  
1925 йил сентябрь*

## ҒОЯ ЙЎЛИДА

– Каъбам қайда? –

Дедим.

Дедилар:

– Узок жойда!..

– Қайси йўл тўғри? –

Дедим.

Дедилар:

– Бунга – бу!

Унга – у!

Ҳар қайсимизга  
Ҳар қайси йўл тўғри!

Йўлларни сўрадим.  
Сўлга қарадим.  
Умид сочини  
Чидам,  
Тўзим  
Тароғи билан тарадим.  
Кўнглимга ғашлик солган  
Ёлғон  
Кучларни таладим.

Сўлга кетдим,  
Тиканли ерларга етдим.  
Тиканларни янчдим,  
Ерларга санчдим.  
Қўркмадим,  
Қўркмайман  
Қўрқоқ ваҳмлардан,  
Тарқоқ тиконлардан.  
Каъбам узоқ,  
Йўлларда кўп тузоқ!

Бирок,  
Қолсам-да тоқ,  
Шу йўлдан,  
Шу йўлдан кетаман.  
Вақтсиз сўлмасам,  
Каъбамга  
Бир кун, албатта,  
Етаман!  
Ҳар узун йўлда,  
Чўлда  
Кўпдир чуқурлар.  
Буларнинг ваҳми,  
Даҳшати,

Оз бўлса кимсанинг фаҳми,  
Унинг кўнглини  
Кўпроқ чуқурлар...  
Турмуш кафтида,  
Борлар сафида  
Бўлайин десанг,  
Азамат эсанг,  
Қочма сўлдан,  
Кенг йўлдан!

Бу йўлнинг,  
Кенг йўлнинг  
Аламлари соз.  
Торликнинг,  
Озликнинг  
Унумлари оз...  
Йўлим  
Янги турмуш йўли...

*Маскав,  
1925 йил 26 декабрь*

## САҲАРДА

Сахар пайтида уйғониб қолдим,  
Ойдин кечага бир назар солдим,  
Оқлик-покликдан зўр илҳом олдим,  
Сўнгра чин теран ўйларга толдим.

Чин ўйларимни яратган нарса  
Мухташам дунё, мухташам турмуш.  
Турмушдан кимса қочолмас нари,  
Ҳар йўлга турмуш ўз инин қурмиш.

Ёлғон ўйларнинг ёвиман ҳамон,  
Ёлғон кўзларнинг қараши ёмон.  
Ишқим шу кўзга берилган замон  
Тубанлик қўлида менга йўқ омон.

Айтади мағрур борлигим ҳар чоқ:  
«Ишқинг ўтига чидолмас тузоқ,  
Ҳар замон, ҳар чоқ эмассан сен тоқ,  
Кета бер, каъбанг бўлса-да узоқ!..»

*Маскав,  
1926 йил 20 февраль*

### **ЙЎЛЧИ, СЕНГА**

Узоқни кўзлаган азамат йўлчи,  
Яроғинг ўткирми, бир синаб кўр-чи!

Узоқ йўл талаби узундан-узоқ,  
Кўркма ҳеч, учраса йўлингда тузоқ.  
Борлиқда бир борлиқ кўрсатай, десанг,  
Кўзғолиб тур, ўйнат чинакам яроқ!

Отингнинг жилови қўлингда бўлсин,  
Умид-ла, ғайрат-ла борлигинг тўлсин!

*Маскав,  
1926 йил*

### **БИЗ КИМ?**

Ойли тунларда,  
Сирли кўлларда  
Юрмаган бизмиз.  
Кузли йўлларда,  
Қумли чўлларда  
Толмаган бизмиз.

Ўнгда – вулқонлар,  
Сўлда – ол қонлар  
Қайнаган чоқда,  
Ўйнаган ёқда  
Кўзни очганмиз.  
Эски кучларга,  
Кўнгли пучларга  
Қарши бел боғлаб,

Ўзни хўп чоғлаб  
Нафрат отганмиз.

Турли хулёлар,  
Гулли рўёлар  
Ахтариб юрмай,  
Тангри деб турмай,  
Тўғри кетганмиз,  
Бирга юрганмиз,  
Эркака етгаймиз...

*Маскав,  
1926 йил 16 октябрь*

### **ДЕНГИЗ БЎЙИДА**

Яна яшайман денгиз бўйида,  
Яна суюнчлар тўлган куйида.  
Фикрим, умидим нурлар ичида  
Ҳар қайси куннинг эрта-кечида...

Денгизга қараб чуқур ўйлайман,  
Тўлқинларини суйиб куйлайман.  
Чунки тўлқинда кўзни очганман,  
Чунки торликдан мангу қочганман.

*Ялта,  
1927 йил август*

### **СЕНИ КУТАМАН**

*Ўртоғим Саидаҳмадга*

Юксақда ойнинг турганин кўриб,  
Кўкка юлдузлар тўлганин кўриб,  
Сеҳрли туннинг кулганин кўриб,  
Овунмайман-да, тонг отсин, дейман.

Зулмат қўшини енгилиб қочгач,  
Куёш жилмайиб юзини очгач,  
Кўкдан табиат гўзаллик сочгач,  
Яна туролмай, кеч бўлсин, дейман.

Кеч келса – тунни, тун бўлса – тонгни  
Хокон бўлмоғин истаб тураман.  
Тўзимсизликка топширдим онгни,  
Чунки, азизим, сени кутаман.

*Маскав,  
1922 йил 16 май*

### **ҚУТЛАЙМАН**

Эрк еллари турди,  
Эл илгари юрди,  
Янги жаҳон курди,  
Мен алқайин эмди.

Кўклам чоғи келди,  
Кўкда булут елди.  
Йўқсил дили кулди,  
Мен мактайин эмди.

Йўқсилни шу онда,  
Яп-янги жаҳонда,  
Умидбахш замонда  
Мен қутлайин эмди.

Бу янги замонда  
Қап-қарши томонга  
Ёв кўзли ёмонга  
Нафрат сочай эмди.

Ёш йўлга умрни,  
Бахт излари – нурни,  
Кўнглимдаги дурни  
Буткул сочай эмди.

*Маскав,  
1926 йил 1 март*

## ҚОРА ДЕНГИЗГА

Мағрур тўлқинли эски денгизсан,  
Ўрнак кунларнинг тилсиз гувоҳи.  
Кўнглим каби кенг кўнглингга сажда  
Қилган қарашнинг борми гуноҳи?

Кема эркини елга беришни,  
Йўлчи кўнглига алам теришни  
Мағрур тўлқинлар қайдан ўрганди?  
Қайси асрда, қайда кўрганди?

Борми хабаринг турмуш сиридан?  
Айт-чи, бир эртақ сирнинг биридан.  
Турли асрда сенга дуч келган  
Турли тилакнинг соф ва киридан.

Қора бағрингда кўп йил қазилган  
Изсиз нурларнинг борми саноғи?  
Отинг тарихга «қора» ёзилган,  
Ёдланмайдими қонлар сабоғи?

Қонлар қизил-ку... Сенинг афтингда  
Қизил нишонлар нега кўринмас?  
Биласанми, айт, қанча қондан сўнг  
Қурбон беришга инсон уринмас?

*Ялта,  
1925 йил 20 сентябрь*

## КЎКЛАМ

Гўзал қуёш ўртукдан  
Чиқиб юзин кўрсатди.  
Жилмайиб у юксакдан  
Ерга ёғдулар сочди.  
Ер юзин қоплаб турган  
Оппоқ, ялтироқ қорлар  
Иссиқда туrolмасдан  
Эридилар, оқдилар...

Эринчаклик кўрпасин  
Ёкиб ёрқин табиат  
Ёш боладек суюниб,  
Эркаланиб тебранди.  
Қуёшнинг нур қўллари  
Унинг бошин силагач,  
Эрка, нозли табиат  
Гўзал куёшга қараб  
Нозик жилмайиш билан  
Ёввошгина кўзғолди.

Нурли куёш ўртулгач,  
Бу боёқиш оғочлар  
Йўқсил ўксизлар каби  
Яп-яланғоч бўлишди.  
Совуқларга чидолмай,  
Ҳушсиз бўлиб қолишди.  
Чиқиб куёш ўртукдан  
Ҳар томонга нур сочгач,  
Унинг нурлари билан  
Бу оғочлар эмланди.  
Нурли чечаклар билан  
Безанди, гўзалланди.

Сувлар гўзал тоғлардан  
Ҳайкиришиб, қувлашиб  
Йўлларида учраган  
Тўсиқларни ағдариб,  
Тубанларга тушалар.  
Тубан тушгач, тубанда  
Бўлғонлардек сусланиб,  
Ялқовланиб қолалар.  
Далалардан, боғлардан  
Узун-узун йўл топиб,  
Ёввош-ёввош сўзлашиб  
Аллақайга боралар...

*Тошкент,  
1924 йил 14 апрель*

## КЎКЛАМ ТАРОНАСИ

Кўкламни кўрдим,  
Кўнглим очилди.  
Гулларни сўрдим,  
Ҳидлар сочилди.

Ҳидлар ҳушимни  
Кўкка учирди.  
Ўнгим-тушимни  
Йўкка кўчирди.

Кўкламни суйдим,  
Ҳислар тирилди.  
Шеъримни куйдим,  
Дардлар қирилди.

Ҳисларда тўлқин,  
Бошланди-кетди.  
Шеъримга оқ тун  
Ноз тақдим этди.

Кўнглимга роҳат  
Создан тўкилди.  
Кўркама табиат  
Нозли букилди.

Кўкламда эркин  
Боғларни кездим.  
Илҳомли куч-ла  
Ҳордиқни эздим.

*1926 йил*

## КЎКЛАМДА

Кўкламда эллар  
Эсганда еллар  
«Ҳай-ҳай», деганлар,  
Кўп ишлаганлар.

Кўкламда кунлар  
Ўйнаб учарлар.  
Ғайрат берарлар,  
Илҳом сепарлар.

Кўкламда кушлар  
Ўйнаб учарлар.  
Эркин фазони  
Ўйнаб кучарлар.

Кўкламда қуртлар  
Индан чиқарлар.  
Жонсиз ётишни,  
Тинни йиқарлар.

Кўкламда боғлар,  
Паст-баланд тоғлар  
Кўркамланарлар,  
Кўз эркалайлар.

Кўкламда йўллар,  
Ўнглар ва сўллар,  
Ҳаттоки чўллар  
Жонли бўларлар.

Кўкламда ишлар  
Чекдан ошарлар.  
Кўнгилда ишқлар  
Қайнаб тошарлар.

Кўкламда сир кўп,  
Таърифга сўз йўқ.  
Сизлар ҳам денг: «хўп!»  
Бўлсин кўнгил тўқ...

*Маскав,  
1926 йил*

## КЎКЛАМ КЕЛДИ

Янги кўклам кулиб боқди,  
Яна ҳар боғ чечак тоқди,  
Яна нозлар тўлиб оқди,  
Яна ҳар ёқ кийим қоқди.

Яна сувларда тўлқинлар,  
Яна туғди гўзал кунлар.  
Яна дехқонда шодликлар,  
Яна меҳнатда борликлар.

## ЎҒЛИМ ЭРКЛИГА

Сочларингни куй билан  
Аста-аста тарайман.  
Теран, улуғ ўй билан  
Кўзларингга қарайман.

Қуюқ-суюқ кирларнинг  
Сочларингда бири йўқ.  
Турмушдаги сирларнинг  
Кўзларингда изи йўқ.

Сенинг қаро кўзларинг  
Тўлқинимни аллалар.  
Сен чақалок! Кўз очиб,  
Кўра олдинг нималар?

Чин эрк кулган ўлкада  
Қўзим, ўсиб турасан.  
Янги гўзал дунёни,  
Албатта, сен кўрасан.

*Маскав,  
1926 йил 18 февраль*

## БИРИНЧИ ЎГУТ

*Ўлим Эркилига*

Йўлингга нурлар сепар икки кўзим,  
Чекилма илгарилашдан, суюкли кўзим!  
Яшашга тўғри қараб юр, бузилма сира,  
Йўлингга эски, бузуқ фикрни қилма кира!

*Маскав,  
1926 йил*

## ПАРЧА

Ёш юрак қийналса-да,  
Ҳеч умидсиз бўлмагай.  
Йўлида ўт бўлса-да,  
Ортга ҳеч бир қайтмагай.

*1923 йил*

\* \* \*

*В.га*

Жилмайиб нозларга тўлган кўзларингдан айланай,  
Гунча кўнглингдан сочилган сўзларингдан ўргулай.

Заррача кир кўнмаган ўйларингдан айланай,  
Борлиғимни аллаловчи куйларингдан ўргулай.

Каъбамиз бир, мен билан сен, бирга учгил у томон,  
Кенг фазода қарши кучни бирга енгил ҳар замон...

*1925 йил*

## ПАРЧА

Гўзалдир юксалиш, юксалиб кетиш,  
Душманлар кўнглини паришон этиш.  
Тўскинлар бағрини парчалаб, эзиб,  
Тилакнинг аршига гуриллаб етиш.

*1926 йил*

## ОЙДИН КЕЧАДА

Ойли тун, оппок, илиқ кўйнингда озроқ дам олай,  
Кучли бир денгиз каби тўлқинни ташлаб, тинч қолай.  
Бир нафас тинч қолганимда, орқа-ўннга бир қарай,  
Кечдигим йўлларда қолган турли изларни санай.

Турли излар кўнглидан тилсимли сирларни сўрай,  
Сўнгра турмуш каъбасинда саждаларга бир қарай.  
Сўнгра борлиқ боқчасинда қип-қизил гуллар терай,  
Сирли тўлқин амрига фикру хаёлимни берай.

Бир замон тип-тинч қолишни йўлларимда билмадим,  
Бўш умид, бўш дард билан кўнглимни ҳеч бир  
тилмадим.

Мен одамдан соф куч излаб ғавғолардан қочмадим,  
Истагимнинг душмани бўлганга раҳмат сочмадим.

*1926 йил*

## МЕН ЁТ ЭМАС

*Дўстимга*

Мен ёт эмас! Сен «ёт», дея кўрма!  
Мастликка мени «бот», дея кўрма!  
Истак-тилагим жонли, улуғдир,  
«Тебранма бироз, кот», дея кўрма!

Бир кун кўрасан: ёт киши кимдир,  
Бир кун биласан: ёт киши жимдир...

*1926 йил 19 февраль*

## ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқат нима-ку, ҳақ нима?  
Англадим: яшашнинг ўзидир.  
«Яшашнинг тангриси – ҳақ», дема,  
Бу хаёл телбалик сўзидир.

Яшашнинг кучи кўп, ҳақ яшар,  
Бунга зўр тебраниш гувоҳдир.  
Башарсиз на куч бор, на ҳақ бор,  
Бунга шак келтириш гуноҳдир...

*1926 йил 22 февраль*

## ПАРЧА

Кенг фазода кўз илғамас ҳар зарра  
Айланади ҳар нафасда минг карра.  
Ҳар зарранинг борлиғидир айланиш,  
Айланишсиз дунёда йўқ жонланиш...

*1926 йил февраль*

## НАВОИЙГА

Кўрганми, сендек шоирни асринг?  
Маънога манба ҳар назму насринг.  
Шеърингда бўлган нозик наволар  
Кўп туйғуларни ҳар вақт даволар...

*1926 йил апрель*

## ПАРЧА

Тонг кулиб, суюнчлар сочади,  
Сукунат борлиқдан қочади.  
Зўр тилак замини – пок меҳнат  
Қучоғин кеккайиб очади.

*1928 йил*

\* \* \*

Кўрмадим гулни  
Суймаган «дил»ни.  
Нозли булбулни  
Қарғаган «тил»ни.

Кўрмадим тоғда,  
Соф чаман боғда,  
Ойли бир чоғда  
Ухлаган ҳисни.

Кўрмадим ҳеч бир  
Тоғ каби тошни.  
«Мен учун ёлғиз –  
Ош», деган бошни...

*1926 йил*

## ДЕҲҚОН ЎҒЛИ

Эрта тонг чоғи  
Уйғотар мени  
Ер ҳайдагали  
Юмшоқ тонг ели.

Соф кўклам чоғи –  
Кўнгилнинг боғи.  
Гўзал қирларда  
Йўқ кишнинг доғи.

Қуёш юксакдан  
Жилмайиб боқар.  
Сув баланд жойдан  
Шеър айтиб оқар.

Кенг яйловларда  
Ишлаб қувнайман.  
Қайғу-аламни  
Нечун билмайман.

Дехқон ўғлиман,  
Ҳеч чарчамайман.  
Ёш кучим билан  
Ер хайдагайман.

Меҳнат – чин дўстим,  
Доим севгайман.  
Эркин турмушда  
Тинмай ишлайман.

*1926 йил*

### **ЯНГИ КУН БОЛАСИ**

Ўйнаб турган, кулиб турган бу бола,  
Тиниш билмай ҳар нафасда ўсади,  
Олқишлайди уни шаҳар ҳам қалъа.

Тоза кучлар унга кўмак этади,  
Қора кучлар тўсолмайди йўлини,  
Ўсиб-ўсиб у тилакка этади.

Эсли кимса шак қилолмас ҳеч бунга,  
Чунки уни ўстиради янги кун,  
Ҳеч куч зарба беролмайди бу кунга...

*1927 йил 16 ноябрь*

### **АЛАНГА**

Аланга ҳар ёнда  
Ўйнайди, учади.  
Қарашни ҳар онда  
Имлайди, кучади.

Аланга дам олмай  
Кенгайиб боради.

Зулматнинг кўксини  
Аямай ёради.

Аланга юксакдан  
Тўлқинлар отади.  
Аланга қўйнига  
Кенг фазо ботади.

Эскилик ёнади,  
Аланга қонади.

*1928 йил*

### **КАСПИЙ ДЕНГИЗИГА**

Мен-да сен каби шўх, сен каби мағрур,  
Мени «менлик»ка асир эта олмас бу ғурур.  
Чунки мен  
Олганман  
Бу ғуруримни,  
Бу суруримни  
Шонли вулқондан,  
Тенгсиз исёндан,  
Эски дунё қақшаган ондан.

Менинг кўнглимда пўртаналар,  
Пўртаналар!  
Чунки пўртана мандир, мен-да пўртанаман,  
Пўртанасиз ўртанаман!  
Юзи сокин, ўзи гунг,  
Сирли кўлларда нетардим,  
Шубҳасиз, ундан узоқларга кетардим.

Мана мен ундан узоқда,  
Пўртана ёқда.  
Сенинг чехранг-да бугун

Сирли кўллар каби сокин эсса-да,  
Менга озроқ ёшли кўзлар билан боққил, деса-да,  
Биламан мен, биламан,  
Кўкрагинг тўла тўлкин,  
Унга севги бераман.

Менинг ишқим сенга муштоқ тушади,  
Қарашим пўртана излаб юради.  
Сенга боққанча бу ёшлик суюнар,  
Билмадим, балки бировлар куюнар.

*1929 йил 12 июнь*

### **ЯНГИЛИК САРИ**

Тутқун турмушдан  
Кўпдан безганмиз.  
Янгилик сари  
Учмоқ истаймиз.

Эски турмушни  
Эскилар билан  
Бирга йўқликка  
Кеткизсак, дейман.

Янги турмушни  
Янгилар билан  
Бирга борликда  
Яшнатсак, дейман.

Тилагим турлик,  
Кўнглимда бирлик  
Истаб, севаман  
Ҳар чок эркинлик.

## ҲАМОН ОЛҒА!

*(Ёшлар байрамига)*

Олға, олға, олға, олға!..  
Қонимиз вулқондек қайнаган,  
Умиднинг юлдузи порлаган.

Бир одим бўлсин  
Ортга қайтмаймиз.  
Йўл хатар бўлсин  
Янчиб ўтгаймиз.  
Кучимиз  
Тоғдан ошадир.  
Денгиздек  
Қайнаб тошадир.  
Қайси куч борким,  
Йўлни тўсадир?

Хаёллар аршида ўйнаган ёвузлар,  
Зўр, кучли, ўйноқи, тўлқинни кўрсинлар,  
Билсинларким,  
Хаёллари бўш!  
Кўрсинларким,  
«Аршлари» бўш!

Эй, хаёл билан туш кўриб ётган,  
Қонлар йиғлаким,  
Сўнгги кун сенга муҳаққақ етган.

Олға, олға, олға, олға борамиз,  
Энди бизлар янги дунё тузамиз.

## ЯНА ҚОН...

*(Хитой воқеаларига бағишлаб)*

Яна қон, қон, зулм, ваҳшат,  
Яна кўзларда ўт, даҳшат.  
Яна инсон қонин ичмак,  
Яна қон дарёсин кечмак.

Яна кўзларда қон ёшлар,  
Яна кўнгилга ўт ташлар.  
Яна ҳар гўшада фарёд,  
Ҳақиқат йўқмидир... Ҳайҳот!..

Билингким, бу зулм, ваҳшат,  
Муваққатдир буюк даҳшат.  
Кўрасиз бизнинг исёни,  
Отилган кучли вулқонни.

Фақат йўқсилнинг тўфони,  
Оловдек, ўтдек исёни  
Бутун дунёни қоплайди,  
Зулм, ваҳшатни қўймайди.

У чоғ ваҳшат, зулм кетгай,  
Жаҳонда қон ичиш битгай.  
Чин эркинлик куни етгай,  
Ҳамма бирлик йўлин тутгай.

## КЎНГИЛДАГИ ФАРЁД

*(«Кўзғол!» деган шеърга ўзбек хотин-қизларининг жавоби)*

Тим қоронғу кечамизнинг тонгини  
Кута-кута турмушимиз туганди.  
Тонг элчиси – гўзал ёруғ юлдузни  
Излай-излай кўзларимиз ўсанди.

Тонг юлдузи кўкка нега чиқмайдир?  
Кўнглимизга тасаллилар бермайдир?  
Бу кечанинг сўнги нега битмайдир?  
Қоронғунинг тахти нега синмайдир?

Еримизнинг таноблари узилиб,  
Айланишлар, ўзгаришлар битдими?  
Ёруғликнинг хоқонлиги бузилиб,  
Дунёмизга зулмат хокон бўлдими?!.

Кучин йиғиб, қанот қоқиб қичқирган  
Хўрозларинг тинлик ичра ёйилган  
Мунгли-сирли товушларин эшитгач,  
Умид, амал ўти сўна бошлаган.

Кўнглимизда яна ўтлар қайнайдир,  
Қулоғимиз пардасини титратган  
Улуғ, сирли товушлардан мияда  
«Савтнинг сўнги яқинлашиб келадир,

Қоронғулик кўпга қолмай битадир!» –  
Сўзларини териб олиб билдиргач,  
Томирлардан секин оқа бошлаган  
Тоза қонлар тўлқинланиб ўйнайдир.

Яна умид, яна кутиш, яна куч!  
Бироқ энг сўнг буларнинг-да бари пуч!  
«Ётма, кўзғол» нидолари зулматнинг  
Қучоғида йўқолишга маҳкум ўч!

Тез тонг отсин, ортиқ тўзим қолмади,  
«Тонг» йўқ бўлса, келсин мудҳиш туманлар.  
Қоронғунинг кучи яна кўпайсин,  
Дунёмизни сўнгра боссин тўфонлар.

*1921 йил ноябрь*

## ОЙДИН КЕЧА

Шу ойдинли кеча бир нашъа сочди,  
Кўнглимда ҳавас учун тўғри йўл очди,  
У дамда фиғонлар узокка қочди,  
Қайнади булокдек шодлигим менинг.

Оқар сув тотли нағмасин чолди,  
Ёшгина кўнглимга бир севги солди,  
Шўх сувга қора кўз тўймайин боқди,  
Нағмаси боғлади кўнглимни менинг.

Шўх сувнинг шошилиб тинмай оқиши,  
Йўлдаги тўскинни босиб бориши,  
Энг гўзал, тотлидир шўхчанг боқиши,  
Билмадим йироқми манзили унинг?

Ой кулар қизлардай сирли бир кўз-ла,  
Зар сепиб борлиққа тип-тиник юз-ла,  
Қаршимда куларди ёғдули чехра,  
Истикбол ҳаваси кўнглимда менинг.

Борлиқда ғубор йўк, борлик энг гўзал,  
Ҳар сафар юлдузлар кўкларда сўзлар:  
«Истикбол ойдинли, севинчли бўлар»,  
Ўпди истикболни хаёлим менинг.

*1928 йил*

A rectangular decorative border with intricate floral and geometric patterns, framing the central text.

*Достонлар*





## ТОҒ ҚИЗИ

### *Биринчи фасл*

#### 1

Кутурган дарёнинг бошида  
Кеккайган ҳайбатли тоғлар бор.  
Тоғларнинг ҳар бужур тошида  
Асрлар қолдирган доғлар бор.  
Тоғларнинг гердайиб туриши  
Назарни жилдирмай тортади.  
Назарнинг тоғ томон юриши  
Ҳар нафас, ҳар дамда ортади.  
Тоғларнинг бошида оппоқ қор  
Қуёшга нозланиб боқади.  
Бироқ кўп чидолмай, эриб қор  
Йўллардан дам олмай оқади.  
Тоғ йўллар кенгайиб, зўрайиб,  
Узоқлар қўйнига ботади.  
Йўлларнинг ўнгида, сўлида  
Қишлоқлар ясланиб ётади.

#### 2

Кутурган дарёнинг сўлида  
Атоқли, эски бир қишлоқ бор.  
Сирга бой қишлоқнинг йўлида  
Қақраган катта бир тошлоқ бор.  
Тоғ қизи бу эски қишлоқда  
Туғилган, ўйнаган, яйраган.  
У гўзал бундаги боғларда  
Булбулни йиғлатиб сайраган.  
Тоғ қизи чиройли, эрка қиз,  
Ҳуснига шайдолар саноксиз.

Унинг ҳеч тенги йўқ кўзлари  
Кўпни тиз чўктирган, яроқсиз.  
Тоғ қизи Қумриой қарагач,  
Кўнгилда ҳеч ором қолмайди.  
У қора сочларин тарагач,  
Йигитлар ундан кўз олмайди.  
Қумрининг куйлари тоғ йўлин  
Ҳар оқшом кучоқлаб учади.  
Қарилар, ёшларнинг ҳислари  
Куйларни жон билан кучади.  
Ҳам гўзал, ҳам ботир Қумрининг  
Манглайин табиат силаган.  
Ҳеч ёқда йўқ унинг умрининг  
Қамолин кўнгилдан тилаган.

### 3

Қутурган дарё тинч оқмайди,  
Тошларни тошларга уради.  
Йиғлаган-қулганга боқмайди,  
Илондек тўлғониб туради.  
Қумри бу дарёга боққанда  
Тўлқинлар ишқига этади.  
Чўнг тоғлар лолалар такқанда  
Сайрни ихтиёр этади.  
Тоғларда кийикдан ўзишни  
Тоғ қизи куну тун ўйлайди.  
Дарёда балиқдек сузишни  
Тушида кўргандек сўйлайди.  
Унинг соф, чиройли сўзини  
Тешажон тўймасдан тинглайди.  
Ҳар икки жон олгич кўзини  
Кечалар у ўйлаб инграйди.  
Тешажон аламли дардини  
Ҳеч кимга очмасдан юради.  
Қумрини кўрганда, кўзидан  
Томчи ёш сочмасдан юради.

## *Иккинчи фасл*

### 1

Қумриой ўн олти ёз кўрди,  
Ўн ёзда кўп кунлар тоғ кезди.  
Бинафша гулларни соз кўрди,  
Қайғули кунларни оз кўрди.  
Тоғ қизи гул бўлиб очилди,  
Зўр донғи ҳар томон сочилди.  
Гул қизни талабгор ўради,  
Кўп жойдан кўп бойлар сўради.  
«Мен қари, қизим ёш, бироз бор,  
Қумрисиз бу қафас бизга тор;  
Бойларга яхшилар бўлсин ёр,  
Қиз сўраш, албатта, эмас ор»,  
Деб кулиб, букилиб, совчини,  
Қумрига кўз солган овчини,  
Тўғонбой қайтариб юрарди,  
Қумрига оқ уйлар қуради.  
Бир нафас кўрмаса Тўғонбой,  
Дер эди: «Қайдасан, Қумриой?  
Кўзимнинг нури кел, кел бери!  
Ёрисин кўнглимнинг ҳар ери!»  
Қумрининг касалманд онаси  
Яп-якка қизи-чун яшарди.  
Қумриой кулганда, Норхоннинг  
Суюнчи қайнарди, тошарди.  
Беш ўғил, бир қизни бу Норхон  
Қора гўр қўйнига ташлаган.  
«Оҳ, болам, болам!» деб ҳар томон  
Югуриб кўзларин ёшлаган.  
«Белимнинг қуввати Қумриой  
Бойларнинг чўриси бўлмайди.  
Керакмас ҳашамат уйу жой,  
Мен тирик, Қумригул сўлмайди»,  
Деб Норхон достонин бошларди,  
Қақраган кўзларин ёшларди.  
Тўғонбой жим тўзим қиларди,  
Қайғули хаёлга толарди.

Норхоннинг кўнглини оларди,  
Қумрининг бошини силарди.

## 2

Қутурган дарё ҳеч тинмасдан  
Тошларни тошларга урарди.  
Унинг зўр шовқини синмасдан  
Жонибни титратиб турарди.  
Қундузнинг севгиси Қуёшхон  
Шошмасдан жилмайиб боқарди.  
Ҳайбатли тоғларнинг бошидан  
Оқ қорлар жилвалар отарди.  
Тўғонбой айвонда ёнбошлаб  
Кеккайган тоғларга боқарди.  
Қўрқинчли даракнинг алами  
Унинг кенг кўнглини ёқарди.  
Тўғоннинг чидами бузилди:  
Қайғуси авж олиб бақирди,  
У уйга Норхонни чақирди:  
Сирларнинг таноби узилди.  
«Қумрининг онаси, кулоқ сол!  
Ҳозир сен кампиру мен бир чол.  
Умримиз тиргаги Қумрининг  
Бўйини, тўйини эсга ол!..»  
«Сиз ота, мен она, Қумри – қиз,  
Сиз мандан яхшироқ биласиз!»  
«Қумрини сут бериб боққан сен,  
Болалар доғида оққан сен...  
Қумрининг бўйи ҳам тиккайди,  
У эмди ҳар ишни эплайди».  
«Қумрини бойларга бермадик,  
Бой бўлиб кўкракни кермадик.  
Бойларнинг ғазабин қайнатдик,  
Ёвларнинг тиғини қайратдик.  
Қишлоқнинг бойлари Қумрига,  
Кўзимиз нурининг умрига  
Олайган кўз билан қарайлар,  
Ўқрайиб лабларин ялайлар.

Уларга пул керак, кул керак,  
Биздаги жонни ҳам талайлар...»  
«Йиғламанг, йиглаб кўз толганда,  
Соч-соқол оқариб қолганда  
Кўп замон йиғладим, кулмадим,  
Бироқ ҳеч юзимни юлмадим.  
Эмди мен йиғлашдан безганман,  
Эркимни ўзимда сезганман...  
Уларнинг дўқидан кўрқмайман.  
Истаган йўлидан юрмайман.  
Ўттиз йил бойларнинг ишини  
Тинимсиз бажардим, кишини –  
Хўкиздеқ ишлатиб юрдилар,  
Кул қилиб сўкдилар, урдилар.  
У кунлар эсимдан чиққан йўқ,  
Мен ҳамон ёрлиман, улар тўқ.  
Кўп кунлар, кўп йиллар кетдилар,  
Билмадим қаерга етдилар.  
У қора кунларни эсламанг,  
Ярамни захар-ла эмламанг.  
Эскини йўқликлар ютсинлар,  
Аламлар узоқдан ўтсинлар»,  
Деб Норхон ёш тўкиб юборди,  
Тўғонбой паришон турарди.  
«Қўй, – деди Тўғонбой, – йиғлама,  
Касалсан, юракни тиғлама.  
Бурунлар йиғладик, ёлвордик,  
Манглайни саждада минг ёрдик.  
Бироқ биз истаган бўлмади,  
Кўнглимиз суюнчга тўлмади.  
Эмди ҳеч йиғлама, тетик бўл,  
Тетиклик дунёда тўғри йўл...»  
Тўғонбой тўхтаб бош қайирди,  
Кўзларин Норхондан айирди.  
Норхон кўз ёшини енгига  
Артди-да, қаради тенгига.  
Тўғонбой тинчини йўқотди,  
Норхонга маъноли сўз қотди:  
«Қумриой турмушин ўйлайлик,

Унга мос куёвдан сўйлайлик».  
«Сиздан мен илгари юрмайман,  
Сизга мен ҳеч қарши турмайман.  
Биламан, бу садни йикмайди,  
Бу гапдан ҳеч нарса чикмайди.  
Бирлашиб тўскинни бузайлик.  
Тузоклар ипларин узайлик.  
Бошимда яшринган бир ўй бор,  
Қумрига топсангиз лойиқ ёр...»  
«Кўп шошма, энг аввал жавоб бер,  
Нуркарвон хотини қандайдир  
Ширин сўз, ёқимли бир хотин,  
Уни кўп мақтайлар, деб отин.  
Нуркарвон энг яқин бир ошнам,  
Ёшликда юрганмиз кўп яшнаб.  
Шу Нурнинг боласи Тешани  
Сен мenden яхшироқ биласан.  
Қумриой биледи ўшани –  
Кўп яхши... Сен нима деясан?  
Тешажон гул каби бир бола,  
Юзлари қип-қизил нақ лола.  
Қумрини «синглим», деб юради,  
Қумрига кўз бўлиб туради.  
Тешага Қумрини берсамиз,  
Сўнгра биз кўкракни керсамиз.  
Қумриой бунга «йўқ», демасми?  
Кўнгли бир бошқада эмасми?...»  
«Бу қандай янги гап? Қумри – қиз,  
«Ғинг» демас, бир нарса қилсамиз.  
Ўзининг кўнгли ҳам Тешада.  
Эслайди ҳар ойдин кечада.  
Тешажон бизнинг ҳам боламиз,  
Ичкуёв қиламиз, оламиз...»  
«Бу яхши, бироқ бир тўсиқ бор,  
У бизга йўл бермай қўяди.  
Тез илож топмасак биз агар,  
Ҳар йўлда минг ўра ўяди...»  
«Нима гап, яна ким сўрайди?  
Бахтсизлик янами ўрайди?...»

Шайтонлар уруғи Шарифжон,  
Саноксиз хотинли чол эшон...»  
«Эшоннинг совчиси келдими?  
Алдамчи ваъдалар бердими?..»  
«Эшоннинг совчиси келган йўқ,  
Қаршимда кўкрагин керган йўқ.  
Бироқ у совчининг совчиси,  
Бургут кўз овчининг овчиси  
Бу ёқда санғираб юрибди,  
Кўпгина тузоқлар қурибди...  
Нуркарвон «хўп», деса шу кузда  
Тўй қилиб тинчланиб оламиз.  
Шарифжон эшоннинг кўнглига  
Аламнинг чўғларин соламиз...»

1928 йил

## ЎТМИШДАН БИР ЭРТАК

### 1

Хон, бекларнинг зулм қўли узайган,  
Салтанатнинг томирлари сусайган  
Бир замонда донгли бир бой бор эди,  
Унинг кўзи тўймас эди, тор эди.  
Яшар эди телба дарё бўйида,  
Бошлиқ эди элнинг аза, тўйида.  
Кўчаларда катта-кичик букилиб,  
Бўйин эгиб, йўл бўшатиб турарди.  
Бой қарамай, йиқилганда бурилиб,  
Фурур билан отга қамчи урарди.  
Эшигида кўп қари, ёш қалтираб  
Бойваччанинг буйруғини кутарди.  
Кеча-кундуз тиними йўқ чўрилар  
Ичкарида заҳар-заққум ютарди...

### 2

Бойнинг ёши етмиш бирга тўлганда,  
Катта уйли, тўрт болалик бўлганда,  
Куч белидан, нур кўзидан кетганда,

Борлиғининг сўнги яқин етганда  
У қизил гул ғунчасига чанг солди,  
Ўн еттига етмаган бир қиз олди.  
Гўзал қизнинг оти Сораой эди,  
Унинг кўнгли суюнчларга бой эди.  
Дер эдилар: «Сора – қизлар сараси,  
Кучаяди Сорасиз ишқ яраси.  
Сора – кўклам чаманининг булбули,  
Йигит кўнгли – Сораойнинг чин қули...»  
Ҳар бир йигит Сораойни суярди,  
Сораой деб кеча-кундуз куярди.  
Бойлик кучи эл истагин рад этди,  
Ёш Сорани эрксизликка беркитди.  
Чол бойлиги унинг бахтин учирди,  
Умидини йўқликларга кўчирди.  
Бахтсиз Сора келгусининг руҳига  
Кўзни ёшлаб, сўнг фотиҳа ўқиди.  
Қора кунлар аламининг юкига  
Юрагида қора уя тўқилди...  
Ойлар ўтди, йиллар ўтди... Сораой  
Соғлиғини бир умрга берди бой...  
Сораойнинг ошиқлари ичида  
Турди отли чўпон йигит бор эди.  
Бу йиртиқ тўн ҳар кундузнинг кечида  
Сораойнинг дийдорига зор эди.  
Кўк майсалар, кенг далалар қўйнида  
Турди хаёл дулдулига минарди.  
Гўзалликда тенги йўқ зўр чаманга  
Савлат билан, шавкат билан инарди.  
Баъзи чоқлар чўпон йигит най олиб,  
Ёш кўнглидан ёниқ куйлар тўқарди.  
Баъзи чоқлар ёлғизликда қийналиб,  
Чўпонликнинг аламидан чўқарди.  
Кун кетарди, тун ўтарди... Яна кун...  
Чўпон учун бирдек эди куну тун...  
Сораой ҳам Турди куйин суярди,  
Турдидаги муҳаббатни туярди.  
Бу қишлоқнинг қарилари Сорага:  
«Қара, Турди лойиқ йигит», дердилар.

Бироқ тилак жилваланиб кулмади:  
Сораойдек хурни бойга бердилар...  
Кўк майсалар кўнгли ярим Турдининг  
Кўз ёшларин аста-аста тердилар...

4

Қишлоқ бойи яхши йўлдан кетмасди,  
Ёрлиларга раҳм-шафқат этмасди.  
Дехқонларни кузда роса таларди,  
Хон, бекларнинг сурнайини чаларди.  
Шунинг учун сабр тошди қирғоқдан:  
«Мадад келмас, – деди Турди, – йироқдан!  
Ё ўлайлик, ё қолайлик... Чикайлик,  
Зулм сочган кўрғонларни йикайлик!..»  
Оқшом эди... Кўзғолдилар ёрлилар,  
Ўз кучи-ла яшагувчи орлилар...  
Ҳар томонда жилваланди ўзга ҳол,  
Бу ғавғодан кўрқди ҳатто оқсоқол...  
Қишлоқ аҳли бойни роса боплади,  
Бой-чи ҳатто қочишга ин топмади.  
«Болаларим! – деди келиб гузарга.  
Қариликни олинг озроқ назарга.  
Сиз мусулмон, мен мусулмон! Ҳаммамиз  
У дунёдан жаннат умид этамиз.  
Мен сизга ҳеч дўзах раво кўрмайман,  
Дардингизга аммо даво кўрмайман.  
Арзингизни қилинг хонга, бекларга...»  
Турди кулди: «Эшиклари беркларга...»  
Эрмат полвон ирғиб туриб бақирди:  
«Дўстлар, уни бу ерга ким чақирди?  
Ахир бизни зулм эзган эмасми?  
Бойваччадан ҳамма безган эмасми?  
Мазаси йўқ сўзларини тингламанг!  
Тингласангиз, кейин сира инграманг!..»  
Бир чол кўлин силкиб, деди: «Халойиқ!  
Қишлоқ бойи янчилишга-ку лойиқ...»  
Бироқ бундан биз ҳеч фойда қилмаймиз...»  
Нур бақирди: «Биз уни тинч кўймаймиз!..»  
Турди чидаб туролмади: «Тўхтанг, оз!

Деди титраб. – Қачонгача бунча ноз?  
Қишлоқ бойи камбағаллар қўлидан  
Тортиб олди ер-сувларин аямай.  
Ким юролди бойнинг юрган йўлидан,  
Ҳар қадамда орқа-ўнгга қарамай?  
Бу бой – бургут, кўзга чангал солади,  
Еримиз ҳам қизимизни олади...»  
Ёрлиларнинг ғазаблари кучайди,  
Ҳар томонда қарғиш, сўкиш кўпайди.  
Кўзларга қон тўлган эди. Ҳар кимда  
Аллақандай бир изтироб тошарди.  
Яна озроқ узайсайди бу ҳолат,  
Бу кўзғолиш қирғоқлардан ошарди.  
Оқсоқолнинг қути ўчди. Қочишга  
Йўл излади... Йўллар ёруғ кўринди.  
Иложсиз у ширин сўзлар сочишга  
Бор эсини йиғиб анча уринди:  
«Шовқин-сурон кўтаришдан фойда йўқ,  
Бой бувамнинг ери сизни қилмас тўқ!  
Шукурки, бор бошимизда хонимиз,  
У кишига фидо бўлсин жонимиз.  
Ҳар жанжални шариатнинг йўли-ла,  
Қозиларнинг ва бекларнинг қўли-ла  
Ечиш керак... Гуноҳлардан кочингиз,  
Яхшилиқнинг эшигини очингиз!..  
Биз ўзимиз, оппоқ соқол қарилар,  
Ўлтиришиб бир маслаҳат қилайлик.  
Зиндон-пиндон... балоларга йўлиқмай,  
Ҳар ҳалқани ўз жойига илайлик!..»  
Оқсоқолнинг сўзин бир чол ёқлади,  
Бу гапларни Нурмат ота оқлади...  
Аста-аста чоллар тўда туздилар,  
Кўзғолоннинг томирларин уздилар.  
Қишлоқ бойи, шундай қилиб, соғ қолди,  
Сўнг уйида Сораойдан ўч олди...

## 5

Сораойнинг кўрган куни кун эмас,  
Бой уйида ҳеч ким «Сорахон» демас.

Унинг учта кундошининг зуғуми  
Сира лаззат берадиган нон эмас.  
Уни ёлғиз овутади оналик,  
«Қандай яхши, – дейди, – бўлиш болалик!»  
Бироқ унинг истикболи билгисиз,  
Бой шубҳаси эмас сира белгисиз.  
Қишлоқ бойи Сораойга бокқанда,  
Сора қўлга кўзмунчоқлар таққанда,  
Бой юраги сиқилади, куяди,  
У Сорага қарши ҳислар туяди.  
Бой ўйлайди: «Сора тезда туғади,  
Сўнгра менинг обрўйимни бўғади.  
Билолмайман: қайдан олди болани?  
Оёғим-ла эзай ундай лолани!..  
Тўхтайти-чи оз, кўрай, кимкин у йигит?  
Ўздан чиққан буғдоймикин ё чигит?  
Буғдой бўлса, тегирмоним тоши бор,  
Чигит бўлса, обжувозим қоши бор!..»  
Бой кўзидан Сора сирлар ўқирди,  
Унга қарши тўр-тузоқлар тўқирди.  
Сораойнинг тўлган эди юраги  
Кўпдан бери «чин эри»ни кўрмасдан.  
Унинг иссиқ кучоғига кўмилиб,  
Лабларидан ўтли-ўтли сўрмасдан...  
Турфа ўйлар хаёлини безарди  
Бўлгач Сора жажжи ўғил онаси.  
Шул чоқларда тоғ, чўлларни кезарди  
Бу ўғилнинг Турди отли отаси.  
Эрмат полвон, Нур ва бошқа кексалар  
Ғалаёндан сўнгра кўзни юмдилар.  
Эрмат полвон обхонада жон берди,  
Нуржон бўлса ёғоч дорда жағ керди...  
Билмас эди Сора Турди борлигин,  
Суйганининг дийдорига зорлигин...  
Боласини бағрига у босарди,  
Турди берган кўзмунчоқни асрарди...  
Қишлоқ бойи ҳар кун уни қийнарди,  
Бу ўғилнинг чин отасин сўрарди,

Сораой ҳеч оғиз очмай турарди,  
Боласига кўкрак қалқон қиларди..  
Кишлоқи бой сирдан жуда кўрқарди,  
Шунинг учун эс йўқотиб юрарди..  
Бир кун сирнинг ўнг-сўлини ўйлади,  
Беш ўғилнинг каттасига сўйлади.  
Сораойни ўлдирмоқчи бўлдилар,  
Чақалоқни сўлдирмоқчи бўлдилар.  
Ота-бола режаларин тузишди,  
Қонлар улар кўзларида сузишди..  
Саҳар пайти... Зулмат чўкиб қолганди,  
Ҳар бир жонни уйқу босиб олганди.  
Ташқарида бой ухларди донг қотиб,  
Жимжитликда хунук овоз тарқатиб..  
Сораойнинг юмилмасди кўзлари,  
Титрар эди «Алла» айтган сўзлари..  
Уйдагилар Сораойдан безганди,  
Зийрак Сора қонли қараш сезганди..  
«Сора!» деган товуш унга эришди,  
Сора кўрқди, тили қақраб тиришди...

## 7

Зўр-базўр у ёстикдан бош кўтарди,  
Бу товушдан у ажални кутарди..  
Яна товуш: «Мен Турдиман, Сораой!  
Кўрқма... секин... уйғонмасин разил бой!...»  
Оз бўлмаса Сора хушсиз қоларди,  
Турди чўпон кўнглига дард соларди..  
Тоғ тошига узун сочи илиниб,  
Юзи, кўзи, қўл-оёғи тилиниб,  
Жар устида сўнг дақиқа кечирган,  
Кўз олдига оқ кафанни келтирган  
Гўзални гар қутқарса ёр у ердан..  
Юз минг бора ўргулмасми у эрдан?!  
Турди Сора кўзларини ўпарди,  
Сора унга севгисини тўқарди..  
Сўнгра аста кўтарди у болани,  
От оёғи босиб ўтди далани...

8

Қишлоқи бой Сораойни излатди,  
Ҳар томонга от оёғин тезлатди.  
Бироқ кимса ундан дарак топмади,  
Шундай қилиб, бой истаги чопмади...  
Сораойни чол отаси биларди,  
Шунинг учун у тинч соқол силарди...

9

Ғалаёнга бағишлади эл дoston,  
Бу дostonда борди икки қахрамон.  
Эл дардига дostonда гўр қазилди,  
Унга шулар ўчмас қилиб ёзилди:  
Турди чўпон қандай йигит бўлгани,  
Бойга қарши ғазабларга тўлгани,  
Ғалаёнда кўкрак кериб тургани,  
Ёрлилар-чун жон куйдириб юргани,  
Алам тўла қора кунлар кўргани,  
Сораойни ёшлигидан суйгани,  
Сораойнинг гўзаллиги, созлиги,  
Қоматининг адллиги, нозлиги,  
Унинг ёрли ёш чоқлари, сўзлари,  
Жозибали қора ўйноқ кўзлари,  
Сўнг кунлари, кўз ёшлари, ғамлари,  
Бой уйида кечган мудҳиш дамлари,  
Бойнинг уйи, аза-гўйи, турмуши,  
Нафрат тўла, лаънат тўла ўтмиши...  
Йўқсил, ўрта деҳқонларга қараши,  
Ёрлиларнинг бор кучини талаши...  
Ҳамма ёрли бойга лаънат ўқирди,  
У дostonнинг бош сўзлари шу эди:  
«Замонимиз қандай ёмон бир замон,  
Зулм, зулмат билан тўла ҳар томон.  
Ёрлиларнинг қачон кулар иқболи  
Ва уларни қачон кучаркан толе?!  
Қачон чиқар қишлоқ узра тўлин ой,  
Бахтли бўлар Турди билан Сораой?!»

*1925–1929 йиллар*

A rectangular decorative border with a repeating floral and geometric pattern, enclosing the central text.

*Ҳикоялар*





## ҲАЙИТ ҲАРОМ БЎЛДИ<sup>1</sup>

Бугун ёлгон арафа...

Эрга рўза тамом бўлади...

Индин ҳайит...

Бу йилги ҳайитнинг бурунги ҳайитларга ўхшамаслиги рўзанинг бошидаёқ билинган эди. Мулла Охунжон домла рўзанинг бешинчи кунда, ҳожи поччанинг таъбири билан айтганда, «Таъбирномаи Юсуфий»га қараб, шундай каромат қилган эмишлар:

«Валлаҳи аълам биссаваб, бу йилги ийди рамазон кўп муслмонларнинг бошига нури илоҳий сочмаса керак...»

Ёлгон арафа савдосига қараб туриб, ҳожи почча ҳам ўзича каромат қилди:

– Бу йилги ҳайит шарофатли бўла турганга ўхшамайди... Савдонинг мазаси йўк.

Мулла Охунжон домла ҳайит харжи қилиб келиш ниетида раста бозорга жўнадилар.

Инкилобдан бурун ҳар бир растада бир неча эътиборли бой бўлар эди. Бу бойларнинг баъзилари Мулла Охунжон домла растадан ўтиб қолганда, дўконга таклиф қилиб, дарров чой ва иссиқ нон чиқарар ва у киши дуо қилардилар. Ҳозир у бойларнинг дабдабали дўконлари ёхуд вайрон бўлиб ётади ёхуд ҳукумат дўконлари бўлиб қолган.

Домла тўрт растани айланиб чиқди, ҳеч ким бу кишига илтифот қилмади, домлада аллақандай маъюслик пайдо бўлди.

Мулла Охунжон домла «бисмилло» деб читфурушлар растасига қадам босдилар. Агар бу растада ҳам ҳеч ким индамаса, домланинг маъюсликлари тошиб кетарди. Бироқ бундай бўлмади: ҳожи почча домлани дўконга так-

---

<sup>1</sup> Повестдан бир шохча (муаллиф изоҳи).

лиф қилди. Домламиз ҳожи поччадан жуда ранжиган бўлсалар ҳам, шундай фурсатда илтифот қилган мусулмонга яхши гапирмаслик, ўз сўзлари билан айтганда, айни ҳамоқат бўларди.

Фотиҳа ва тавозедан сўнг домламиз Ҳожидан кўнгил сўрадилар:

– Мулла Ҳожимуроддан дарак йўқми? Худованди қарим ўз паноҳида омон сақласин...

– Иншоолло... – деди эгилиб ҳожи почча, – ҳозиргача тайинли бир дарак йўқ, тақсир. Кўп ташвишга қолдикда...

– Рамазон шарифда ташвиш тортишнинг ужри беҳад бўлади, ҳожи афанди... Мулла Ҳожимурод кўп зийрак фарзанд, хотиржам бўлинг...

– Ҳа, тақсир... Шунинг учун дўконга тушишни ихтиёр қилдик.

– Бундай улуг кунларда дўкон ёпиқ турса, фаришталар кирмай қоладилар... Жуда яхши қилгансиз... Бу кунларда дўкон очишнинг ҳам у дунё ва бу дунё учун фойдаси бор.

Ҳожи поччага домланинг сўзлари жуда ёқди. Домла у ёқ-бу ёққа назар солиб, яна гапга кирдилар:

– Ҳожи афанди, сизнинг дўконингиз илгари замонда ҳам шу ерда эдими?

– Йўқ, тақсир. Мана шу қаршингиздаги қапиратиф дўкон каминага қарашли эди... Қўлимиздан тортиб олдилар... хароб қилдилар...

– Шундай экан... – деди ўйланиб домла, – мен бир қанча расталарга кириб чиқдим: ҳар томон хароб, ҳар томон вайрон, дўконлар ер билан яксон, эски вақтда олинган тимларнинг аксари кўтарилган, кўчаларда юриш имкониётидан хориж... Бечора қосибларнинг ҳоллари танг. Эски вақтда энди бой бўлиб келмоқда бўлган дўкондорларнинг ҳоллари ёмон... Буларни кўриб, кўп афсус едим...

– Тақсир, афсус емайдиган замон бўлдики? Мана, қаранг, тақсир. Бу томонда шунча дўконлар, бойлар йўқ бўлиб кетяпти, мана бу томонда қатта-қатта гишт иморат-

лар... Булар мактаб эмиш, қулуб эмиш, завод эмиш, газитхона эмиш, нима балолар эмиш. Буларнинг бизга нима нафи бор? Ўзимиздан биргина бой чиқиб, даранглаптиб катта магазин солмагандан кейин мамлакатнинг бойлиги кимларнинг қўлига кириб кетади? Сиз сўраманг, мен гапирмай...

Ҳожи почча жуда дардли бўлса ҳам, юқори товуш билан сўзлашга жасорат қилолмас эди.

Домламининг диққатларини дўмбира овози ўзига жалб этди.

Вайрон расталарнинг нариги томонида кўкрагини кўкка кўтариб турган мухташам бинони ҳожи почча кўрсатиб, деди:

– Ана у бинода пиёмерми, пиёнерми деган гўдаклар ўқийдилар – большевойликка тайёрландилар. Ҳар кун эрта-ю кеч рат-рат...

Улар куладилар, шодландилар...

Тўғри, янги замон енгиб, эски замон енгилиб боради.

Мулла Охунжон домла билан ҳожи почча ҳам буни кўриб, сезиб турадилар. Агар буларнинг кучлари бўлса эди, нималар қилмасдилар. Домламиз бошларини тафаккурдан кўтариб, дардларини сочдилар.

– Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди... Ҳар иккимиз ҳам қариб қолдик, у дунёни кўпроқ ёд қилиш лозим.

– Тақсир, сўзингиз рост.

Бу дардлашишни ҳожи поччанинг уйдан келган бола бузди.

Бола ҳовлиқиб деди:

– Турди акамни, Норқўзи акамни қамаган ерга Ҳожимурод акамни ҳам қамаган эмишлар...

Ҳожи почча ўрнидан ирғиб турди:

– Вой, хайит ҳаром ўлди... Буларни отиб ўлдирадилар...

1929 йил

## ЯНГИ ҚИШЛОҚ

Кўклам боши. Ҳали ер қуриган эмас, тепаларда қор излари бор.

Кўкламнинг бу галги келиши Қурбоннинг ҳам юрагида тўлқинлар қўзғотган: Қурбон на кечаси ва на кундузи тинчлана олади. У ҳавога қарайди, ерга қарайди ва шодлигидан калта соқолини бармоқлари билан тез-тез тарайди.

– Қурбон, сен ҳам бу йил белингни кўтариб оласанда... – Қодирнинг бу сўзлари Қурбонга жуда ҳам ёқади... Унинг дудокларидан таноби қочади...

– Хаҳ... замон. Ҳукумат бизники. Бизга ўхшаганларники, – дейди Қурбон. – Оч-яланғоч юратурган вақтларимиз ўтиб кетди, оғайни!..

Қодир ҳам Қурбоннинг ўзига ўхшаган камбағал деҳқон: ер ислоҳоти вақтида Қодирга ... таноб ер, Қурбонга ... таноб ер берилган. Лекин боёқиш Қурбон шу йилгача олган еридан фойдаланмаган. Бунга сабаб Қурбоннинг ишёқмаслиги ёхуд кўрқоқлиги эмас, бошқа... Қурбон – ҳеч нарсадан кўрқмайдирган, ҳеч ишдан қочмайдирган йигит. Бунки қишлоқнинг каттадан кичигигача яхши биларди. Босмачилар Янгиқишлоқдан узоқ бўлмаган тоғлардан от қўйиб, қишлоққа кўркунч солиб юрган замонларда ҳам ўз тўғри йўлидан қайтмаган Қурбон «майда-чуйдалардан тап тортмаслиги»ни бир эмас, минг мартаба айтганини ҳамма эшитган. Қурбоннинг сўзлари қишлоқ бойларининггина кайфларини бузади. Бойлардан, руҳонийлардан бошқа ҳамма қишлоқ аҳли Қурбоннинг суҳбатига жуда зўр иштиёқли. Қурбон ҳам ноз қилишни, такаббур бўлишни билмайди.

Биров:

– Қурбон, фалон воқеа қандай бўлган эди? – деб қўйса, сўроғни рад қилмай, тўла жавоб беради.

Кичкина уйнинг шипи қоп-қора. Уй эшиклари ёпиқ. Уйнинг бир четида гувуллаб ёниб турган ўтнинг шуъласи кичик уйни совуқликдан ҳам, қоронғиликдан ҳам қутқармоқчи бўлади. Ўт теварагида ўтирганлар ичида

бўлган шаҳарлик уч йигит кўзларини зўрға-зўрға очиб ўлтирадилар. Тўлқинланиб учмоқда бўлган аччиқ тутунлар буларнинг на кўзларига ва на кўнгилларига роҳат беради. Лекин сир бой бермасликка тиришадилар.

Қумғон вақиллаб туради. Уйдаги тўққиз қишлоқ аҳли шаҳардан келган йигитлардан кўпрак сўз эшитишни истаб, тинч ўтиради. Буларнинг кўзлари ҳам ёшланмайди, кўнгиллари ҳам хузурсизланмайди. Унча-мунча тутун буларга таъсир қилмайдирган кўринади.

– Сиз ўрганмагансиз-да... Эшикни очиб кўяйми? – Қурбон жуда зийрак йигит эканини бу ерда ҳам кўрсатди.

– Кўча унча ҳам совуқ эмас, – деди Қодир. – Очиб кўявер!..

Эшик очилди. Ташқаридан тоза, ёлқин ҳаво югуриб ичкари кирди. Нафас олиш анча енгиллашди.

Ёниб турган ўтнинг ҳам боши эгилди. Унинг шуъласи эшикдан кирган ой нурлари билан қучоқлашди.

Ташқарининг гўзаллиги ҳамманинг қарашини ўзига жалб этди. Қумғонга қараб ўтирган деҳқон деди:

– Бу йил ёғин ҳам чакки эмас... Ҳаво жўнашиб кетса, деҳқончилик ёмон бўлмайди...

Бошқа деҳқонлар ҳам бунинг сўзини тасдиқ қилдилар. Қотмагина деҳқон этаги билан ўтти елпиб, деди:

– Ҳукумат ўзимизники эканини энди билдик... Еримиз йўқ эди, ерлик бўлди, пулимиз йўқ эди, пуллик бўлди... Экишга уруғ, ейишга нон берди, пул берди...

– Ҳозир ичакузилди вақтида буғдойдан кўпроқ берилса, яхши бўлар эди-да...

Тиззасига суяниб ўтирган чолнинг бу сўзига Қурбон дарров жавоб қайтарди:

– Ҳукумат ҳар нарса берса, камбағалларга беради. Ҳукумат кўзида ҳар қаердаги камбағаллар бирдак. Бир қишлоқдаги камбағалга кўп бериб, бошқа бир ёқдагисини оч қолдирмайди. Ҳар кимнинг ҳолига қараб беради-да... Йўқ ердан йўндириб бўлмайди-ку, ахир...

– Тўғри, – деб Қодир сўзга киришди, – бизнинг Қурбон ҳам чакана эмас... Кўп нарса билади. Ҳамма гап ўзимизда... Биз яхши ишласак, яхши унум олсак, ҳамма камбағалларга фойда. Ҳукумат камбағалнинг турмуши яхши бўлсин, дейди... Ҳукумат ўзимизники бўлганидан кейин ҳукумат айтганча ишлаш ўзимиз учун фойдали бўлади... Шундай эмасми, мулла ака?

– Шундай...

Шаҳардан келганларнинг ўрта бўйли, соқолсизи бу тўғрида узун сўзлади. Ўлтирган деҳқонлар ҳаммаси тингладилар...

– Ёшларимиз орасида ёмон кишилар йўқ. Бугун биттаси бироз ёмонлик қилиб қолган экан, тоза бопладик... Бундан кейин сира ёмонлик қилмасликка сўз бериб, зўрға кутулди... Бизнинг ёшларнинг жуда кўпи саводли. Янаги йилга биргина саводсизини қўймаймиз...

Шаҳардан келганларнинг каттаси деди:

– Ёшлар деган шундай бўлади. Ишлаш керак..

Чол деҳқон:

– Булар қип-қизил ўт... ўт... – деб қўйди.

– Шу қишлоқда очилмаган хотин-қиз қолмади... Булар кўп ҳаракат билан ўйин қилишиб бердилар...

Шаҳарлик йигитларнинг энг кичиги сўради:

– 8 март қишлоғингизда қандай ўтди?

– Болам, қандай ўтарди? Бизнинг қишлоқда яхши ўтмай, ана у бойлар кўп қишлоқда яхши ўтармиди?

Зайнаб холанинг сўзини Қурбон қувватлади:

– Жуда ҳам яхши ўтди. Мана шу ҳовлига йиғилган хотин-қизлар уч юздан ортиқ эди...

– Биргина хотин паранжи ёпиниб келгани йўқ, айнамай, болаларим...

Шаҳардан келган чиройлик йигит сўради:

– 8 мартдан кейин хотин-қизларингиз яна паранжи ёпиниб олганлари йўқми?

– Йўқ, бизнинг хотин-қизларимиз бойларнинг хотин-қизларига ўхшамайдилар. Улар ҳам «Ҳужум»га тушуниб қолишган.

Қотма деҳқоннинг бу сўзларини ҳаммалари тасдиқладилар. Шаҳарлик йигит:

– Хотин-қизларингиз орасида қандай иш олиб борасиз?..

– Муаллимимиз жуда яхши йигит-да, – деди Қурбон. – Хотин-қизлар учун ҳам курс очганмиз. Барака топкур муаллим эрталаб болаларимизни, кундуз куни хотин-қизларимизни ўқитади...

– Муаллимдан жуда розимиз, – деди Қодир. – Бизга у жуда кўп нарсани ўргатди... Бир нарса билмай қолсак, дарров сўраймиз. «Йўқ» демасдан жавоб беради...

Кеча ярмига яқинлашиб қолган эди. Деҳқонлар уйларига қайтишга ҳаракат қилиб қолдилар. Уйдагиларнинг ҳаммалари ҳовлига чиқдилар. Шаҳардан келганлар билан хайрлашиб, олти деҳқон уйларига қайтди.

Қурбон, Қодир, Турсун меҳмонлар билан қолдилар.

Ойдин кеча жуда чиройли эди. Шу ердан икки юз газча нарида бўлган кўлнинг суви милтиллаб турарди. Уч томонда буюк қўрғон каби қалқайиб турган тоғларнинг оқ бошлари ой нурларида жилваландилар. Кўкда заррача булут йўқ эди...

*1929 йил*

A rectangular decorative border with intricate floral and geometric patterns, framing the central text.

# *Мақолалар*





## ЭЛЧИ АФАНДИГА ЖАВОБ ХАМ РИЖО

*(Идорага мактуб)*

«Иштирокиюн»нинг 208-номеринда «Ўрта мактаб ва олий курс» сарлавҳаси остинда «Элчи» имзоси ила ёзилган мақолани ўқиганда, ортиқ тахмини муҳит бўлган бир-икки нарсаларни «Элчи» афандининг ўзларидан сўрамоққа мажбур бўлдим. «Элчи» афанди ёзган мақолаларинда ўтган йил мактабларда дарслар ҳар турли бўлиб, истилоҳлар кўп мактабларда арабча ўқитилиб, турк-ўзбек болаларининг бошларини оғирлаштирди. Етар энди бечора болаларни оғулов ва бошларини чертув ҳам истилоҳларига ялинув, деб бақирадилар. Тўғри, ўтган йил фанлар ҳар мактабда ҳар турли ўқитулув, ҳар истилоҳларни истеъмом этган мактаблар саноксиз эди. Бунга жавоб: ўтган йил юртимиздаги мактабларнинг очилган йили бўлгани сабабли дарслар, ҳар турли истилоҳлар арабча эди. Ҳар нарсанинг бошланган йили тартибсиз бўлгани каби, яхшими бундоғ бўлса, бу йил ҳам ўтган йил каби араб истилоҳлари ишлатилмоқда, деган савол ҳар кимнинг кўнглига келур. Муни ҳар кимнинг ақли «шу нечун?» саволига жавоб бермоғи керакдир. Сўнграгина бошқа сўз!

Ҳаммага маълумдирки, бизда чиғатойча бир китоб ва луғат китоби йўқдир. Китобга, хоҳ лотинча, хоҳ арабча ислоҳда бўлсин, муҳтожлигимиз ҳаво даражасидадир. Мана шундай муҳтожлик бир замонда «Битсин арабча истилоҳлар ва луғатлар!» деб қичқирмоқ қандоқ бўлур экан? Ўйлаб охирига етолмадим. Чиғатойча луғат ва истилоҳлар билувчи афандиларимиз бўлмаган ва келишмаган сўзлар ила газета саҳифаларини қоралаб турмасдан, илмий-фанний чиғатой истилоҳида китоблар ёзиб, сўнгра кеч курслар очсалар, яхши бўлур эди.

Мана, «Элчи» афандининг сўзларини англасак-да, луғат ва истилоҳ билмасамиз, нима қилурмиз? Қўлимизда чиғатойча луғат китоби йўқ. Қаердан топурмиз? Овруполиларнинг ҳаммаси маълум илм ва истилоҳларни греклардан, лотинлардан, араблардан олмишлар.

Овруполиларнинг тили бизнинг тилга қарағанда бойлигини ҳар бир илмли киши тасдиқ этар. Бой тилни овруполилар греклар, лотинлар, араблардан олдилар. Зероки, бу уч миллатнинг тили бошқа миллатларнинг тилидан бой ва эскидир. Биз, туркийлар эса, илм ва фунун, луғат ва истилоҳларни ёлғиз араблардан олдик. Зероки, араб тили дунёдаги энг бой тил бўлиб танилгандир. Биз чиғатойча илм ва фунун, деб ўйлаган эдик. Билмасдан, кўп кишилар тилидан сўзладим. Йўқ, ўзим ўйлаган эдим. Агарда юкорида йўқ деб ўйлаган чиғатойча луғат китоби бўлса, мухтарам «Элчи» афандидан илтимос қилур эдимки, «Иштирокиюн» газетаси орқали маълум қилсалар, миллатимизга буюк хизмат қилган бўлур эдилар. Зероки, бутун мияли болаларимизни бошларини оғритмас ва чиритмас эдик...

Афандим, билмаган нарсангиз ила газета саҳифаларини булғотмангиз. Матбуот оламинда сиз ва биз кабиларнинг қийшиқ қадам босмоқлари уятдир. Яна мақоладаги «афандим»лар, фалонлар деганингизга тушунмадим ва афандилар ким эканин билмадим, шуни англатсангиз экан.

*1919 йил 23 ноябрь*

## **ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТЧИЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН**

### **«Қизил қалам» ва унинг галдаги вазифалари**

Ўзбек адабиёти сўнгги бир неча йил ичида жуда каттиқ оқсаб қолди. Бу ҳол маданий юксалишимиз учун катта етишмаслик экани белгили. Омманинг турмуши ўзгариб, тузалиб, маданий талаблари кучайиб турган бир

замонда санъат ва адабиётимизда ҳам буюк бир инқилоб бўлиши ва бунинг катта одимлар билан илгарилаши зарур. Бу бўлмаса улкан мафкура майдонидаги курашимиз кенг ва тўла бўлолмайди. Белгиликим, ҳали бу майдонда анча курашиш керак. Шунинг учун умуман синфий кураш тўхтамагунча адабиёт frontiда ҳам шу кураш тўхтамаслигини эсдан чиқариш ярамайди. Мана бу ҳақиқатни эсдан чиқарувчилар ва англамовчилар зиёлиларимиз орасида ҳам анчагина топиладир. Энди мафкура майдонида кураш бўшаши шакилли... аввал қайтарилган баъзи адабий парчаларни газета ва журналларда босиш мумкин бўлар... деювчилар юқоридаги ҳақиқатни ё инкор қилувчилар, ё англамовчилар эмасларми? Булар нима дмакчи бўладилар?

Бу сўзлар юзаки сўзлар эмас. Мафкура майдонида ҳали кўб душманларнинг қони тўкилишини билмай, билса ҳам кўзга илмай, «эски йўл»да ҳаракат этишга тайёрлигини кўрсататурган бу сўзлардан тегишлик натижаларни чиқариб иш қилиш лозим. Ҳақиқатан иш қилиш – бир нарса вужудга чиқариш керак. Ёлғиз гап билан ҳеч нарса яратиб бўлмаслиги ҳаммага аниқ. Юқорида ёзилган баъзи адабий парчаларни энди газета ва журналларга бериш масаласи ҳам адабиётимизда ҳалигача тузук бир йўл, яхши бир асар йўқлигини кўрсатмайдимми?!

Ўктабр инқилобидан сўнг борлиқ кўрсатган адабий оқим «жадид адабиёти»ни майдондан чиқариб ташлади. Бир неча йил ичида бир тўда ёш қаламларни кўпчилик назарига тақдим этди. Лекин бу янги ўзбек адабиёти ҳам биринчи даврда бутунлай миллий руҳ билан суғорилгани учун бебоклик йўлида ўсди. Бунинкор этиш, бу адабиётни пролетариат адабиёти дейиш, албатта, янглиш. Бу адабиётда кўб янгиликлар, кўб фойдали унсурлар борлигини қабул қилмаслик ҳам тўғри эмас. Биз бундан фойдаланишимиз керак. Яхши-ёмонни бир тўплаб чуқурга иргитиш зараргина беради...

...Мана бу ҳақиқатни эсда тутиб, эски ҳам янги адабиётимизни таҳлил қилишимиз ва ўзимизга керакли, фойдали унсурларини айириб олиб, қолганларини сўнгра чуқурга ташлашимиз керак. Кўб вақт биз бундай ҳаракат қилмаймиз. Шунинг учун ишимизнинг баракаси ҳам ҳар чоқ яхши бўлмайди. «Баракали» ҳаракат шу йўлда ишловчи кучларнинг тўпланиши, ташкил бўлиши яхшилангандагина тезланади. Бунинг тўғрилигини «жадид адабиёти»га гўр қазиган «Чиғатой гурунги» ҳам кўрсатади. «Чиғатой гурунги» ёш кучларни тўплаб ҳаракат қилди ва тилагига тез эришди. «Гурунг» йўқолгандан сўнг «янги ўзбек адабиёти» кўб янгиликларни борлиққа чиқармади. «Чиғатой гурунги» байроғи остига тўпланган кучлар икки катта тўдага айрилдилар. Бир тўда тилак, йўл ва шаклда «гурунг»га содиқ қолиб илгарилади. Иккинчи тўда бўлса, у тилакка ва у йўлга қарши чикди: янги йўл, янги шакл излашга киришди. Бироқ бу фикрда биринчи тўдадан бутунлай узоклашган бўлса ҳам, шу кунгача ўзбек адабиётида бошқа янгиликлар яратилгани йўқ. Бу тўда билан бир тилакда бўлган янги кучлар кўб. Лекин булар тарқоқ ҳолда бўлганлари учун адабиётимиз соҳасида кўзга кўринарлик иш қилгани йўқ. Ҳозир олдимизда турган муҳим вазифалардан бири шу ёш кучларни тўплаш, адабиётимизга муайян йўл белгилаш. Албатта, адабиётимиз пролетариат маданияти куришга хизмат қиладургани учун мафкура майдонидаги курашда ўз вазифасини бажариши, юқорида мисол учун келтирилган фикрга ўхшаган янглиш фикрларнинг томирларини кесиши керак. Шунинг учун «Қизил қалам»нинг тузалиши керак.

### **«Қизил қалам» борми?**

«Қизил қалам» ташкил қилинғонда суюнчлар, дуолар билан қарши олинғон бўлса ҳам, тездан борлиғи йўқлиғи билан тенг бўлиб қолди. Тўғри йўлдан адашганда сўкилди, тўғри йўлга киришка чақирилди. Бундай қолиш ке-

рак эди ва бундан сўнг ҳам керак. Бу каби танқид ишнинг ривожланишига йўл очади. Танқиддан кўрққан «дон» экмаслиги керак.

Бу ходисадан сўнг «Қизил қалам»нинг овоз чиқармай қолиши тўғридан-тўғри бу ходисага боғлиқ эмас. Агар унинг тузилганидан бошлаб танқидга учрагунча қилган ишларини кўздан кечирсак, сўнгги ойлар ичида бутунлай жимиб кетилишининг асл сабабини топамиз. «Қизил қалам»нинг биринчи даври «ҳа-ҳа» билан ўтган: келгуси учун яхши, каттиқ замин тайёрланмаган. Иш режаси тузилган, лекин режа шароитга, имкониятга тўғриланмаган. Тузук, кучли раҳбарлик бўлмаган, «йўк куч»га ишонилган ...

Ҳозир кўб кишилар «Қизил қалам» борми?» деган сўроқни берадилар. Бунга ҳам «бор», ҳам «йўк» жавобини бериш тўғри бўлади. «Қизил қалам» майда-чуйда ишларни секин-секин бажариб, тездан зўр иш бошлашга тайёрлик кўриб туради. Мана бу унинг борлигини кўрсатади. Бироқ, бундай «борлик» бундан сўнг ўзгармаса, «боридан йўғи, очидан тўқи» яхши бўлиб қолади. Шунинг учун «Қизил қалам» жиддий иш бошлаши, унумли ҳаракат қилиши керак.

### **«Қизил қалам» қандай қилса жонланади?**

«Қизил қалам» жамиятининг кераклиги, унинг аҳамияти тўғрисида жиддий нарсалар кўп ёзилди ва сўзланди. Энди олдимизда мавжуд «Қизил қалам»нинг ҳозирги ҳолини кўзда тутиб туриб, унинг жонланиши, кўпиши учун амалий йўллар кўрсатиш керак.

Менимча, «Қизил қалам» жамияти, энг аввал, ўз хатти-ҳаракатини белгиламаса бўлмайди. Бу, албатта, осон иш эмас. Пролетариат мафқурасидан четка чиқмайди, дейиш билан иш битмайди. Шу кунгача бу камчилик борлик кўрсатиб келган. Бунинг учун ва умуман «Қизил қалам» ишларининг тўғри бажарилиши учун яхши раҳбарлик ке-

рак. Бу нозик нуқтага тегишлик аҳамият лозимлигини шу «Қизил қалам»нинг ўтмиши ҳам кўрсатади.

Маълумки, «Қизил қалам» жамияти ўз теварагига ёш кучларни тўплаб, бир ғоя тузмагунча «хаёл кўки»да уча берди. Баъзи кишилар бу ишнинг «бизнинг шароит»да қийинлигини сўзлайдилар. Бу «бизнинг шароит» сўзи кенг бўлгани сабабли кескин монеларни айтиш керак. Лекин бундай қилинмайди. Менимча, бу давронинг акси ҳам тўғри: муҳитимиз, шароитимиз жуда мусоъада<sup>1</sup>. Масала фақат тўғри йўлдан иш бошлаб юборишдадир.

Мана бу ишларни вужудга чиқаришда Ички Русия, Татаристон ва Озарбойжондаги адабий ташкилотларнинг тажрибаларидан фойдаланиш керак. Бу йўлда «Қизил қалам»нинг ҳаракати бўлса ҳам, бу ҳаракат жиддий, фойдали бир йўлга кирган эмас. Албатта, улар билан алоқани яхшилаб иш қилиш фойдадан бошқа нарса бермайди.

«Қизил қалам» биринчи вақтда ёлғиз бир ерда бўлиши керак. Марказдан ўзга катта шаҳарларда бўлимлар очиш бироз кейин бўлмаса, илгариги каби бир нарса чикмайди. Кучни марказга тўплаб ишни ривожлантиргандан сўнг бўлимлар очиб, раҳбарлик қилиш мумкин. Шунинг учун бўлимлар масаласини биринчи галдаги масалалар қаторига қўйиш яхши эмас.

Журнал чиқариб туриш масаласи ҳам юқоридаги бўлимлар масаласига ўхшайди. «Қизил қалам» жамияти матбуотда борлигини кўрсатиб турмоқчи экан, «Маориф ва ўқитғувчи», «Ер юзи» ва бошқа журнал, газеталаримизда ўз нарсалари учун жой топа олади. Ҳозир «альманах» чиқариш билан кифояланса бўлади.

Бу ишларнинг бажарилиши учун қалам аҳллариининг жиддий қарашлари, жиддий иштироклари керак. Коммунист ва комсомол ёзувчилар бўлса, ўзларини бу ишда масъул санашлари керак. Чунки санъат ва адабиёт фронтини эътиборсиз қолдириш қатъиян ярамайди.

1927 йил

---

<sup>1</sup> Мусоъада – саодатли.

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИДАН СЎНГГИ ДАВРИГА БИР ҚАРАШ<sup>1</sup>

### Октябрь арафасида ўзбек адабиёти<sup>2</sup>

Жадидчилик ҳаракати Октябрь инқилоби арафасида ўз йўлини анча кенгайтириб олган эди. Ҳозирги Ўзбекистон жумҳуриятининг катта-катта шаҳарларида жадидлар ташкилотлари ўз борлиқларини кўрсатиб ишлашда жасорат қилиш даражасига эришган эдилар. Миллий сармоянинг талабларини тартибга солиб майдонга отиш учун имконият анча кенгайган эди.

Бу вақтда ўзбек адабиёти шу талабларнинг «таржимони» бўлиб борлиқ кўрсатиб турди. Жадидлар мактабларидан сиёсий, ижтимоий, маданий жабҳаларда курашувчилар тайёрлаб чиқаришни галдаги буюк вазифалардан санаганларидан жадидлар адабиётининг «бисмилло»си шунга бағишланди. Бу табиий ҳол.

Феодализм талабларини куйлайдирган ва унинг мавжудиятини мактайдирган «мадраса адабиёти»нинг мавқеини олиш, унга зарба бериш вазифаси бўйнида бўлган жадидлар адабиёти ҳар жиҳатдан ўзини тузуклашга мажбур эди. Бироқ бу йўлда у катта хизмат кўрсата олмади: гўзал, чуқур маъноли асарларни майдонга отолмади. Лекин миллий сармоя тилакларини тарқатишда катта ташвиқотчи бўлиб ишлади.

Октябрь инқилобининг арафасида мавжуд жадидлар адабиёти ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан «мадраса адабиёти» билан бир қаторда туролмади. Бу адабиёт усмонли ва татар адабиётининг изидан кетишга ҳар вақт уринди. Уларнинг таъсирларига бутунлай ютилиб кетишдан сира кўркмади, балки унга томон борди.

---

<sup>1</sup> Бу мақола ёзишга ўйланган каттароқ асарнинг 1927 йилда ёзилган тезислари эди (*муаллиф изоҳи*).

<sup>2</sup> Мақоланинг бу ва кейинги қисмларидаги айрим фикрлар бугунги қарашлардан тубдан фарқ қилади. Мақола муаллиф адабий-танқидий қарашларининг тадрижини кўрсатиш ниятида эълон қилинмоқда.

Илгарилар кўрқуб-пусуб «миллатнинг жаҳолати»дан зорланса, сўнгги вақтларда очикдан-очик миллат ва Ватан тароналарини юксалтира бошлади. «Ватан, ватан дея тандан жудо ўлур рухим...» каби шеърлар кўпайиб, тарқала борди. Албатта, бу ҳол миллий бойларнинг ўсиши, кучланишига қаттиқ боғланди.

Умуман, жадидлар адабиёти «мадраса адабиёти» ўтурган ўринга чиқиб ўлтириш даражасига етолмади.

### **Октябрь инқилобининг бошларида ўзбек адабиёти**

Октябрь инқилоби жадидларнинг самимий муҳаббатларига эриша олмаслиги табиий эди. Шунинг учун жадидлар адабиёти Октябрь инқилобини яхши қарши олмади.

«Санъат жамият ҳодисасидир» (Плеханов). Албатта, бу ҳодиса бирдан лўп этиб тап-тайёр ҳолда чиқиб қолмайди. Октябрь инқилоби ҳокимиятни пролетариат кўлига ўтқизиш билан жадидлар адабиёти бирдан йўқолиб, пролетариат адабиёти туғилмади.

Октябрь инқилобидан миллий бойлар ўз тилаklarини вужудга чиқариш учун фойдаланишга уринганларида, жадидлар адабиёти шу йўлда ҳаракат қилди. Усмонли турклари Туркистонга келиб, жадидлар билан қўлни қўлга бериб ҳаракат бошлаганларида бу жадидлар адабиёти яна ҳам ўз афтини очикроқ кўрсатди, илгаридан ҳам усмонли адабиётига яқинлашди, ҳатто тил ифодаларида усмонлилар таъсири кўрилди, туркчилик ғоясининг илдиз олиши учун бу адабиёт жиддий ишлади. Бу даврда татар адабиётининг таъсири йўқолиб кета бошлади...

«Миллат йўлидир, ҳақ йўлидир дутдиғимиз йўл, Ай ҳақ, яша, ай севгил миллат, яша, вор ўл» каби шеърлар мактаб болаларининг, бир тўда йигитларнинг оғизларида тўлқин урди. Ҳар вақт адабиёт миллат, Ватан деди; синфий курашга қарши нарсалар майдонга чиқди. Бу

даврда жадид адабиёти яна ҳам тубанлашиб кетди. Ўз отини ёзишни кечагина ўрганганлар ҳам адабиёт майдонида жавлон қилишга отландилар. Бунинг натижасида саноксиз бемаза шеърлар, ҳикоялар, сахна асарлари кўриниб йўқолдилар. Буларда узоқ борлиқ кўрсатиб туришга қудрат сира йўқ эди.

Бу адабиёт кенг меҳнаткашлар оммасининг ичига сингиш у ёқда турсин, унинг ёнига ҳам яқинлашмади. Кенг меҳнаткашлар оммаси бу шеърларга «афандимлар ашуласи» деб масхара назари билан қаради.

Жадидлар адабиёти у вақтдаги миллатчилик талабларига ҳам жавоб беришдан ожиз бўлди.

Юқорида айтилганча, меҳнаткашлар оммасининг четда қолиши миллий бойлар тилагининг вужудга чиқишида энг катта тўскин эди. Шунинг учун адабиётда ҳам янги йўл очиш мажбуриятини борлиқ кўрсатди.

«Чиғатой гурунги» жадидлар адабиётининг йўлини бузуқ топди ва оммага яқинлашиш учун чоралар излади, ҳақиқатан, ўзбек адабиётида анча янгиликларни вужудга келтирди. Бу, айниқса, тил, услуб, шакл масалаларида бўлди. Лекин мазмун масаласидан узоқ кетмади: «миллат, ватан» сўзларининг ўрнига «улус, юрт» сўзлари ишлатилди ва «Ай севикли миллат, яша, вор ўл» ўрнига «Турк эли, эй буюк эл, кўзинг оч!» шарқийлари тарқатилди.

Умуман, «Чиғатой гурунги» тарбиясида етишган янги ўзбек адабиёти миллатчиликни тарғиб этишдан узоқлашмади. «Чиғатой гурунги»нинг катта хизматларидан бири ёш қалам эгаларини тўплаб тарбия қилишидир. «Чиғатой гурунги»нинг ҳаракатлари усмонлилар таъсирида бўлган жадидлар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Бунга сабаб, «Чиғатой гурунги» ҳам синфий айирмага қарамади, буни у вақтда майдонга чиққан асарларидан очиқ кўриш мумкин.

Бу асарларнинг аксариятида маъновиюнлик ғояси талқин қилинади. Ҳар асарда модда «руҳнинг маҳсуло-

ти» каби кўрсатилади. Ишқ масаласида маъновионлининг учига чиқилади: энг гўзал асарлар деб ишқ, кўнгил, рух тўғрисида ёзилган нарсалар танилади.

«Чиғатой гурунги» теварагига тўпланган қалам ахллари орасида 1922 йилдан бошлаб икки тўдага айрилиш кўринади. Бир тўда эски миллатчилик йўлини кенгайтириб илгарилашда давом этса, иккинчи тўда «йўқсул эл» кўпчилигига томон ҳаракат қилади. Бу сўнгги оқим кишилари орасида «йўқсул элчилик» ҳаракати 1922 йилдан бурун ҳам оз-моз кўриниб туради. Бироқ бунинг айрим шакл олиб, миллатчилик куйчиларига қарши ҳаракати кейинроқ борлиқ кўрсатади. Орада бир қанча адабий тўқинишлар вужудга келади. Шуниси қизиқки, ўша даврдаги шўро матбуоти бу икки оқим курашига ба-равар кучоқ очиб туради.

Бу икки оқим «Чиғатой гурунги» ичидан чиқиб, атрофларига бир қанча янги кучларни жалб эта бошлади. Бироқ янги адабий кучларнинг ўсиши тартибли, яхши холда бўлмайди.

Миллатчи ёзувчилар тўдаси босмачилик ҳаракатини турли йўл билан мақтаб куйлашга ва босмачиларга шундай қилиб кўмак этишга киришдилар. Иккинчи тўда бунга қарши курашини давом эттириб, пролетариат мафкура-сига яқинлаша борди. Бу икки тўда орасида мутараддир қолганлар ҳам бор эди. Булар кўп вақт ҳалиги миллатчилар тўдаси томон оқардилар, лекин миллатчилар тўдаси каби фаол суръатда мунтазам ишламасдилар.

### **Сўнгги чоқларда ўзбек адабиёти**

Мафкура жихатидан соғлом адабиёт сўнгги вақтда куч олди. Янги-янги умидли кучлар ўзларининг ширин нарсалари билан адабиётимиз соҳасини безашга эришдилар. Лекин ҳалигача чин маъноси билан пролетариат адабиёти бизда вужудга чиққани йўқ. Пролетариат маф-кураси билан суғорилган асарлар анча бўлиб қолган бўл-

са ҳам қатъий бир шаклга кирган пролетариат адабиёти бизда бор, дея олмаймиз.

Бизнинг янги адабиётимиз мазмун жиҳатидан ҳали ёш, шакл жиҳатидан бўлса, излаш – тажриба давридадир.

*1928 йил*

## **ҚАНИ, КИМ БОР?**

Санъат ва адабиётимиз қақраб ётади, катталар эътибор бағишлаши керак, уларнинг улуғ аҳамияти эътиборсиз қарашга нафрат отади. Сустликка, ялқовликка ҳужум бошлаш керак. Кунлар бири-бири кетидан қаторлашиб ўтмоқда, ойлар ўзгармоқда, йиллар бошланмоқда... ёшлар улғаймоқда, янгилар туғилмоқда... талаблар ошмоқда, эҳтиёжлар тошмоқда... Ҳар томонда, ҳар жабҳада тинимсиз тебраниш, илгарилаш...

Суюкли ватанимизда улуғ ва эзгу иш қилиниб туради; жаҳонда икки зўр куч яшаш учун чопишиб юради, кўп томонда қон денгизи тўлқинлар уради. Тинчликни гангратиб ҳар томон суради... Қон денгизини мазлумларнинг, қулларнинг, меҳнат кўшинларининг кесилган кекирдақларидан, эзилган бошларидан, янчилган кўкракларидан, санчилган юракларидан оқиб тўпланган қонлар борлиққа кетирган...

Ҳозир жаҳон шундай, замон шундай!

Шундай замонда ҳар бир ўлканинг боласи ўз кучини яккалаб, аяб сақлашни ўзига ор билиши керак. Қайси жабҳанинг қайси бўлагида кучини фойдали ишга сарф қилишга қодир бўлса, шунда борлиқ кўрсатиш унинг улуғ вазифасидир.

Ҳамма жабҳалар бир-бирлари билан боғланганлар, бир жабҳадаги кучсизлик ўз таъсирини бошқа жабҳалардаги ҳаракатларга кўрсатади. Шунинг учун бир жабҳага ёхуд бир жабҳанинг бир бўлагига қўл силтаб эътибор этмаслик ўз зарарини беради.

Мафкура жабҳасининг муҳим бир бўлаги бўлган санъат ва адабиёт бизда орқада қолди, шу кунгача керакли эътиборга муваффақ бўла олмади. Санъат ва адабиёт аҳллари ўзлари ҳам бунга узоқдан қуш боқиши бағишладилар. Албатта, бу ҳолнинг узун умр кўришини истаган киши ҳозирги замонда бизнинг томонда бўлолмайди, кундан-кун ошмоқда бўлган эҳтиёжлар, ошмоқда бўлган талаблар санъат ва адабиётимиз саҳнасида парда кўтарилишини тўзумсизлик билан кутуб турадилар. Қани, ким бор?!

\* \* \*

Гўзаллик, гўзаллик деб фарди тўлқунланишдан ҳам гўзал санъат, гўзал адабиёт деб яқка завқланишдан, мутассир бўлишдан, қуруқ сўзлашдан кўп фойда чиқмайди. Ҳозир яратиш, тузиш замони; ҳозир янгилик туғдириш, эски ва чуруқ асосларни бузиш замони; ҳозир қақраган истақларни суғориш замони; ҳозир ярамас тилақларни йўқликка юбориш замони; ...тебраниш, яратиш керак замонида қилинган ишлар кўруқдан ўтди, ўзбек санъати ва адабиёти кучсиз ҳолда ўзини кўрсатди. Бу ҳол бу кунгача давом этган экан, бундан сўнг давом этмасин, дейилди. Чиройлик гап, яхши тилақ, қани, бунга ким қарши?!

Ҳозир янги маҳсулот керак, гўзал қаламлар маҳсулотининг юз очиши керак. Маҳсулот гўзал бўлсин, тотли бўлсин, кучли бўлсин; эски зарарли маҳсулларни йўқликка кўмсин; кўпчиликнинг, меҳнат қўшинининг диққати ва суйгисини ўзига жалб этсин. Янги маҳсуллар шундай таъсир қилсинларки, эски зарарли маҳсулларнинг излари ҳам кўпчилик кўнглидан кетсинлар. Албатта, бундай нарсалар яратиш, айниқса, бизда янги эмас. Айниқса, бизда, дедим, тўғри. Чунки бизда сўнгги чокқача санъат ва адабиёт дунёсидаги жараёнлар ўзларини кўрсатган эмаслар; ҳалигача бу тўғрида текширишлар, танқидлар бўлмаганлар, янги жараёнлар тўғрисида бизда

керакли нарса бўлмагани каби эски санъат ва адабиёти-миз тўғрисида ҳам ҳозиргача етарлик тузук нарса йўқ.

Санъат ва адабиёт масалаларига жиддий қараш – тах-лил қилиш керак.

«Аланга» – адабий бир журнал; бунинг бетлари юқорида айтилган маҳсуллар билан безалмакчи. Бу «Аланга» эски ҳарфларимизни ва адабиётимизнинг эски маҳсулларини янги замон ўтида ёниб кетмакда эканини ва янги ҳарфларда янги маҳсулларнинг нур отмоқда бўлганини кенг қўпчиликка кўрсатади.

«Аланга» ёш санъаткорларни, «қизил қалам»чиларни ўз теварагига чорлайди.

«Аланга» марҳаматли кучоғини ёш кучларнинг гўзал ва фойдали маҳсулларига кенг очади.

Қани, ким бор?

*1928 йил*

## **ТУРМУШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР**

Хотин-қизлар озодлиги масаласининг нақадар улуғ аҳамиятли эканини ишчилар синфи раҳбарларидан бирининг Кугельманга 1868 йилнинг 12 декабрида ёзган ёзувидаги шу сўзлари жуда яхши кўрсатади:

«Америка ишчилари союзининг сўнгги пленумида илгарига катта қадам босилгани шундан белгиликки, у хотин-қиз ишчиларга тўла тенглик берган. Тарихдан озгина хабари бўлган ҳар бир киши биладики, улуғ ижтимоий ўзгаришлар хотин-қизларсиз мумкин эмаслар. Ижтимоий тараққиёт хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи билангина ўлчана олади».

Янги дунё қуриш вазифаси бўйнида бўлган ишчилар синфи бу сўзларга эътиборсиз қараб илгарилай олмайди. Ишчилар синфи ёлғиз эркаклардан иборат эмаслиги ҳаммага маълум. Ишчилар синфининг эркаклар қисми хотин-қизларни қуллик занжирларига боғлаб қўйиб, янги ҳаёт қуришга киришмайди, кириша олмайди.

Август Бебель айтади: «Ишчи ва хотин-қизларни уларнинг иккиси ҳам мазлум бўлганлари бирлаштиради: хотин-қизлар бўлса, қулликка дучор бўлган биринчи махлуки башардир».

Бу сўзларнинг тўғрилигини кишилик тарихи жуда ҳам кўп далил ва хужжатлар ила исбот қилди.

Башарият тарихининг биринчи саҳифаларидан бошлаб текширилса, турли даврларда хотин-қизларнинг турли хил мавқе ишғол этганлари кўрилади, ҳар даврдаги иқтисодий шароит жамиятда хотин-қизларнинг ўринларини белгилаган.

Истихлосот кучларининг тараққиёт даражаси тубан бўлган бурунги кишилик жамиятида эҳтиёж билан имконият қарама-қаршилиги, яъни яшаш учун керакли нарсаларнинг етарли даражада бўлмагани яшаш учун курашишга кучи етмайдиганлар сонини камайтиришни – қариларни, касалларни ва ёш болаларни ўлдиришни вужудга чиқаргандир. Бундай ҳол ҳозирги вақтда ҳам баъзи халқларда кўрилади.

Баъзи бурунги ва ҳозирги маданий савияси паст халқларда қиз болаларнинг ўлдирилишига ҳам хотин-қизларни яшаш учун курашишда эркаклар билан баробар жисмоний куч сарф қилишга қодир эмасликлари асосий сабабдир. Мана бу кучсизлик орқасида хотин-қизлар эркаклар қўлида ихтиёрдан, ҳуқуқдан маҳрум бўла бошлаганлар.

Хотин-қизлар бора-бора қул сафига, мол қаторига қўйилганлар. Маданий савияси паст халқларнинг баъзиларида эркаклар хотин-қизларни юк ташувчи ҳайвонлар қаторида ишлатиб, ҳатто оч қолганларида хотинларни еганлари тўғрисида кўп нарсалар ёзганлар.

Каффри халқидан бирининг сўзича, «хотин эрининг ҳўқизидир; хотин сотиб олинган мол, мол бўлганидан кейин ишлашга мажбурдир». Хотинларга бундай қараш баъзи халқларда ҳам йўқ эмас. Эр хотинини ҳар нарса қилишга ҳақи бор, деювчи кишиларимизнинг назарияла-

ри билан баъзи халқларнинг хотин-қизларга қарашлари орасида зўр айирма кўринмайди. Хотин эрининг хусусий моли бўлганидан кейин унинг истиқболи ҳам ўз қўлида бўлмаслиги табиийдир. Австралиялиларда эри ўлган хотин уч кундан сўнг қайноғасига тегишга мажбурдир. Бизда ҳам кўп вақт эри ўлган хотинни қайноғасига берадилар. Ерли яҳудийларда бу ҳол яна ҳам ёмонроқ. Улар, масалан, 25 ёхуд 30 ёшли эридан кейин қолган хотинни эрининг ярим ё бир ёшли укаси 18 га киргунча сақлаб, сўнгра шунинг ихтиёрига берадилар.

Агар йигит хоҳламаса, бир қанча одатлардан сўнг, хотинга бошқа эр қилиш учун ижозат берилади.

Мана бу ҳоллар хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти тубан халқларда қандай эканини очиқ кўрсата олади.

Энди хотин-қизларнинг маданий аталган халқлар орасида тутган мавқеи юқорими, яъни уларда хотин-қизлар кул эмасмилар, сўроғига жавоб бериш лозим. Бунинг учун маданий ва мутараққий аталган бурунги ва ҳозирги халқларни кўз олдимиздан ўтказайлик-чи, қандай ҳол кўрамыз. Бугунги мисрликларнинг хотинларини хусусий мол қаторида кўрганлари белгили. Бурунги Ҳиндистонда бўлса, кўп маъбудалар – раққосалар (ўйинчилар) тўдалари мавжуд бўлиб, булар севганлари билан алоқа боғлаш вазифасини бажарардилар. ...Эрга тегмоқчи бўлган қизлар биринчи кечани шу маъбудалар билан бирга кечирishга мажбур эдилар. Бунга ўхшаш ҳужжатлар ҳамма халқларда топилади. Бу ҳужжатлар эса руҳонийларнинг парда остида қандай ярамас ишлар билан машғул бўлишларини кўрсатадилар.

Машхур нотик Демосфеннинг сўзлари бурунги Юнонистонда хотинларнинг аҳволи қандайлигини яхши кўрсатади: «Бизда кайфу сафо ҳам кундалик истифода учун маъшуқалар ва қонуний бола туғиш ҳам уйга қараш учун хотинлар бор». Бурунги Юнонистонда хотин-қизлар куллар билан барабар эди, дейилса ҳам мумкин.

Хотинлар ҳамма вақт парда ичида юради. Генегатис (ичкари) да яшардилар, бизнинг ўзбек хотинлари каби бе-

гона эркакларга кўринмасдилар. Эркаклар бўлса, бошқа хотинлар билан яшашга, истаганча кайфу сафо қилишга ҳақли эдилар. Қадимги римлиларда ҳам расмий хотин олишдан мақсад қонуний бола кўриш эди...

Энди назаримизни эски замонлардан янги замонларга бурсак, буржуазия ҳокимиятида хотин-қизларнинг чинакам озодликка чиққанини кўрмаймиз. XVIII аср охирида ҳам ўз хотинларини сотиш Англияда бор эди. 1797 йилнинг 12 июлида чиққан «Таймс» газетасида шундай нарсa ёзилган эди:

«Тасодифий кўрилмай қолганига ёхуд шуурий мушоҳадага биноан биз «Синфельд» ярмаркаси тўғрисидаги бўлимда хотинлар баҳоси қанча эканини билдиришдан ожизмиз...»

Мана шу бозорда хотинларнинг эрлари томонидан сотилишини Дюрен шундай тасвир қилади:

«Одатда эр бўйнига арқон боғлаган хотинни бозор куни қорамол сотадиган ярмаркага олиб келиб, ёғочга боғлайди ва керакли миқдорда кишилар йиғилгандан сўнг, ким кўп берса, шунга сотади...»

Капиталистларнинг хотин-қизларга қарашлари қандай экани белгили. Уларда ҳам хотин-қизлар эркаклар учун яратилган махлуқ бўлиб, эркаклар билан барабар ҳуқуққа эга эмаслар. 1902 йилда Германиянинг Гэллер шаҳариндаги клиникада ишлайдирган студентлар орасида юз кўрсатган воқеани Август Бебель шундай тасвир қилган:

«Биз (яъни, студентлар – Б.) хотин-қизларга клиникада ишлашга йўл берилмаслигини талаб қиламиз. Чунки тажриба кўрсатадики, хотин-қизлар билан эркакларнинг клиникада бирга ишлашлари тиббий маълумот манфаатига ҳам, назокат ва ахлоқ асосларига ҳам қаршидир».

Капиталистларнинг ўз манфаатлари йўлида ишчилар синфининг хотин-қизлар қисмини ҳам қандай оғир шароитда ишлашга мажбур қилганларини буржуазия ҳам инкор этишдан ожиздир. Капиталистлар мамлакатада

юқори синфларга мансуб хотинлар кўғирчоқ, паст синфларга мансублари эса кул ҳолидадирлар. Капитализм кишиларнинг ҳаммасига, шу жумладан, ҳамма хотин-қизларга чинакам эрк, бутун ҳуқуқ беришдан узоқдир. Капиталистларнинг мустамлака халқларини ва уларнинг хотин-қизларини истисмор – эксплуатация қилишда қандай усталиклар кўрсатганлари ва кўрсатиб туришлари яширин эмас.

Бундан икки йил бурун ёзилган бир мақолада Англиянинг Ҳиндистонда хотин-қизларга қандай қарашларини кўрсатадирган бир лавҳа тасвир қилинган эди. У мақоланинг тасвирича, Бомбей шаҳрининг энг катта кўчаларидан бирида қафасларга яланғоч хотинлар қамаб кўйилганлар. Қафасларнинг баъзиларида икки хотин, икки каравот ва баъзиларида бир хотин, бир каравот мавжуд бўлиб, хотинларга яқинлик қилишни истаган эркаклар пул тўлаб, ичкари кирар эканлар.

Мана бу ҳол назокат, ахлоқ тўғрисида фалсафалар со-тувчи буржуазиянинг сўзларидаги самимият ва софлик қандай эканини яхши кўрсатади.

Кишилик дунёсини қулликдан озод этадирган ишчилар синфигина хотин-қизларни чинакам эрка, чинакам бараварликка эриштира олади. Бунинг тўғрилигини биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

*1928 йил*

## **НАФИС АДАБИЁТ СОҲАСИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД**

Ўзбек нафис адабиёти ҳали ҳам асосли, системали танқидларни яхшигина сезгани ва унинг таъсирида муҳим бир тўда қадамларни босгани йўқ. Тузук, мафкура майдонидаги кураш адабиётимиз соҳасини ўтиб кетмади, бу – мумкин бўлмаган нарса. Лекин нафис санъат ва адабиёт кўпгина хусусиятлари тўғрисида оғизга оларлик бир нарса майдонга чиқмади.

Ўзбек адабиётининг кечган йўлига, ҳозирги ҳолига ва истиқболига назар солсак, тоғ-тоғ ишлар қилиш лозимлиги очикдан-очик кўринади. Ҳали Октябрь инқилобига қадар бўлган ўзбек адабиёти текширилгани, Октябрдан бошлаб шу чоққача қандай йўллар билан кетилгани ва ундан сўнг қандай йўллар билан кетиш кераклиги очик белгилангани йўқ. Мафкура жихатидан соғлом адабиёт бўлиши керак, дейиш, албатта, адабиёт масаласининг мажмуини ҳал қилмайди.

Ўзбек адабиётининг бу ҳоли эса ўз-ўзини танқид масаласига зўр аҳамият беришни талаб қилади. Албатта, танқид шу нуқтаи назардан бўлиши, камчиликларга, янглишларга қарши кўйилган ва тўғри йўл кўрсататурган бўлиши керак. Аммо кўп вақт бизда танқид масаласида бу муҳим нарса эсдан чиқарилади. Мунаққидларимизнинг баъзилари танқид қилмоқчи бўлган нарсаларни текширмасдан сўзга киришадилар. Албатта, бундай танқиднинг фойдасидан зарари кўп. Чунки, айниқса, илмий танқидлар таҳлилни, қаноат ҳосил қилишни талаб қиладилар. Бу сўздан ҳар бир мунаққид адиб ва шоир бўлсин, деган маъно чиқмайди.

Ўзбек адабиёти соҳасида кўрилган танқидлар кўп вақт бир томонли бўлиш қусурига эга бўладилар. Бир адиб, бир шоир текшириладиган бўлса, унинг ҳамма нарсалари яхши элақдан ўтказилмайди, замон ва макон масаласи баъзи чоқлар эсдан чиқарилади. Бундай танқидлардаги камчиликларни тўлдириш лозим бўлса, бу қилинмайди. Матбуотда кўрилган бир танқид ўзи якка қолиб, тез унутилишга маҳқум бўлади. Мана бу ҳол бизда ўз-ўзини танқид масаласи тегишли мавқега эга эмаслигини кўрсатади.

Адабиётимизнинг порлоқ истиқболи бу соҳада ҳам ўз-ўзини танқид масаласига жиддий аҳамият беришни талаб қилади. Бундай ҳаракатни бошлаш ва системали равишда илгарига суриш лозим.

*1928 йил*

## БУТУНИТТИФОҚ ЯНГИ АЛИФБЕ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ 2-ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНИ ЎРНИДА

Ҳозир лотин асосида бўлган янги алифбега кўчиш масаласи бизда ҳам бутунлай ҳал бўлди, десак бўлади. Араб алифбеси ислоҳ қилинсинми ёхуд янги алифбе қабул этилсинми устида жанжал кўтариб, вақт сарф қилиш даври ўтиб кетди. Ҳозир янги алифбени амалга ошириш, араб алифбесини мактаблардан, матбуотдан, ҳар ердан «хайдаб чиқариш» даври етди. Шундай ҳолни янги алифбе қабул қилинган жумҳуриятларнинг ҳаммасида ҳам кўрамыз. Буни Бутуниттифоқ Янги турк алифбе марказий қўмитасининг 2-пленими очиқ кўрсатди.

Шу чоққача ҳамма республикаларда ҳам араб алифбесининг «бандалар»и янги алифбега йўл бермаслик учун қўлларидан келганча тўсқинлик кўрсатиб келганлар. Лекин инқилобий ҳаракат тўлқинлари уларни ва уларнинг чурук даъволарини ағдариб, тўнтариб ирғитган. Уларнинг навбатдаги бу зарарли фикрлари кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан улар кутмаган суръатда қарши олинган. Бу ҳол маданий жабҳада ҳам нақадар илгари кетилганини ва янги алифбега эҳтиёж нақадар зўрайганини кўрсатади.

Бундан олти-етти йилгина бурун руҳонийлар ва уларнинг қуйруқлари араб алифбесини ислоҳ этишга ҳам қарши чиқиб, «Дод! Қуръон бузилади!» сўзларини юқори овоз билан айтардилар. Ҳозир булар, албатта, бутунлай йўқолиб кетмаганлар. Лекин овозларини чиқаролмайдилар, чунки меҳнаткашлар уларнинг алдашларини кўп кўриб, чиниқиб қолганлар. Жойи келса ҳали ҳам улар эски заҳарларини сочишдан қайтмайдилар. 2-пленим янги алифбе душманларига қатъиян йўл бермаслик кераклигини айтиб, бунинг учун меҳнаткашларни бу ишга бугунгидан ҳам яқинроқ жалб қилиш лозимлигини кўрсатди.

2-пленимнинг энг зўр тарихий ишларидан бири бутун турк жумҳуриятлари учун муштарак (унификация

қилинган) янги алифбени амалга ошириш бўлди. Муштарак алифбе биринчи пленумда қабул қилинган бўлса ҳам, 2-пленумгача баъзи бир жумҳуриятлар амалга оширмай келган эдилар. Озарбойжон янги алифбега кўчишда ҳамма жумҳуриятлардан илгари турмагани сабабли муштарак алифбени тездан амалга оширолмаган. Чунки Озарбойжон муштарак алифбе қабул этилганга қадар ўз янги алифбесига кўп меҳнаткашларни саводли қилган ва кўп асарлар нашр этган. 2-пленум айтдики, агар Озарбойжон муштарак алифбега ҳозирдан кўчмаса, сўнгра яна ҳам кўпрак қийналади. Чунки алифбеда саводдилар, асарлар кундан-кун кўпайиб боради.

2-пленум бир масалани ҳал қилмай кетди. У ҳам бўлса, бош ҳарф олиш-олмаслик масаласи эди. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ёлғиз бир турли ҳарф томонида, яъни бош ҳарф қабул қилишга қарши бўлдилар. Озарбойжон, Татаристонлар бош ҳарфни ёқладилар. Масала очик қолдирилди.

2-пленум янги алифбега кўчишда олинган тажрибалар билан ўртоқлашишга жумҳуриятлар учун катта имконият туғдирди. Ҳеч бир жумҳурият бошқа жумҳуриятларда нималар қилинганини ва нималар қилиш арафасида эканини билди ва бошқаларнинг муваффақият ва камчиликларини кўрсатди.

Ўзбекистон жумҳурияти янги алифбега кўчишда тўртинчи ўринда экани кўринди. Озарбойжон биринчи ўринда туради. Ҳамма жумҳуриятлар ҳам кўп иш қилганлар. Лекин олдиларида турган иш бажарганларига қараганда, бир неча марта каттадир. Ўзбекистонда янги алифбега кўчиш масаласи 1921 йил январида гапирилган бўлса ҳам, 1926 йилгача бу соҳада ҳеч амалий ҳаракат кўринмаган; шу вақтгача бир китобча ҳам босилмаган. 1926 йилдан бошлаб ҳаракат жиддий тус олди ва анча иш бажарилди.

2-пленумнинг зўр аҳамиятли ишларидан яна бири – ҳамма турк жумҳуриятларининг илмий муносабатла-

рини яқинлаштириш ва илмий ишларига эътибор жалб этиш бўлди. Албатта, бу кичик масала эмас, бу жумхуриятларнинг ҳаммалари ҳам бир ғоя, бир тилак йўлида ҳаракат қиладилар. Буларнинг ҳар бири мафҳуми пролетарники, шакли миллий бўлган маданият куриб турадилар. Бир-бирларининг тажрибаларидан, бойликларидан фойдаланишлари улуғ тилакни, юксак жамиятни куриш йўлидаги ҳаракатга куч беради.

*1928 йил*

### **ТИЛ ВА ИМЛО МАСАЛАСИ УСТИДА БИР НЕЧА СЎЗ**

Маданият жабҳасидаги ютуқларимизнинг кўплиги ишимизнинг озайганини ифода қилмайди, балки бу соҳага яна ҳам кўпроқ назар солишимизни, яна ҳам зўрроқ куч беришимизни талаб этади. Бу ютуқларнинг ҳар бири олдимизга тўда-тўда муҳим вазифаларни тўплаб қўйиб, буларни тезда бажаришни сўрайди. Белгиликим, биз бу вазифаларни бажаришга мажбурмиз. Бироқ буларни қандай, қай йўсинда, қайси суръат билан бажариш масаласи бор.

Давримизнинг маданий инқилоб даври аталиши вазифаларни бажариш суръатини таъминлайди ва қандай йўсинда бўлишини кўрсатади. Маданий инқилоб шиоримиз, албатта, буржуазия маданиятчилигига топинганимизни кўрсатмайди. Бизнинг маданий инқилобимиз билан буржуазия маданиятчилиги орасида бошлаб синфий мавҳум айирмаси бордирким, бу масалани ҳал қилишда асос бўлади. Бунинг худди мана шундай эканини амалий ишларимиз очиқ кўрсатадилар...

Меҳнаткашлар жумхуриятида меҳнаткашларни билимли қилиш, маданиятга эриштириш учун жуда жиддий ишланмақда эканини ҳамма иқрор этади. Бу йўлда биринчи муҳим масалани, алифбе масаласини ҳал қилдик, оз муддат ичида қоронғу қишлоқларимизга қадар янги

Ўзбек алифбосига эриштирдик. Бироқ олдимизда ҳали анча иш тўпланиб туради, бизнинг бу кунги ҳаракатимиз ва бу ҳаракатимизнинг суръати кўзлаган ишимизни белгиланган муддатда бажара олишга ишонч беради. Аммо бу ҳол бизни маст қилиши керак эмас. Қилган ишларимизга танқид кўзи билан қараб олишимиз ва камчилик, янглишишларимизни тузатишимиз лозим.

Яъни, алифбенинг муваффақияти билан бизнинг ишимиз тамом бўлмайди. Ҳозир халқимизда муҳим масала бўлиб тил ва имло масаласи туради. Бу тўғриларда кўп йиллардан бери гап, мунозара бўлса ҳам, тегишли ҳолга муваффақ бўлганлари йўқ. Бунинг, юз фоиз бўлмаса ҳам, ҳал этилишига интилишимиз зўр. Меҳнаткашларимизни саводини чиқариш иши нақадар аҳамиятли бўлса, тил ва имло масаламиздаги чатоқликларни ҳал қилиш ҳам бундан оз аҳамиятли эмасдир.

Биз муштарак алифбе қабул қилдик; тўққиз чўзғи олдик, бироқ жанжал бутунлай ешилгани йўқ. Тўққиз чўзғининг тилимиз учун озлигини даъво қилувчилар бўлгани каби, буларнинг кўплигини исбот этувчилар ҳам бор. Албатта, бу масалани «муштарак алифбедан четга чиқиш ярамайди» нуқтаи назаридан ҳал этишга тўғри келмайди. Озарбойжон ҳам муштарак алифбени бутунлай қабул қилишни рад қилган. Ўзбек тилининг хусусияти, тараққийси янги ўзбек алифбесиде бир қанча янгликларни тўлдиришни талаб қилар экан, мутаассиблик қилиш ярамайди. Биз, модомики, янги алифбе – ўзбек алифбеси, биринчидан, меҳнаткашларнинг саводсизлигини тез битиришга хизмат қилади ва шундай бўлиши керак, дер эканмиз, амалда ҳам шу томон боришимиз керак. Бир неча йиллик тажрибамиз ҳозирги тўққиз чўзғи омма учун сўнг даража оғирлик келтиришини кўрсатди. Албатта, зиёли, мунаввар табақа учун бу у қадар оғир эмас. Лекин биз тил ва имлони бу табаканинг монополияси, демаймиз, шундай бўлгандан кейин омма билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади.

Осориатика жонкуярлари учун тўққиз чўзгини камайтириш масаласи жуда зарбали бўлар, бироқ «осориатика» деб тараққий йўлини тўсиш қатъиян ярамайди. Ўзбек тилининг табиий ўсиши – маданият томон бориши қандайлигини яхши текшириш ва шунинг билан янги умумий тиллар тараққийсига назар солиш керак бўлади. Ўзбек тилини мана шундай текшириш ва сўнгра имло йўлларини белгилаш бизда шу вақтга қадар оқсаб келди ва оқсаб туради. Энди бунга жиддий қараш ва масалани илмий суратда ҳал қилиш керак.

*1928 йил февраль*

## **ҚУРУҚ СЎЗ ҚУЛОҚҚА ЁҚМАЙДИ**

Матбуотнинг ҳам мафкуравий қуроллардан экани тўғрисида етарлик исботлар майдонда бўлгани сабабли унинг умумий фалсафаси билан бу ерда машғул бўлмасдан, шунинггина айтамыз: тўда-тўда қийинчиликлар, оғирликлар, қарама-қаршиликларни кучоғида асраган даврда янги ҳаёт пойдеворини куриб турар эканмиз, бизнинг матбуотимиз ҳам мана шу ҳаётнинг акси бўлиш мажбуриятидадир. Албатта, бу жумладан ҳар бир ҳолни таҳлил ва танқидсиз матбуот юзида кўриниши керак маъноси англашилмайди. Маълумки, бизнинг ҳозирги ҳаракатимиз, суръатимиз қаршисида кўндаланг бўлиб турадиган ва супуриб ташланиши керак бўлган ҳоллар оз эмас. Мана буларни матбуотда акс эттирганимизда белгили соғлом танқид, соғлом таҳлил билан акс эттирсак, ҳаракатимизга, суръатимизга куч беради.

Матбуотнинг ҳар бир бўлаги ўз бўйнига бир қанча вазифани асос қилиб олади ва шу йўлда маълум мақсадга, маълум мафкурага хизмат қилади.

Нафис санъат ва адабиётни мафкурасиз олиш сира мумкин эмас эди. Ўзбекистонда ана шу соҳада ишловчи ва шу соҳани акс эттирувчи «Аланга» журналидан ҳам биринчи галдаги талаб унинг унинг мафкуравий соғломлиги

бўлиши, албатта, турган гап. Бунга ҳеч ким эътироз қилмайди ва қилолмайди. Бироқ мафкуравий соғломликдан бошқа талабларни ҳам унутиш қатъиян ярамайди. Ҳол шундай бўлгандан кейин ҳозирги муҳим маданий инкилоб шиори ёлқин отган замонда бу масалага жиддий эътибор бериш лозим бўлади. Фақат бу эътиборнинг куруқ сўзлардан, бемаза сафсаталардан иборат бўлмаслиги биринчи шартдир.

Бахтга қарши, «Аланга»нинг ҳаётида амалий кўникмалардан кўра, куруқ сўзлар унга кўпроқ тақдим этиладилар. Мана шунинг учун «Аланга» ўз олдига қўйган буюк вазифани мақтарлик даражада бажаришдан ожиз бўлиб келди.

Бизнинг нафис санъат, адабиёт соҳамизда ҳали ҳал қилинмаган масалаларнинг саноғи йўқ. Агар мисол учун театримизни олсак, бунда нималарни кўрмаймиз?! Бунда назарий жиҳатдан ҳали ҳеч нарса қилмаганмиз, агар қилган бўлсак, «мана мен» деб турмайдимиз?! Яхши, ҳаммага ҳам маълумки, бирдан «дунё яратиш» мумкин эмас. Аммо бу, узр, ҳозирги ҳолимизни оқламайди. Ва ҳаракат қилиш, ўсиш даври эшигимизни тўзумсизлик билан қоқиб турганини инкор қилмайди.

Албатта, нафис санъатнинг бир бўлагинигина олмаймиз, ҳаммасини оламиз. Тўғри, аввал умумий ва сўнгра махсус назарияларнинг, фикрларнинг бизда юз кўрсатиши зарур. Лекин буларда даврнинг илғор мафкурасига қарши чиқишларга парвосизлик қилиш қатъиян ярамайди. Буни ҳар чоқ эсда сақлаш лозим.

Энди гўзал ўзбек адабиётига келайлик. Бу соҳадаги ўсишимизни инкор қилмаслик билан бирга камчиликларимизни ҳам эътироф этишимиз бу сўнгиларнинг тузалишини таъмин этади. Гўзал адабиётимиз соҳасида ҳалигача ҳам етарлик даражада назарий бойлик ташкил этилган эмас. Аммо бу йўлда жиддий тўлғонишлар, тебранишлар кундан-кун ўсмакдадир. Мана бунинг йўлига жуда яхши диққат қилиш олдимиздаги муҳим вазифадир.

Адибларимизнинг, шоирларимизнинг яратган нарсалари устидаги мусобақаси, музокара-танқид, бир томондан, уларнинг тузалиши, ўсишига кўмак этса, иккинчи томондан, бошқаларга тўғри йўл очади. Мана шунинг ўзи ҳам бизда кучсиз ҳолда бўлган танқидни кучайтириш кераклигини сўзлаб туради. Бироқ адабий танқидлар ҳам объектив бўлсин, ҳиссиёт чирмандасига бўйсуниб ўйин тушиш сира ярамайди. Шунинг учун «Аланга»да ҳам жиддий танқид, таҳлил бобини жонлантириш зарур эканини иқдор қилиб қўя қолиш билан кифояланиш бўлмайди, амалий кўмак лозим.

«Аланга» журналининг жонланиши санъат ва адабиёт соҳасидаги кучларнинг диққатига боғлиқдир.

Қурук сўз қулоққа ёкмайди-ку, ахир.

*1929 йил*

## **ТИЛ ВА ИМЛО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЯКУНЛАРИ**

Жумҳурият тил ва имло конференцияси ўзбек адабий тилининг келажаги ва имлосининг бир йўсунга кириши учун лозим бўлган муҳим йўлларни белгилаб, ишини битиради. Бу конференция билан 1921 йилда чақирилган Биринчи ўзбек тил ва имло қурултойи солиштириб кўрилса, маданий жабҳадан қандай илгарилаганимиз ва тил-имло масаласига қандай илмий тўғри бормоқда эканимиз очик кўринади.

1921 йилдаги Тил ва имло қурултойи маданий юксалишимиз тарихида ҳар жиҳатдан муҳим ўрин олишга ҳақли бўлса, 1929 йил май ойида бўлган бу конференция ундан тубан ўрин олмайди. Балки ундан юқори ўрин ишғол қилади. Бунинг исботи учун буларнинг орасида чақирилган илмий кенгашлар, илмий маслаҳат мажлислари тўғрисида гапни чўзмасданоқ тўғридан-тўғри Тил ва имло қурултойининг баъзи бир ишларини эсга тушурсак ҳам етарлик бўлади.

Ҳужжатлардан оп-очиқ маълумки, 1921 йилда чақирилган Тил ва имло қурултойи олдида ўзбек адабий тили масаласида уч йўл борлиқ кўрсатарди:

- 1) чиғатой туркчасига тортиш;
- 2) жануб туркчасига тортиш ва;
- 3) шимол туркчасига тортиш.

Шу йилларда нашр этилган газета, журналлар ва китоблар бу оқимларнинг ҳаммасига ҳам хизмат қиларди, яъни қайси бир нарса қайси бир оқим кишилари қўлида бўлса, шу тилда босиларди ва оқимларнинг ҳеч бири ўзбек адабий тили тўғрисида гапирилганда, ишлаганда, меҳнаткашлар оммасини назарда тутиб, шу омманинг манфаати нуқтаи назаридан ҳал қилмоқчи бўлмасди. Шунинг учун буларнинг ҳаммаси тўғри йўлдан кетолмади. Шундай бўлуви ҳам табиий эди...

Чиғатой туркчасига тортувчилар араб, форс сўзларига қатъий уруш эълон қилув билан баробар эски чиғатойча сўзларни ҳам тергизишга маҳкам бел боғлаган эдилар. Қурултой олдида ва қурултойда энг кучли оқим мана шу эди. Бунга қарши шимол туркчасига тортувчилар қурултойда ўз юзларини яқин кўрсатиб чиқмадилар, аммо жануб туркчасига тортувчилар вакили бўлиб, қурултойга тасодифан суратда келиб қолган Мусо Жорullo чиқди. У «ислом миллати»нинг бирлиги учун араб, форс сўзларига қарши чиқув зарарли, деб бақирди. Ёнига панисломчиларми, қора гуруҳчиларми тўпланди, у қурултойда Қуръон кўтариб, янги имло, янги адабий тилга қарши фарёд қилганлар, албатта, Мусонинг чирик фикрларига осилиб олдилар. Бу табиий эди. Бунга қарши чиққан чиғатойчилар бу ҳаракат пантуркизмга тескари эмаслигини исбот қилмоқчи бўлдилар. Қандай бўлса-да, Биринчи Тил ва имло қурултойи ҳозирги мавжуд адабий тилимизнинг усулини бирмунча белгилайди.

Қурултойда жанжалларга энг кўп сабаб бўлган масала имло эди. Қурултой қарорларидан кўринадики, имломиз йўлини белгилашдаги энг муҳим асосларнинг кўпи

у ерда майдонга чиқарилган. Курултой ўзининг энг кўп эътиборини ҳаммадан кўп чет сўзларни қандай ёзиш масаласига бағишлаган. Араб сўзларини ўз имлоси билан ёзишга қаршиларнинг жанжаллари ҳамма вақтни бўшга юбориб, муҳим масалаларни миядан узоқлаштирган...

1929 йил май ойида қақирилган Тил ва имло конференцияси мамлакатимизда янги жамиятни қуриш ишлари чуқурлаштирилган, кенгайган ва оғирликлар кўндаланг бўлиб турган бир замонда ўзбек адабий тили истилоҳ, имло масалаларини қаради. Янги жамият қурув маданий инқилобни талаб қилатургани сабабли меҳнатқашлар оммасини биринчи навбатда тезлик билан саводли қилиш вазифаси кўндаланг туради.

Тил ва имло конференцияси ўзбек адабий тилининг принципларини белгилаганда, юқоридаги ҳолни эътибордан узоқлаштирмади. «Ҳозирга доғур яшаб келган ўзбек адабий тилининг энг катта камчилиги унинг меҳнатқашлар оммасидан узоқлигидир ва бундан сўнг ўзбек адабий тили меҳнатқашлар оммасига яқин, англашиларлик бўлсин», – дейилди. Мана шу муҳим принцип адабий тилимизнинг йўлини асосан тайинлади.

Конференция ҳозирги адабий тилимиз бундан сўнгги ўзбек адабий тилига асос бўлади, деди. Бу билан у ҳозирги адабий тилимиздаги камчиликларни ва уйғунликларни эътироф қилди. Бу принцип ҳозирги адабий тилимиз ёмон бўлса-да, борлигини инкор қилиб, янғидан адабий тил тузишга киришмак керак, дейдирган даъвога жавоб бергач, «жўқчил» каби, «йўқчил» каби ясама атамалар майдонга чиққан оқимлар ҳам ҳал бўлди.

Бу ерда кўрсатиб кетиш керакки, бу принцип бундан сўнг адабий тилимизда «жўқчил» аталган гуруҳдан кўп фойдаланишни, сўзлар олишни, сарф ва наҳв тузишларига эътибор қилишни вазифа қилиб қўйди.

Нега ҳозирги адабий тилимиз асос бўлади, дейилади? Чунки унинг эски тарихига қарамаганда ҳам Октябрь инқилобидан сўнг тарбияланиб ўсган ва саводли

меҳнаткашларимиз миясида ўрнашган ва ўрнашиб бормоқда бўлган бир тилдир. Майдонда бўлган бу борлиқни итқитиб ташлаб, янгидан бир тил яратишга қатъиян эҳтиёж йўқ. Пролетариат эски маданий борлиқдан жуда яхши фойдаланиб, ўз маданиятини қуради, эски маданиятнинг ёмон унсурларини ташлайди, яхшиларини ўзлаштиради.

Янги адабий тилимизда «отама», «уйимга» сўзлари билан бир қаторда, «отама», «уйима» шаклларининг қўллануви, «-ажак», «-ажак» келаси замон феълининг қўшимчаси бўлуви адабий тилимизни бой қилди, гўзал этди. Бундан бошқа бир тўда муҳим янгиликлар ҳам юқоридаги сўзларнинг тўғрилигини кўрсатадилар. (Конференция қарорига қаранг.)

Ўзбек адабий тилининг бундай суратда ҳал бўлуви истилоҳ масаласини ҳам тўғри ҳал бўлувини таъмин қилди. Истилоҳ масаласида ўзбек ва байналмилал истилоҳлар бўлди. Бундан сўнг араб, форс истилоҳлари олмаслик ва тилимизга кириб ўзлашиб кетмаган араб, форс истилоҳларини байналмилал истилоҳлар билан алмаштирув керак топилди. Байналмилал истилоҳлар қабул қилинганда, рус маданияти орқали уларнинг бизга келишига катта эътибор қилиш кераклиги таъкидланди.

Истилоҳ масаласи зўр илмий ва амалий масала бўлгани сабабли конференция белгилаган асосларга суяниб ишлаш учун марказий илмий муассасалар иштироки билан бир бюро тузиш керак саналди.

Конференция рўзномасидаги учинчи масала ҳам илмий суратда ҳал бўлди. Имло тузишда савтий ва сарфий принциплар қабул қилиб, ўзбек тилида сингармонизм борлигини эътироф этиш билан масаланинг муҳим қисми ечилди. Сингармонизм, юз фоиз бўлсин талаблари бўлса ҳам, мустасно қабул қилинди. Конференцияда чўзғилар масаласи устида гап бўлди. Бироқ на олти чўзғилар ва на ўн олти чўзғилар ўз фикрларини ўтқазмадилар. Адабий тил масаласидаги қарорлар ва ўзбек тилида сингармонизм борлигини эътироф қилув чўзғи қабул қилишни ҳал этдилар. (Имло қарорларига қаранг.)

Бутуниттифоқ янги алифбо марказий кўмитасининг учинчи пленуми бош ҳарфларни муштарак (унификация) алифбенинг муҳим унсури танигани ва бу муштарак алифбега ҳам янги алифбе қабул қилган жумҳуриятларнинг ўтишини мажбурий дегани сабабли конференция бош ҳарфларни қабул қилди ва бошқа жумҳуриятлардан ҳам муштарак алифбега тамоман кўчишни талаб қилди.

Бу конференцияда бошқа шўро жумҳуриятларининг илмий кучлари ва академик Самойлович, профессор Шчерба, профессор Поппе, профессор Чобанзода, профессор Абдурахмон Саъдийлар қатнашдилар. Бу ҳол, албатта, Ўзбекистон жумҳуриятининг маданий юксалишида муҳим ўрин олажакдир.

*1929 йил*

## **УЧИНЧИ ЙИЛ БЎСАҒАСИДА**

Ҳар бир асарнинг ўзига яраша тарихи, хизмати ва қиймати бўлади. Омманинг мутолааси назарий ва танқидий асарнинг оммавий қийматини тайинлайди. Албатта, бир фарднинг ўз хиссигагина, ўз тушунчасигагина қараб асарга берган қийматини мутлақ омма қиймати сифатида қабул эта берув тўғри бўлмайди. Шундай бўлгандан кейин ҳар асарнинг қийматини белгилашда анча чуқур фикр қилув лозимлиги шубҳасиздир.

Икки йилни тўлдириб, учинчи йилга қадам қўймоқда бўлган «Аланга» журналининг ҳам ўз тарихи ва ўз хизмати бор. «Аланга»нинг икки йиллик ишини соғлом хайрихоҳона танқид элагидан ўтказиб, келаси ишлари учун фойдали маслаҳат, кўмак берув кўндаланг туради.

«Аланга» журнали маданий инқилоб ўз талабларини кескин равишда олдимизга қўйиб, алифбемизда буюк ўзгариш ҳам тоза, янги нафис санъат ва адабиётимизда улғу юксалиш вужудга чиқарувни мажбурий қилиб турганда туғилди. У ўз юзини бутун Ўрта Осиёдаги янги алифбе ҳаракатида зўр роль ўйнаган 2-пленум (Бутуниттифоқ янги турк алифбеси марказий комитетининг 1928 йил январда Тошкентда бўлган 2-пленуми)да кўрсатди.

Нафис санъат ва адабиёт журнали «Аланга»нинг бўйнига биринчи кундан бошлаб катта иш юклатилган ва ундан, қандай йўл билан бўлмасин, шуни бажарув талаб қилинган эди. «Аланга»нинг нашри ўзбек янги алифбе марказий комитети Ўзбекистонда бошланган янги алифбе ҳаракатига озик берувда бир мажаллага муҳтож бўлгани сабабли ва «Аланга»дан бошқа журнали бўлмагани учун ундан биринчи навбатда, ўз ишини қилувни сўради. «Аланга» ҳар жиҳатдан аввал шунга жавоб берувга мажбур эди. Янги алифбе ҳаракати бутун турк жумҳуриятларини ўз қучоғига олиб, Ўзбекистондан Ўрта Осиё жумҳуриятлари орасида биринчи сафда бўлувни талаб қилиб турганда ва меҳнаткашлар оммаси янги алифбени ўз алифбеси санаб ҳаракат қилганда, душманлар бунга ҳам ўз қаршиликларини кўрсатмоқда бўлганда, албатта, «Аланга» журналининг бу соҳадаги вазифасини кичик, деб бўлмайди. Унинг бу йўлдаги ишлари камчиликларга эга бўлса ҳам, тақдир этилишга лойиқдир.

Бу вазифалар ёнига янги алифбе китоби бўлув вазифаси ҳам «Аланга»га юклатилган эдики, буни бажарув «Аланга» материалларини ҳар жиҳатдан (ҳажм, шакл ва бошқалар) маълум ҳолга қўйиш мажбуриятини туғдирарди.

«Аланга»нинг энг муҳим вазифаси нафис санъат ва адабиёт соҳасида эди. «Аланга» журнали биринчи навбатда, ўз теварагига инқилобий ёш санъаткорларимизни, адибларимизни ва шоирларимизни тўплашга тегиш эди. Бу ишни бажарув «Аланга»га жуда оғир бўлди. У истаган, мўлжалланган миқёсдан вужуди чиқмади. Бунга бир қанча субъектив сабаблар билан бирга бир неча зўр объектив сабаблар кўпрак таъсир қилдилар. Буларнинг асосийлари: 1. Эски алифбе билан чиқатурган газета ва журналлар томонидан адабий материал устида рақобат. 2. Ёш ёзувчиларимиздаги «янги алифбеда босилган нарсани ҳеч ким ўқимайди» каби фикрлар, журнални нафис бостирув учун имкониятнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалардан иборатдир.

Шундай қийин ҳолда «Аланга»нинг бойлиги аста-аста ўсиб келди. Агар биринчи йилдаги биринчи сонлар билан сўнги чокда чиққан сонларни чоғиштириб кўрилса, албатта, ҳар жиҳатдан юксалув борлигини ҳар ким ҳам иқрор этишга мажбур бўлади. Бироқ бу ҳол қатъиян қаноатланарлик эмаслиги маълум. Юқорида айтилиб, бир қисми кўрсатилган камчиликларнинг қисман йўқотилуви «Аланга»га катта ёрдам берди.

«Аланга» мафкура жиҳатидан ярамасми? Бу журналдан ҳам, албатта, биринчи галда мафкуравий соғломликни талаб қилув лозимлигини ҳеч ким инкор этмайди. Умуман олганда, юқоридаги саволга мусбат жавоб берувга ҳақлимиз. Мақолалар, ҳикоялар, айниқса, шеърлар орасида юз фоиз соғлом бўлмаганлари бор бўлса-да, маълум танбеҳлар босилганлар. Албатта, ёш ёзувчиларимизнинг «Аланга»да босилган асарларида турли камчиликлар кўп. Булар танқид этилиши керак эди ва керак. Бироқ, бахтга қарши, ҳозиргача мунаққидларимизнинг назарлари умуман «Аланга»га тушмади. Бу ярамас ҳолга қарши «Аланга» бир қанча марта «дод» деган бўлса-да, ҳалигача бир азамат кўринмади.

«Аланга»нинг камчиликлари жуда кўп. Буни журналнинг ўзи ҳар вақт айтади ва улардан қутулув учун кўмак сўрайди. Ҳозир унга амалий ёрдам керак.

«Аланга» учинчи йилга улугъ вазифаларни бўйнига юклаб киради. Янги алифбе ҳаракати мамлакатимизда зафар қозонган бўлса ҳам, «Аланга» янги алифбе учун курашдан ўзини бўшаган санамайди. Бу йўлда чуқур ишлаш унинг учинчи йили олдида туради.

Ҳозир хўжалик соҳасида олинган суръат маданият жабаҳасининг нафис санъат ва адабиёт соҳаларида ҳам йўлни, ҳаракатни, ўзгартувни қатъий талаб қилади. Нафис санъатимиз ва адабиётимиз теварагидаги тебранишларга кенг йўл очиб, бундаги камчиликларга, бузуқликларга қарши кураш очув ва нафис санъатимизни, адабиётимизни тўғри йўлдан тез, яхши ўсувига шароит, имконият

туғдириш лозим. Ҳали бу йўлда ҳеч иш қилганимиз йўқ, десак ҳам бўлади. Чунки қилинган ишлар жуда ҳам оз, жуда ҳам кучсиз. Аммо талаб жуда кўп, улуғдир. Мана шу вазиятда, албатта, «Аланга»нинг бўйнига енгил вази-фа тушмайди. «Аланга» мафкуравий соғлом, кучли нафис санъат ва адабиёт журнали бўлиши учун, энг аввал, ўзида ўзгариш ясаши керак. Ҳозирги кучи, ҳозирги йўли билан борса, буюк вазибаларни адо қилишда оқсаши аниқдир.

«Аланга» қандай бўлуви керак?

«Аланга» журнали меҳнаткашлар оммасининг адабий талабига мумкин қадар жавоб берувни, санъат ва адабиёт майдонига отилган ёш ёзувчиларнинг тўғри тарбияланиб ўсувига кўмак қилинув билан бирга адабий фронтдаги ёт унсурлар, ҳаракатларнинг моҳиятини оммага очиб бериб, уларга қарши курашувни ва санъат-адабиёт оламида тўпланган бадий бойликлар билан оммани таништириб, улардан фойдаланмоқ йўлларини кўрсатувни асосий вазибалари қилиб олуви лозимдир.

Бунга эришмоқ учун, бир ёқдан, журналнинг ичини, иккинчи ёқдан, журналнинг теварагини тузатув керак.

Учинчи йилда «Аланга» журнали тартибли суратда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан санъат ва адабиёт масалаларини ойдинлатиб боруви керак. Бу бўлим сўнг даражада муҳим ва масъулиятли бўлим бўлгани учун катта аҳамият берув лозим бўлади. «Аланга» ўқувчилари кўпчилигининг санъат ва адабиёт масалаларида назарий тайёрликлари етарли бўлмагани учун нафис санъат ва адабиёт назариялари ҳақда тартибли маълумот бериб боров жуда муҳимдир. Албатта, бу бўлим турли мувоҳасали назарий масалалар йўлини «Аланга»да тўсмайди. Балки уларнинг англашилтурган бўлувига, чуқур таҳлил қилинувига ёрдам беради. Маълумки, шу кунгача бундай нарсанинг йўқлиги ва умуман ўзбекча адабиёт ва санъат назарияларига оид кўзга кўринарлик асарларнинг мавжуд эмаслиги бунга катта эҳтиёж туғдиради. Шунинг учун «Аланга» журнали учинчи йилнинг бошидан

бошлаб бунга эътибор беришга тегишли. Маълумки, ҳар бир нарсани нашр этганда, керакли муқаддимани эсдан чиқармаслик лозим.

«Аланга»нинг яна ҳам тўла бўлуви учун Шарк ва Ғарб классик санъати ва адабиётидан ҳам «Аланга»да намуналар бериб бориш ва уларнинг синфий моҳиятини, қийматини таҳлил этиб борув жуда керакдир.

Журналда энг катта ўрин олуви керак бўлган бўлимлардан бири ёш санъаткор ва ёзувчиларимизнинг асарлари бўлса, иккинчиси танқид ва тақриздир. «Аланга»нинг икки йилдаги энг катта камчилиги мана шунда эди. Адабий асарлар, оқимлар тўғрисида асосли танқид ва тақриз матбуотимиздан умуман йироқда туради. «Аланга» бугун бунга жуда ҳам катта аҳамият беришга мажбур. Буни ҳозирги нафис санъат ва адабиёт соҳасидаги вазиятимиз қатъий талаб қилади.

Журнал – нафис санъат ва адабиёт журнали; юкоридаги вазифаларни у нафис ҳолда оммага тақдим қилуви керак. Шундай бўлгандан кейин унинг техника томонидан кўтарилуви, яхши расмларга эга бўлуви, яхши қоғозга эришуви, албатта, лозим.

Бу эътиборсиз қараладиган масала эмаслигини матбуот оламидан хабардор киши инкор қилолмайди.

«Аланга»нинг энди «тевараги» тўғрисида бир неча сўз. «Аланга»ни юксалтирув, яхшилов учун, албатта, унинг теварагига маълум миқдорда кучнинг тўпланган бўлуви шарт. Шу кунгача «Аланга» етарли кучдан маҳрум бўлиб келди. «Қизил қалам» унинг «суянган тоғи» бўлса ҳам, ундан етарли кўмакни ололмади.

Бу йил «Аланга» журналини «Қизил қалам»га боғлов керак. Бундан бошқа Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидаги, қишлоқлардаги ёзувчиларни «Аланга» теварагига ҳар жиҳатдан тўплов лозим. «Аланга»нинг пассивликдан активликка кўчуви қандай зарурлиги ҳар қадамда сезилиб туради. Агарда бу йил ҳам бу иш бажарилмас экан, «Аланга»нинг мақсадлари тамоман амалга

ошмаяжак. Маълумки, ёлғиз ўз кучимиз билан доvon ошолмаймиз. Шунинг учун бошқа жумхуриятлардаги, айниқса, ВАПП кучларини кўмакка чақирув керак.

Юқорида умумий кўрсатилган вазифаларни яхши ишлаб чиқиб амалга оширсак, «Аланга» журнали нафис санъат ва адабиёт соҳамиздаги улуғ вазифалардан бўйнига тушганини бажара олажакдир.

*1929 йил*

## **КАТТА ЙЎҚОТУВ**

Янги дунё курув учун синфий кураш қайнаган, чинакам ғайратли, тажрибали самимий курашчилар жуда керак чокда бундай курашчиларнинг биринчиларидан бўлиб орамиздан майдонга отилган ва ўз борлигини дўст ва душманга кўрсата олган ўртоғимиз Мирмуҳсин Шермухамедов сафимиздан йўқолди. Бу нақадар оғир, қайғили йўқотув бўлса ҳам бизнинг буюк ғоя йўлидаги ҳаракатимизга, ишимизга бузғунлик беролмайди. Янги-янги курашчилар етишиб турадилар ва улар Мирмуҳсиннинг қилган ишларидан, тажрибаларидан кенг суратда фойдаланиб, социализм курувга бор кучларини беражаклар.

Ўртоқ Мирмуҳсин Шермухамедовнинг оммага танилиши «муқоваси қалин Шарҳ мулла»га қарши буюк жасорат билан ҳужум қилганидан бошланади. Ҳақиқатан, 1917 йил бошларида – бойларнинг, муллаларнинг қўли узун бир вақтда, динни миллатчиликка қарши исён қилувчи оддий бир ҳаракат санаб бўлмасди. Буни пролетариатнинг синфий душманлари яхши англайдилар. Ўртоқ Мирмуҳсинни тошбўрон этув учун бутун кучларини сафарбар қиладилар. Бу воқеа бизим тарихимизнинг инқилобий ҳаракатлар саҳифасидан катта ўрин олуви керакдир. Ҳозир «муқоваси қалин Шарҳ мулла»ларнинг заҳаридан, «оқ салла, қора калла»ларнинг уяси мадрасаларнинг зараридан, бойларнинг, уламоларнинг зулмидан озод ўзбек меҳнаткашлари бу воқеани, албатта, унутмаяжаклар.

Ўртоқ Мирмуҳсинни тошбўрон қилиб, мажақлаш тилагига эришолмай қолган душманлар – пролетариат душманлари Мирмуҳсинни бу ҳаракатлари билан тўғри йўлдан оздиrolмадилар, курашдан уни тўхтатолмадилар.

У давомли суратда ўзбек қизил матбуотининг юксалиши, ўсиши учун хизмат қилди. Унинг имзоси газета бетларида кам кўринса ҳам унинг ўзи газеталаримиз идораларида доимий эди.

Ўртоқ Мирмуҳсин ўз соҳасида буюк, соф бир куч эди. Ўзбек ёзувчилари, мухбирлари ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳар еридан етишиб социализм қуруви йўлида буюк ғайрат билан ишламақдалар. Буларнинг бу ҳаракатларини кўрган Мирмуҳсин, албатта, суюнади. Чунки унинг ўзи ўзбек ишчи-деқон мухбирларининг биринчиларидан эди. Ишчи-деқон мухбирлари тинмай-толмай ишловлари билан Мирмуҳсинни ёддан чиқармаган, ҳурматлаган бўладилар.

Мирмуҳсин ўртоқ энг сўнгги вақтда «Батрак» газетасининг масъул муҳаррири бўлиб ишларди.

Ўртоқ Мирмуҳсин 1901 йилда Тошкентда камбағал бир оилада туғилиб, 1929 йил 2 августда йиқилиб орамиздан йўқолди.

*1929 йил*

## **ИККИ КЕЧА**

«Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига», деган эл сўзи бор. Бунга маъно беришдан сақланган чоқда бу мақол қуруқ сўз бўлмасдан, кўпгина тажрибалар натижаси эканини кўрамиз. Жиддий текширишларнинг кўрсатишига қараганда, кишилар муҳит мевасидирлар. Муҳитдаги ҳар ҳолат меваларнинг табиатларида ўз таъсирини қолдиради. Шунинг учун кишилар муҳитларидаги ҳар нарса ва унинг сирларини тез англай оладирлар. Юқорида ёзилган «эл» сўзининг юрагини очиб қарасак, содда нафосат чечакларига ўралган ҳолда кўрамиз. Бунинг исбо-

ти учун узоқлардан мисол излаш керак эмас. Кечагина шаҳримизда ўқувчилар томонидан ясалган икки адабий кеча бунга кучли мисол бўла оладир.

Кафказ чолғучи уйирида ўйнаб ўсган йигит оёқларини ихтиёрсиз ҳаракатлантиришга муваффақ бўлгани каби, ўзбек куйи ва чолғуси ҳам ҳар бир ўзбек юрагини тўлқинлатадир. Масалага бундай қараш миллий ҳисдан туғилган нарса, дейиш янглишдир.

Ўзгаришнинг биринчи даврида турли таассурот билан элга тақдим этилган Оврупо мусикаси ва усмонли куйлари узоқ яшай олмадилар. Чунки булар нашъали этган муҳит бизники билан бир даражада, бир тусда бўлмагани каби, ижтимоий ҳолатимиз ҳам улар чиққан ўринга чиқолмаган эди.

У нарсалар биринчи кунларда кишилар диққатини жалб этдилар. Чунки янги эдилар. Ҳар бир янги нарсанинг биринчи даври шундай кучга эга бўлиши табиий ҳолат.

Мана, бу ҳам кўрсатадурким, ҳар бир янгилик иқтисодий, сўнгра ижтимоий ҳолатнинг ўзгаришига қараб ўрин ишғол эта оладир.

Фанний саёҳат тилаги билан Тошкентдан Фарғонага йўл олган бир тўп ёш ўқувчилар («Навой» техникуми билан «Намуна» мактаби ўқувчилари) Қўқонда икки адабий кеча ясади. 1 августда бўлган биринчи адабий кечага кўп кишилар келмади. Бунинг учун халқни айблаш – янглиш. Чунки сўнгги кунлардаги тузсиз концертлар халқни театру кўчасидан ўтганда ўйлаб қадам босишга мажбур этган эди.

Бу кун саҳнада «қўйилган» икки асар ҳам инқилобий эди. Асарлардаги етишмовчиликлар, айниқса, ўйналишдаги камчиликлар тўғрисида ҳозир сўзламаймиз. Чунки булар бутун кучларини шу ишга берган кишилар бўлмай, ҳаваскор мактаб ўқувчиларидирлар. Томошачилар руҳида чуқур из қолдирган кечанинг концерт бўлими бўлди. Парда очилгандаги саҳна кўринишининг ўзи юракда аллақандай тўлқин туғдирган эди. Танбур, дутор бўйла-

ридан ҳам кичик бўйли болалар эски таъсирли куйларни узайтирган сари юрак тўлқинлари кучая боради...

Ашулачилардан Саидазим ўзининг ёш, дардли овози билан сезги сингирларини ларзага келтирди. Кичик оғзидан тўлқинланиб чиққан ўзбек куйлари кўп кўзлардан ёш чиқаришга муваффақ бўлди. Бу сўзларнинг тўғрилигини табрик учун томошачилар орасидан сахнага чиққан бир ўртоқнинг ҳолати билан Ҳамзахон томонидан Саидазимга тақдим этилган олтин узук кўрсата оладир.

Халқнинг сўраши бўйинча 11-да бу кеча яна қўйилди. Бунда халқ кўп эди. Концертдан илгари кино қўйилиши кўп келишмаган иш бўлди.

Баъзи ўртоқлар халқни театруга яқинлашмаганидан зорланиб, айбни халқ устига қўймакчи бўладирлар. Масалага жиддий қаралса, айб ўзга томонда экани очик кўринадир. Халқни театруга жалб этмоқ учун унинг табиатига яқин, тушуниш осон бўлган нарсаларнинг сахнада борлиқ кўрсатиши керак. Бу бўлмас экан, Оврупонинг «ғарт-ғурт» мусиқаси, Туркистоннинг «вағ-вағ» карнайи билан киши тўплай билмайдир.

Шунинг учун сахнамизга, умуман, санойи нафисамизга ҳозиргидан ҳам яхши назар солиш керак бўладир.

Бу миллий мусиқа тўдаси каби уюшган нарсаларимизнинг тарқалиб, йўқолиб кетмаслиги ва Саидазим каби умидли болаларимизнинг тузук ерлардаги тарбиядан маҳрум қолмасликлари кўпчиликнинг тилакларидир.

*1929 йил*

## **БИР-ИККИ СЎЗ**

Ҳар бир шоир, ҳар бир адибнинг озми-кўпми ўзига яраша хусусиятлари бўлади. Бироқ бу хусусиятларни бир-икки шеър, бир-икки адабий парчага қараб кескин белгилаш тўғри бўлмайди. Негаки, бу хусусиятлар эгасининг ўсиш давлари ҳар вақт ўз изларини унинг асарларида қолдирмасдан қўймайдилар. Шунинг учун ҳар бир

шоир, ҳар бир адибга баҳо беришда кенг ва чуқур таҳлил қилиш баҳонинг тўғрилигини таъминлайди.

Ёш шоиримиз Ойбекнинг бу «Кўнгил найлари» ҳам «Туйғулар»и билан бирлашиб, унинг қаердан бошлаб қай томонга қандай илгарилаётганини белгилашга – шоирнинг хусусиятларини аниқлашга жуда катта кўмак қилиши каби ёш адабиётимизнинг қандай бойликларга, қайси камчиликларга эга эканини очишга ҳам ўз кучини беради.

«Туйғулар» эгаси Ойбекнинг «Кўнгил найлари» масрурлик осмонида парвоз эттирадиган куйларини жуда ҳам кам бахш этади. Ойбек бу асарини ҳам номлашда янглишмаган. Унинг «Туйғулари» бу асарнинг «Кўнгил найлари» бўлишини таъминлаган. Лирик шоир Ойбек бир вақтлар:

*Кўлимда бир кичик соз  
Пардасидан баъзан оз  
Титроқ, сўник бир овоз  
Кўлкаланиб учади, –*

деган бўлса, ҳозир ҳам шу куйига анча содиқ қолади. У ҳали ҳам кўп вақтда кўлидаги созни кичик ва бу содан чикқан овозни титроқ, сўник ва нурсиз кўлкаланиб учадиган, деб ҳисоблайди. Бунинг тўғрилигини билмоқчи бўлганлар «Кўнгил найлари»га кулоқ солсинлар. Шоир Ойбекнинг «Кўнгил найлари» аксилинқилобий тароналар куйламайди. Лекин чин марксистлар кўзини катта очиб қараганда, анча-мунча етишмовчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу ёш шоир қайғуларини, кўз ёшларини, вайронларни тезда яхши ҳис этади. Бирок, ҳалигача буюк-буюк муваффақиятларни, музаффариятларни, тўлқинли севинчларни ўзлаштириб куйлолмади, унинг инқилобий, турмуший шеърлари «кўз ёшлари», «кўнгил сирлари» қаршисида жуда кучсизлар.

Ойбекнинг бу «Кўнгил найлари» кенг майдонга чиқиши фойдасиз, дейиш бутунлай хато. Бу ҳам ўз йўлида

фойда беради. Бу асар соғлом танқидлар назарини ўзига жалб этиб олса, Ойбек учун ҳам, бошқа ёш ёзувчиларимиз учун ҳам кўп фойда келтиради.

Ойбек ҳали ёш шоир. Унинг бу нарсалари – тажриба мевалари. Унинг чиройли, ўткир қалами бора-бора ўсади, яхшиланади ва гўзалланади. Бундай дейишга ҳақсиз эмасмиз. Меҳнаткашлар турмушига, яратишига чуқурроқ қараши ва қаламининг жиловини шу томонга тезда буриб юбориши лозим бўлади.

*1929 йил*

A rectangular decorative border with a repeating floral and geometric pattern, enclosing the central text.

*Таржима*





**А.П. Чехов**

**ВАНЯ**

(ҳикоя)

*Антон Павлович Чехов 1860 йилда, Русияда «деҳқонлар қуллиги» бекор қилинишидан бир йил бурун қул деҳқон оиласида дунёга келган. Чехов 1904 йилда, 1905 йил инқилобидан бир йил аввал ўлди.*

*Адиб бўлажак кишининг отаси сут дўкони очди ва ўғлини баққол қилмоқчи бўлди, аммо Чехов ўқишни истарди. У мактабдан олинмаслигини онасидан илтимос қилди.*

*Чехов дўхтирлик мактабида ўқиган бўлса ҳам бошқа йўлга кириб кетди: ёзувчи бўлди. Чехов турмушга тўғри кўз ташлай оларди. Инқилобгача бўлган турмушининг, айниқса, оғир томонларини у қаттиқ ҳис этарди ва тасвир қиларди.*

*Ҳозир биз ўқиган Ванька Жуковнинг ҳоли ёзувчининг ўзига жуда яхши таниш эди. Хўжайинларнинг ихтиёрларига берилиб қўйган шундай етимларнинг хаёлларига узоқ вақт кўз солиш у ёзувчига кўп тўғри келган. Ҳуқуқсиз яшаш, уруш, судраш, чимчилаш – шуларнинг ҳаммаси ёзувчини қаттиқ қийнади. Шунинг учун у Ванька Жуков сингари кичик, кўзга кўринмайдирган кишиларнинг турмушини тасвир қилади.*

*Ванька қутулишни саводда кўради. У на бобосининг олдига бора олади ва на дардини айта олади. Мана шу вақтда Ванькага саводлилик ёрдам беради. У бобосига хат ёзиб, қишлоққа қайтарилишини сўрайди.*

*Бироқ Ваньканинг саводи етарли эмасди: у шаҳарларнинг отларини ҳам, почта қоидаларини ҳам билмасди.*

*Ваньканинг хати, шундай қилиб, бобосига етишмади. Хат етишганда ҳам унинг ярим тиланчи бобоси неварасига кўмак қила олиши маълум эмасди. Бойлар Ванькани шаҳарга қайтариб юборадилар.*

*Шундай қилиб, боёқиш Ванька ўз хўжайинида оч, яланғоч, кеча-кундуз ишлашга мажбур, таёқ ейишга, судралишга маҳкум бўлиб қолди.*

Уч ой илгари этикчи Аляхинга шогирдликка берилган 9 ёшли Ванька Жуков рождество арафа кечаси ухлаш учун ётмади.

У хўжайинларни ҳам халфаларни бутхонага кузатиб, хўжайиннинг шкафидан сиёх, занглаб қолган пероли қалам олди ва ғижимланган қоғозни олиб, ёзишга киришди.

Биринчи ҳарфни қоғозга туширишдан бурун у кўрқинч ичида бир неча марта эшикларга ва деразаларга кўз солди, икки томондаги товчаларда ёғоч қолиплар терилган қоронғу Исо суратига қийшайиб қаради ва титроқ «ох» тортди. Қоғоз курси устида ётарди, унинг ўзи эса курси устида тиз чўкиб турарди.

«Азиз бобом Константин Макарич! – деб ёзди у. – Сенга ёзув ёзаман, сени ҳайит билан қутлайман ва Худодан сенга ҳамма нарсани тилайман. Менинг отам ҳам, онажоним ҳам йўқ, ёлғиз сенгина менга қолдинг».

Ўз шамининг акси милтиллаб турган қоронғу деразага Ванька кўзини йўналтирди ва Жияваровлар деган бойларда кеча қоровули бўлиб хизмат қиладурган ўз бобоси Константин Макарични дарров тасаввур қилди. Бу киши кичкина, қотма, бироқ жуда ҳам чаккон ва жонли, ҳамма вақт кулиб турадирган юзли ва маст кўзли 65 ёшга кирган чолдир.

У кундузи ошхонада ухлайди ёхуд оқсочлар билан ҳазиллашади, кечаси бўлса, кенг пўстинга ўралган ҳолда бой уйининг атрофида юради ва шақилдоғини уради,

унинг кетида бошларини энгаштириб Каштанка исмли қора қанжиқ ва Вьон отли кучук юрадилар. Бу итнинг ранги қора ва узун бўлгани учун унга Вьон деган от берилган.

Бу Вьон жуда ҳам эҳтиром этувчан ва ёқимли, ўз кишиларига ҳам, ўзгаларга ҳам барабар юмшоқлик билан қарайди, бироқ ҳеч кимнинг ишончидан фойдаланмайди. Унинг эҳтиром этувчанлиги ва итоатлиги остида жуда зўр иезуитлик<sup>1</sup> заҳари яшириниб ётарди. Ўз вақтида секин яқинлашиб оёққа ёпишишни, совуқ ерда сақланиб кўйилган нарсани олишни ёхуд деҳқон товугини ўғирлашни ҳеч ким ундан яхши билмасди. Унинг кейинги оёқларини бир неча марта майиб қилганлар, уни икки марта осганлар, ҳар ҳафта чала ўлик қилиб урганлар, лекин у ҳар вақт тузалиб келган.

Балки, энди бобо дарвоза олдида тургандир, қишлоқ бутхонасининг нурли қизил деразаларига кўзини қисиб қарайтургандир ва наMAT маҳси билан ерни топтаб, хотин-қизлар билан ҳазиллашмакдадир. Унинг шақилдоғи белбоғига боғланган. У чапак чалади, совуқда уюшади ва қариларча кулиб, дам ходимани, дам ошпаз хотинни чимчилайди.

– Бурнаки чекиб олайликми? – нос қовоғини хотинларга тутиб сўзлайди.

Хотинлар ҳидлаб акса урадилар. Бобо тасвир қилиб бўлмайдиган даражада хурсанд бўлади ва шодлик кулгилари билан қичқиради:

– Тўнган, юлиб ол!

Бурнакини чекиш учун итларга ҳам берадилар. Каштанка акса уради, тумшуғини силкийди ва хафаланиб четга кетади. Вьон бўлса эҳтиром юзасидан акса урмайди ва думини қимирлатади.

---

<sup>1</sup> *Иезуитлик* – жуда золимлик билан машҳур бўлган католик руҳонийлари.

Кун эса жуда яхши. Ҳаво тинч, тиниқ ва тоза. Кеча коронгу, аммо бутун кишлок ўзининг оппоқ томлари ва мўркондан буралиб-буралиб чиқмоқда бўлган тутунлари билан очиқ кўрингани каби қировлар остида кумуш сингари бўлган ёғочлар ва қор тўпламлари ҳам кўриниб турадилар. Кўк юзи суюниш ила милтираб турган юлдузлар билан тўлган ва сомон йўли шундай соф ҳолда кўринадики, худди байрам олдида қор билан ювиб артилганга ўхшайди...

Ванька бир хўрсинди ва перони сиёҳга ботириб, ёзувни давом килдирди:

«Кеча менга жазо берилди. Хўжайиннинг боласини бешикда тебратиб ўтириб ухлаб қолганим учун хўжайин ховлига сочимдан тортиб чиқарди ва косов билан савалади. Ана у ҳафта хўжайиннинг хотини тузланган балиқни тозалашни менга буюрди. Мен балиқнинг куйруғидан тозалай бошладим. У тузланган балиқни олиб, унинг тумшуғи билан юзимга ниқтади. Халфалар менга куладилар ва мени ароқ олиб келишга ҳам хўжайин уйдан бодринг ўғирлашга буюрадилар. Хўжайин бўлса нима дуч келса, шу билан уради. Овқатдан сира дарак йўқ. Эрталаб куруқ нон, туш вақтида шавла, кечқурун яна куруқ нон берадилар. Чой, шўрвани хўжайинларнинг ўзлари жиғилдонларига соладилар, мени йўлакда ётқизадилар ва уларнинг боласи йиғласа, мен сира ухламасдан, алла-лаб чиқаман. Жон бобо, менга раҳм қил, бу ердан мени кишлокқа олиб кет, бу ерда қолишга сира тоқатим йўқ, оёғингга юзимни суртаман, мени бу ердан олиб кет, бўлмаса ўлиб қоламан...»

Ванька лабини бурди, қора муштуми билан кўзларини артди ва ўкради.

«Мен сенга тамаки эзиб бераман, – у ёзувини давом килдирди. – Агар ёмонлик қилсам, дўппосла, агар менга иш йўқ, десанг, хизматчиларнинг этикларини тозалашни сўрайман, ё бўлмаса, Федька билан бирга пода боқишга

бораман. Бобожон, сира мумкин эмас, ўлимдан бошқа нарса қолмади. Пиёда қишлоққа қочмоқчи эдим, этгим йўқ, совуқдан кўркаман. Катта бўлганимда, худди шу ишинг учун сени боқаман, ҳеч кимга хор қилмайман ва ўлганимда худди онам Пелагея қаторида руҳингга фотиҳалар ўқийман.

Масков бўлса катта шаҳар. Уйларнинг ҳаммаси бойларники, отлар ҳам кўп, лекин кўй йўқ, итлар ҳам қопадирган эмаслар. Бир кун мен бир дўконнинг ойнасидан қараб сотиладурган қармоқларни кўриб қолдим; ҳар хил балиқлар учун қилинганлар. Шундай қармоқ ҳам борки, бир пуд балиқни ҳам тута олади, яна шунақа дўконлар кўрдимки, у ерларда ҳар хил милтиқлар сотар эканлар, буларнинг ҳар бири юз сўмдан бўлса керак... Қассобларнинг дўконларида ҳар хил парранда, қуёнлар бор; лекин қаердан тутиб келтирганларини хизматчилар айтмайдилар.

Жон бобо, бойларнинг уйида арча байрами бўлганда, мен учун битта тиллага бўялган ёнғоқни олиб кўк сандиққа яшириб қўй. Ольга Игнатовна опадан тила, Ванька учун, де».

Ванька тўлқинли «оҳ» тортди ва ойнага тиралиб турди. Бобоси бойларга арча олиб келиш учун ўрмонга ҳар вақт боришини ва неварасини ўзи билан бирга олиб кетишини у эсига туширди. У вақтлар яхши вақтлар эди! Арча кесишдан бурун Ваньканинг бобоси носни чекиб, бурнақини узоқ ҳидлаб, совуқ еган Ванькани масхара қилиб оларди... Қировларга ўралган ёш арчалар қимирламасдан турардилар ва қайсиларига ўлиш гали келганини кутардилар. Аллақайдан қуён пайдо бўлиб, қор тўпламлари устидан ўқдай ошиб ўтади... Бобо шунда қичқирмасдан қололмайди.

Ушла, ушла... ушла! Вой, калта дум шайтон!

Бобо кесилган арчани бой уйига олиб боради. Бой уйида бўлса, бу арчани ясатишга киришардилар... Вань-

канинг суюклиси Ольга Игнатъевна опа ҳаммадан ортик ҳаракат қиларди. Ваньканинг онаси Пелагея тирик бўлиб уйда ходима экан вақтида Ольга Игнатъевна Ванькага попуқлар берарди. Қиладурган иш бўлмагани учун мана шу опа ўқиш-ёзишни, юзгача санашни ва ҳатто ўйинга тушишни Ванькага ўргатган эди. Пелагея ўлгандан кейин етим Ванькани ошхонада яшайдурган бобосининг ёнига юбордилар, сўнгра ошхонадан Москвадаги этикчи Аляхинга жўнатдилар...

«Бобожон, бу ерга бир кел, – ёзувни давом қилдирди Ванька: – Кўп-кўп дуо қиламан, мени бу ердан олиб кет. Мен етимчага сен раҳм қил, бўлмаса, мени ҳаммалари урадилар. Жуда очман. Бу ерда айтиб бўлмайдурган даражада зерикиш бор, ҳамма вақт йиғлайман. Бир кун хўжайиним қолип билан бошимга шундай урдик, зўрға хушимга келиб, йиқилган еримдан турдим. Умрим эссиз ўтади. Кўрган куним ит кунидан ҳам ёмон... Яна Алёнага, қийшиқ Егорга ҳам аравакашга салом юбораман, менинг нағмамни ҳеч кимга бериб юборма!

Сенинг неваранг: Иван Жуков.

Жон бобо, бир кел».

Ванька ёзилган варақани тўрт буклаб, бир кун бурун бир тийинга сотиб олган конвертга солди... Озроқ ўйлангандан кейин перони сиёҳга ботириб, адресни ёзди:

### *«Қишлоқдаги бобомга»*

Сўнгра бошини қашиди, ўйлади ва: «Константин Макаричга» сўзини қўшди. Хат ёзишга ҳалақит бермаганлари учун суюнган ҳолда у шапкасини кийди ва пўстинчасини елкасига илмасданоқ кўйлакчан кўчага чопди...

Бир қассоб дўконидаги кишилар Ванькани сўроғига бир кун бурун шундай жавоб берган эдилар: хатларни почта қутисига соладилар ва ундан кейин маст арава-

кашлар ўзларининг уч от қўшилган қўнғироқли араваларида бутун ер юзига бу хатларни тарқатадилар. Ванька биринчи қутига югуриб бориб, қимматли хатни солиб юборди...

У ширин умидлар билан аллаланиб, бир соатдан сўнг, қаттиқ уйқуга кетди... У тушида печкани кўрди. Бобой печка устида оёғини осилтириб ўлтириб, Ваньканинг хатини ош пиширувчи хотинларга ўқиб берарди... Печканинг олдида Вьюн думини қимирлатиб юрарди...

A rectangular decorative border with intricate floral and geometric patterns, framing the central text.

*Видо  
сатрлари*





## ХАТЛАР

\* \* \*

### *Милая Валечка!*

*За днями дни в неведомый нам край,  
Как сказочно-крылатый конь, летят.  
Вот кончится зима, наступит май,  
Лучи весны и след зимы сметят...  
И лишь останутся воспоминанья,  
Как призрачно неясные преданья.*

*(Из моей поэмы «Последнее прости».)*

Итак, моя дорогая Валя, все идет... Я живу попрежнему – жив, здоров. Жажда работы, о которой я писал тебе, последнее время до некоторой степени начала удовлетворяться. В конце декабря 1931 года я написал на русском языке первую опытную поэму «Последнее прости» (около 15 книжных страниц). Описал 21 января 1924 года. Сейчас пишу последние главы романа в стихах «Чинакам тонг» («Настоящая заря»). Уже написано больше 100 книжных страниц. Этот мой роман, написанный простым, понятным для масс языком, является печальной точкой для других моих трудов (конечно, если придется работать) и выразителем моего теперешнего мироощущения. Вот почему он мне дорог и любим. В этом романе я описываю всю классовую борьбу в узбекском кишлаке. Описываемые мною картины, события, герои – не плоды моей фантазии, а та действительность, свидетелем которой был я сам. Многие могут в моих героях узнать самих себя, многие могут сказать: «Вот это было там-то...» Как исторический правдивый материал, этот роман, по моему, должен дать кое-какую пользу.

Если у меня будет возможность, думаю, после этого романа написать еще кое-какие вещи в этом духе.

Но не знаю, как сложится обстоятельства. Я пока не собираюсь браться за повесть «Тоғ қизи», появление первых глав которой, было встречено с радостью. И ты все время требовала ее скорее закончить. Эту повесть и роман «В волнах жизни» думаю потом написать (если придется работать). Ведь в «Волнах жизни» в 4-х томах и над собиранием для этого материалов я бился несколько лет. Он охватывает последние 25–30 лет истории Узбекистана (1900–1925 или 30 гг.). Чтобы выполнить такую большую работу, надо иметь под рукой достаточное количество материалов.

Как вы все поживаете? Почему не пишете? Я горячо поздравляю Эрочку с днем рождения. Как дети себя чувствуют?.. Теперь ты должна на них обращать больше внимания, чем раньше.

Привет всем, всем. Целуй крепко и крепко детей. Пока.

10.1.1932 г.

*Любящий твой Вату.*

И з о х л а р:

*Валечка* – Васильева (Ходиева) Валентина Петровна (1904–1980) – Ботунинг хотини.

«*Последнее прости*» – Москвадаги Бутирька қамоқхонасида рус тилида ёзилган дoston. Дoston қўлёзмаси Тошкентдаги архивлардан бирида сақланади.

«*Чинакам тонг*» («*Настоящая заря*») шеърый романининг тақдири хозирча номаълум. Роман қўлёзмаси келажакда Россия Федерацияси хавфсизлик хизматларига қарашли архивларнинг биридан топилиши мумкин.

«*Ахир шу вақтгача Ўзбекистондаги синфий курашни ёритадиган ўзбек тилида бирорта ҳам асар йўқ-ку!*» – Ботунинг ушбу хатни ёзишдан мақсади ўзини совет ҳокимияти олдида оқлаш ва озодликка эришиш бўлгани учун хатда унинг синфий кураш ғояси ва марксча-ленинча танқидчиликка мойиллиги таъкидлаб кўрсатилган.

«*Тоғ қизи*» дostonининг «биринчи бўлаги» «Аланга» журналининг 1928 йил 3–4-қўшма сонидан босилган. Чамаси, Боту ушбу дoston мотивлари асосида қисса ҳам ёзмакчи бўлган.

«Турмуш тўлқинлари» («В волнах жизни») романининг тақдири маълум эмас.

*Эрочка* – Эркили Маҳмудович Ҳодиев (1926–1996) – Ботунинг ўғли. 1926 йил 3 январда Москвада туғилган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Э.М. Ҳодиев узок йиллар давомида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти 2-болалар жарроҳлиги кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаган.

Ботунинг Эркили Ҳодиевдан ташқари, яна бир кизи – Наима Маҳмудова ҳам бор. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Маҳмудова 1928 йил 10 августда Тошкентда туғилган. У узок йиллар давомида республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, республика қасаба союзлари кенгаши раиси лавозимларида хизмат қилган. Бир қанча йиллардан бери Тошкент педиатрия тиббиёт институти ижтимоий гигиена кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

\* \* \*

### *Любимейший мой Эрик!*

Через 25 дней, т.е. 3 января 1936 года, тебе, милый сынок, исполнится 10 лет.

Ты уже подросток!

Я глазами своего воображения вижу твои умные глаза, твой широкий лоб, твой высокий рост.

Вот передо мной твоя фотокарточка. Как серьезно смотришь! Я часто смотрю на твою фотокарточку и вспоминаю твое младенчество и детство. Уже больше пяти лет я не видел тебя. Но ни одного дня не забывал вас и в том числе тебя.

Надеюсь, в недалеком будущем прижать к сердцу тебя и крепко-крепко поцеловать.

Сейчас поздравляю тебя с днем рождения и желаю тебе крепкого здоровья, счастливых дней и успешной учебы.

Я уверен, ты будешь смотреть и ухаживать за своей маленькой сестренкой Наимой. Ее не обижай сам и не давай обижать другим. Теперь ты взрослый.

Пиши, милый Эрик.

Ты своим письмецом дашь мне новые силы и бесконечную радость.

Целуй за меня Наимку.

Привет всем.

Целую крепко и крепко тебя.

9.XII. 1935 г.

*Твой любящий папа.*

И з о х:

«Умид қиламанки, яқин келажакда сени бағримга босиб, қаттиқ-қаттиқ ўпаман» – ушбу хат ёзилган кезларда Ботуга берилган жазо муддатининг ярми ўтгани сабабли шоир яқин вақт ичида озодликка чиқиб, фарзандлари ва ота-онаси билан дийдор кўришиш умидида бўлган.

\* \* \*

Дорогие папа, мама, Ситдык, Хомуд, Юнус, Хайри-ой, Эрик и Наимка!

Очень давно от вас нет писем. Что с вами? Получил посылки и 50 руб.

Я здоров и живу хорошо. Здесь уже настоящая зима. Скоро и навигация закрывается.

Ничего нового нет.

Пишите, жду с нетерпением ваших писем.

Привет всем. Целую всех вас.

9.XII. 1935 г.

*Любящий вас Вату.*

И з о х л а р:

*Папа* – Ботунинг отаси Мақсуд Ҳодиев (1873–1945). Отасидан эрта етим қолиб, саккиз ёшидан мустақил ҳаёт йўлига кирган. Дастлаб этикдўзга шогирд бўлган, кейин 18 йил мобайнида тошкентлик бойлардан бирига кароллик қилган. Сўнг бўзчилик билан шуғулланган.

*Мама* – Ботунинг онаси – Тўхта буви Зайниддин қизи (1888–1952).

*Сиддиқ* Мақсудович Ҳодиев (1909–1987) – Ботунинг укаси. Ўрта Осиё давлат университетининг физика-ма-

тематика факультетини тугатган ва шу ўқув даргоҳида математикадан дарс берган. Аммо «халқ душмани»нинг укаси бўлгани сабабли университетдан кетишга мажбур бўлган. 1956 йилда Москвадаги Савдо институтида битирув имтиҳонларини топшириб, умрининг охирига қадар республика Савдо вазирлигида ишлаган.

*Ҳомид* (Ҳамид) Максудович Ҳодиев (1912–1968) – Ботунинг иккинчи укаси. Москва Архитектура институтини тугатган, архитектор. 1936 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар ижроия кўмитасининг лойиҳа бўлимида хизмат қилган. Уруш йилларида Киевга бориб, ўша ерда яшаган. Фарзандлари ҳозир ҳам Киевда истиқомат қилишади.

*Юнус* Максудович Ҳодиев (1915–1972) – Ботунинг учинчи укаси. Тошкент Тиббиёт институтини тугатган, врач-терапевт.

*Хайриой* (Хайри) Максудовна Ҳодиева (1920) – Ботунинг синглиси. Ўрта Осие индустрия институтининг архитектура факультетини тугатган, архитектор.

\* \* \*

Любимейший сынок мой Эрик!

Несколько дней тому назад получил твое драгоценнейшее письмо от 5-го января текущего года и бесконечно обрадовался. Как я рад, что ты здоров, большой и такой умный мальчик! Прекрасно, что ты имеешь большие успехи в учебе. Я хочу, чтобы ты был одним из первых учеников в своей школе.

Оя пишет, что ты очень любишь сказки и просишь меня написать для тебя сказки. Хорошо. Я напишу для тебя и для твоей милой сестренки Наимы много сказок и рассказов.

Хайри-апанг пишет, что ты очень обиделся и даже плакал, когда Наимка получила от меня отдельное письмо. Я и тебе писал отдельное письмо, которое, думаю, уже получено тобою. Наверно, теперь ты не сердисься? Вот я могу сердиться на тебя. Ты теперь так хорошо умеешь писать, но мне не пишешь. Я тебя и Наимку так сильно люблю, что каждый день долго и долго смотрю на ваши фотокарточки и думаю о вас. Фотокарточки ваши и оя

висят над моим письменным столом в красивых рамках. Вот сейчас посмотрел на вас и полюбовался вами.

У вас нет новой фотокаточки? Если есть, пришлите мне.

Я хотел очень много написать тебе. Но на этот раз хватит. Следующие мои письма будут больше.

Я боюсь, что теперь Наимка обидится на меня за то, что в этот раз ей не написал отдельно. Скажи ей, что через 2–3 дня Хайри-апе и ей напишу отдельные письма.

Хайри пишет, что ты думаешь взять меня после возвращения на свое иждивение и Наимка хочет сшить мне тюбетейку. Спасибо и тебе, и Наимке! Я бесконечно рад, что мои дети такие молодцы. Подождите, когда я приеду к вам, мы поговорим и будем помогать друг другу и остальным нашим родным. Я еще молод и силен. Могу много работать и быть счастливым вместе с вами.

Целую крепко тебя, Наимку, ада, оя, Сытдыка, Хому-да, Юнуса и Хайри-апа.

Здесь погода хорошая.

17.11.1936 г.

*Vau Batu.*

И з о х л а р:

Оя – Ботунинг онаси Тўхта буви.

*«Сизнинг ва аянинг чиройли рамкалардаги фотосуратлари ёзув столим устида осиглиқ турибди...»* – Боту Соловец ороллариға сургун қилинган маҳбус сифатида бироз эркинликда яшаган. Аммо унинг «ёзув столи» тўғрисидаги сўзлари ўғли Эркини овутиш мақсадида айтилган.

\* \* \*

Дорогие мои мама, папа, Хомуд, Хайри-ой, Эрик и Наимка!

На ваше письмо мною был своевременно послан ответ. Думаю, он получен вами. Плохо, что и вы очень редко пишете. И я, конечно, в этом деле грешен.

У нас теперь теплая, прекрасная весна. Конечно, мы не страдаем от жары, как вы. Навигация уже открылась.

Ответа на мои заявления пока нет. У меня здесь все по-прежнему хорошо.

Пишите, что нового у вас. Всего наилучшего. Привет всем. Целую всех вас крепко-крепко.

23. V. 1936 г.

*Bau Batu.*

\* \* \*

Дорогие и любимые мои папа, мама, Сытдык, Хомуд, Юнус, Хайри-ой, Эрик и Наимка!

Два дня назад я писал вам небольшое письмо. Вчера вечером получил посылку, отправленную вами 4 мая с.г., где были: 2 колбасы, рис, масло, сахар, чай, конфеты, орехи и урюк. Ничего из них не испортилось. Очень большое спасибо. Напрасно вы так беспокоитесь обо мне. Я живу неплохо. Когда буду в чем-нибудь нуждаться, сам напишу вам.

Бесконечно благодарен я Сытдыку, вероятно за его заработки я получаю такие ценные посылки. Надеюсь в скором будущем отплатить всем вам за вашу заботу обо мне тем добром, которым буду располагать. Я еще раз прошу – не беспокойтесь о моем желудке – он всегда полон. Если можете, пришлите тубетейку (шапку), какую прислали в прошлом году.

О свидании с вами я еще ни с кем не поговорил. В скором будущем об этом я напишу вам.

Пишите более подробно как живете, что нового. Как учатся дети и где они живут?

Всего наилучшего. Целую всех вас крепко-крепко. Привет всем.

25. V. 1936 г.

*Bau Batu.*

\* \* \*

Дорогие и любимые папа, мама, Сытдык, Хомуд, Юнус, Хайри-ой, Эрик и Наимочка!

В коротком своем письме в конце прошлого месяца я уже написал вам о получении посылки. Вчера получил ваше долгожданное письмо, которое бесконечно обрадовало меня. Как приятно было мне читать ваши ды-

шашие нежной любовью ко мне строки! Каждое слово полно надеждой и верой в светлость нашего будущего. Это прекрасно! Я тоже всегда верил и верю в расцвет истинного счастья нашей родины, в радостное великое будущее народов нашей страны. Поэтому все невзгоды не в силах были вырвать мою жизнь. Да, надо жить с верой. Живой великий поток счастья социалистической страны – если не сегодня, то завтра не оставит вне своего теплого объятия. Давайте еще больше будем любить счастье нашей родины и крепко надеяться на расцвет и нашего счастья, являющегося частью общего счастья.

Я здоров и живу по-прежнему хорошо. Говорят, что я безобразно потолстел. Мне кажется, что люди немного преувеличивают – конечно, я потолстел (имею 4 пуда), но не безобразно! Раньше мой вес не превышал 3 1/2 п.

Еще не получил ответа на свои заявления. О свидании с вами скоро поговорю с начальником и подам заявление. Но боюсь, что (если разрешат свидание) нам нелегко будет найти столько денег, сколько требуется для такового путешествия. Вы об этом хорошенько подумайте!

Сейчас здесь прекрасная весна. С утра почти до утра сияет солнце. А ночи-то нет. Круглые сутки светло.

Вот, пока все.

Целую крепко и крепко вас всех.

Привет и привет.

9. VI. 1936 г.

*Vau Batu.*

И з о х л а р:

«...Социалистик ватан бахтининг буюк оқими...» – Боту яқин вақт ичида озодликка чиқиш умидида бўлгани учун, шунингдек, назоратчиларда ўзи ҳақида яхши тасаввур уйғотиш мақсадида бу ва бошқа хатларида шундай баландпарвоз сўзлардан фойдаланган.

«Эрталабдан қарийб эрта тонггача қуёш чарақлаб турибди...» – хат ёзилган вақтда Шимолда ойдин тунлар фасли бошланган эди.

\* \* \*

Любимые мои папа, мама, Сытдык, Хомуд, Юнус, Хайри-ой, Эрик и Наимочка!

Получил ваше драгоценнейшее письмо от 15.VI с.г. Каждое ваше письмо полно упреками: почему я редко пишу? Я тоже должен поставить перед вами этот же вопрос. Вы не чаще меня пишете. И меня ваши письма сладко волнуют, бесконечно утешают.

Думаю, что уже получены вами мои июньские письма. Там я сообщал вам о получении посылки. Я живу по-прежнему хорошо, здоров, бодр. У меня пока ничего нового нет. На мои заявления ответа еще не поступило.

Если есть возможность, пришлите такую же узбекскую шапку, какую прислали в прошлом году. Если будет хотя бы маленькое материальное затруднение, то не надо никакой шапки.

Пишите, как живете.

*Ваш Вату.*

\* \* \*

Дорогой брат Хомуд!

От души поздравляю тебя с окончанием высшего учебного заведения. Жаль, что я не могу присутствовать на твоём этом празднике. Твоя радость, твоё чувство мне понятны: когда-то (десять лет тому назад) и я, получив удостоверение об окончании университета, был полон невыразимо сладкими чувствами. Ты счастлив. Будь вечно счастлив! Твори архитектурные чудеса, достойные великой эпохи, великой страны. Честно и упорно трудись! В плодотворном труде настоящее счастье, величие и отдых. Желаю тебе успеха, удачи.

Целую крепко и крепко.

Любящий вас всех.

6. VII. 1936 г.

*Ваш Вату.*

*Боту ҳақида  
хотиралар*





*Лазиз Азиззода*

## **БОТУ ҲАҚИДА БИЛГАНЛАРИМ**

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихчилари томонидан тан олинганидек, Боту (Маҳмуд Ҳодиев) фақат XX аср ўзбек адабиёти тараққиётигагина эмас, балки ўзбек журналистикаси ва маданиятига ҳам сезиларли ҳисса қўшган маданият ва жамоат арбобидир. Атоқли адабиётшунос олимимиз, профессор Иззат Отахонович Султонов тўғри қайд қилганидек, унинг қисқа умрида ўзбек маданияти ва адабиёти тарихига қўшган ҳиссаси асосан асримизнинг 20-йилларига тўғри келади. Бу йиллар янги ўзбек адабиёти ва маданиятини яратиш даври бўлгани сабабли Ботунинг бадиий ижод ва маданият соҳасида қилган ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қуйидаги хотиралардан мақсад – Боту ижодий ва маданий фаолиятининг тўла манзарасини бериш эмас. Зеро, бу хотиралар жанрининг вазифасига кирмайди ҳам. Бизнинг ўзимиз яқиндан таниш Боту ҳақидаги хотираларимизни бир жойга тўплашдан мақсадимиз янги ўзбек маданиятининг илк арбобларидан бири ҳақида энди ёзилиши мумкин бўлган катта ишга материаллар беришдир. Ўз вақтида бизнинг янги маданиятимизни куришда фаол иштирок этган кишиларнинг жозибадор сиймосини яратиш йўлида қилинаётган ишларимизнинг муваффақияти ва фойдаси – ўша сиймолар ҳақида даврдошлар ва сафдошлар хотирасида қолган катта ва майда фактларнинг ҳаммасини жамлашга ҳам боғлиқдир.

Бизнинг қуйидаги сатрларимизда маълум бир парокандалик ва системасизлик мавжуд бўлиши муқаррардир. Бундай хотираларни системага солиш ва сиймонинг бутун портретини яратиш бундан кейинги, умумлаштирувчи ишларнинг вазифасидир.

Биз бу ишимизда аввал Ботунинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига алоқадор фактларни бир жойга йиғиш ва кейин унинг ижодига ҳамда бадиий дидига оид баъзи мулоҳазаларимизни изҳор этиш йўлидан бордик...

Янги ўзбек адабиёти яратилиб, ёш ижодкор кучлар майдонга чиқа бошлагач, адабиётимизда романтизм, символизм, қисман реализм, ҳатто футуризм унсурлари ҳам намоён бўла бошлаб, услуб, мавзу, шакл, адабий қиёфа ўзгариб, ёш ижод майдони тез суръат билан кенгая бошлади. Октябрдан олдин ва биринчи кунларида матбуотда ёзиб турган Ҳамза, Фитрат, Авлоний, Айний, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муин, Сўфизода, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Л. Олимий, Мирмуҳсин ва М. Шермухамедовлар, Хуршид, Роиқ кабилар ижод майдонида жавлон уришган бўлса, Элбек, Қаюм Рамазон, Шокир Сулаймон, Абдулла Алавий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Н. Раҳимий кабилар кейинроқ бу сафга кириб келишди. Боту илм-ирфонни Москвада эгаллади. 1921 йил А.В. Луначарский ёрдами билан Москвадаги Покровский номли институтнинг рабфаки (ишчилар факультети)га кириб, уни битиргач, Москва Давлат университетининг иқтисод факультетига кирди, уни аъло баҳолар билан тамомлади. Боту Москвада ўқиркан, А.В. Луначарскийнинг турли мавзуларда ўқиган жуда кўп лекцияларини эшитди. Айни вақтда М. Безименский, И. Уткин, В. Маяковский асарларини зўр маҳорат билан ўрганиб, улардан файз касб этди. Сўнгра Самарқанд педагогикасида Баҳром Иброҳим, Раҳим Мирзаев (Сайфий Намангоний) ва Ҳидойлар билан бирга адабий ва илмий иш билан машғул бўлди.

Боту ёш, жўшқин шоир бўлишига қарамай, қобилиятли жамоат арбоби ҳам эди. Унинг Ўзбекистон Компартияси матбуот бўлимида мудирлик, Самарқанд вилоятида ёшларнинг «Аланга» журналини ташкил этиб, унда муҳаррирлик қилган пайтларини сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан етишиб келаётган даври, деб ҳисобласа бўлади...

Боту орамиздан навқирон ёшда дунё маърифатхонасини ташлаб кетса-да, ундан қатор асарлар мерос қолди.

Унинг «Умид учкунлари», «Ўзгариш тўлқинлари», «Турсун» (ҳикоя) китоблари босилиб чиқди. «Ўзбек ёш шоирлари» номли тўпламда, «Билим ўчоғи», «Инқилоб», «Тонг», «Аланга», «Ўзгаришчи ёшлар», «Маориф ва ўқитувчи» журналларида унинг бир қанча асарлари босилди. Биз буларни ҳали Боту ижодининг бир дебочасигина, деб биламиз.

Боту адабиёт мафтуни бўлганидан рус, ўзбек, татар, озарбойжон, турк адабиётларидан турли жанрларда ёзилган асарларни кўп ўқир, уларнинг ҳар бирига ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор этиш унинг одати эди.

1919 йилда «Чиғатой гурунги» Навоийнинг расмини биринчи марта матбуотда босиб чиқарди. Боту бунди: «Хаёлий бир сурат бўлса керак, чунки бу расм, қиёфат улбашар (физиогномика)да айтилишига кўра, нозик табиат, ҳассос, зариф ва басиратли одамнинг суратига ўхшамайди. Семиз, беғам, дудоғи қалин, барча нарсага лоқайд қарайдиган шахсни эслатади», деярдиди-да, яна: «Мен фолбинга ўхшаб қолдимми?» деб куларди. Унинг одатларидан бири, кайфи чоғ бўлиб турган вақтида ҳазрати Навоийнинг:

*Харобат аро кирдим ошифтаҳол,  
Май истарга илгимда синган сапол, –*

байтини қайта-қайта ўқишни яхши кўрарди.

Баъзан Элбекнинг ҳаммаси «коф» («к») ҳарфидан иборат бўлган:

*Кўкламда кўкарса кўк кўкатлар,  
Кўкларга кўмилса катта катлар.  
Кўм-кўк кўқариб кўринса кўллар,  
Кўнгилни кўтарса кўркли гуллар –*

парчасини ўқиб, бу қитъа ҳам ўзига кўра бир санъат, деб таърифларди-да, назокат билан: «Адабий дидим пастлашиб кетмадимми?» деб ҳамсуҳбатларига маънодор жилмайиб кўярди.

1922–1923 йиллар Москвада ўқиб юрган вақтида Боту Назир Тўрақулов, Абдулла Раҳимбоевлар ила бирмунча вақт бир уйда истиқомат қилди. Ора-сира, хусусан, дам олиш кунлари, узоқ-узоқ суҳбат қилишарди. Мен ҳам шундай гурунгларида бўлардим. Мана шу пайтларда бўлган суҳбатлари натижасида Боту Н. Тўрақулов билан А. Раҳимбоев каби партия ва давлат арбобларида чуқур таассурот қолдирган. Булар билан бўлган мусохаба чоғларида улар: «Боту катта истиқбол эгаси, уни яхши ўқитиш лозим. Ажойиб санъаткор шоир бўлиб чиқади», дейишарди. Йирик давлат ва жамоат арбоби Турор Рискулов ҳам Боту билан сўзлашганда олган таассуроти зўр бўлганини менга бир неча марта сўзлаган эди.

1925 йилда Тошкентнинг тил ва адабиёт назариётчиларидан, француз тилини, Ғарб адабиётини ва фалсафасини, шунингдек, араб ва форс тилларини яхши билган педагог Шоҳид Эсон Мусаев (Ойбек, Ҳомил Ёқубов, Субутой Долимов, Миркарим Осим кабиларнинг устози) Боту ҳақида ғоят яхши фикрда бўлганини сўзлаб, Ботунинг турк адабиётидан хабардор эканини ҳикоя қилиб, «Қаерда турк адабиётини ўқиган экан?» – деб ҳайрат изҳор этганини, академик Яхё Ғуломов ҳам Ботуга катта умид боғлаганини сўйлаганлари хотирамда.

1923–1927 йилларда мен Миллий ишлар комиссарлиги ҳузуридаги СССР Марказий Шарқ нашриётида ишлардим. Шу вақтларда Туркистон ва Бухородан келган талабаларга таржима ишларини берардим. Боту нашриётга ора-сира келиб, чоп эттирган асарларимиз билан танишиб кетарди. Аммо вақтини қизғониб, таржима олмасди. Баъзан уйимга келиб, суҳбатлашиб, шеър парчаларидан ўқиб берарди.

1923–1924 йилларда, дам олиш кунлари, Туркистон республикаси ваколатхонасининг биносига йиғилишиб, фикр олишувлар, шатранж ўйнашлар бўлиб турарди. Бундай йиғилишларда Акмал Икромов, Ханаф Бурнашев, Зелкина, Ҳамдам Тожиев, Туркистон республикасининг

Москвадаги вакили Исаев ҳам қатнашарди. Баъзан Фитрат ва Н. Тўрақулов ҳам келарди. Бу йиғилишларда кўпинча шатранж ўйинидан кейин турли адабий, илмий, қисман сиёсий ва ижтимоий мавзуларда суҳбатлар, кизгин музокаралар, фикр олишувлар узоқ-узоқ давом этарди. Лекин Боту индамай ўлтириб, мажлисда баён қилинган муҳим фикрларни ичига ютиб, савиясини орттиришга ҳаракат қиларди. Бундай ўлтиришлар, шубҳасиз, Ботунинг маънавий юксалишига бир қадар ёрдам берган омиллардандир.

Боту билан Самарқанд педакадемиясида анчагина вақт бирга ишлашган ва уни яхши билган, «Аланга» журналида масъул котиблик вазифасида ишлаган, Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими марҳум Баҳром Иброҳимов менга мана бундай деган эди: «Бир кун Самарқандда бир муаллим Боту хузурига келиб, маслаҳат сўраб, Ботунинг фикридан фойдаланмоқчи бўлди. Муаллимнинг қўйган масаласини Боту жуда яхши ҳал этиб берса ҳам, муаллим маслаҳатни асоссиз суратда қабул қилмади. Савияси жуда паст бўлган муаллим ўз фикрида тураверди. Ниҳоят, Боту қўлига қалам олиб ўйлаб турмасдан:

*Дардлилар дард англалолмас дардсиза сўйлов билан,  
Кўрсатиб бўлмас қуёшни кўрлара мақтов билан, –*

деган шеърини парчасини муаллимнинг қўлига берган холда ўрнидан туриб кетган эди.

Шундан ҳам билинадики, Боту бадохатан (экспромт) шеър ёзиш қобилиятига эга эди».

Боту Москвада ҳам, Тошкентда ҳам, баъзан эса Фитрат уйида суҳбатлашиб ўлтирганимизда ҳам ўз шеърларидан ўқиб, бизларни хурсанд қилар эди.

Ана шу суҳбатларда Ботудан олган таассуротларимни сўзлашдан олдин унинг ижтимоий аҳволи ҳақида бир неча сўз айтишни лозим топдим.

Боту бўзчи оиласида дунёга келган. Асли исми – Маҳмуд. Адабий тахаллуси – Боту. Отаси Мақсуд Ҳодиев катта илм эгаси бўлмаса-да, улкан қалб эгаси эди, тараққийпарвар ёшлар ва олимлар билан доимо муносабатда бўлиб, ҳамиша газета ва журналларни қўлидан қўймасди. Саррожлик касбини ҳам яхши биларди.

1919 йил ёзида Тошкентдаги мутаассиб руҳонийлар ва бойларнинг маҳаллий тараққийпарвар ёшлар билан бўлган ғоявий курашларида Мақсуд Ҳодиев акаси Асқар ака билан бирга ёш тараққийпарварлар тарафида бўлиб, мазкур унсурлар билан курашди. Февраль инқилобидан то Октябрь воқеаларигача Тошкентнинг Эски шаҳарида 21 профсоюз ташкилоти уюштирилган эди. Шунда саррожлар жамиятига идора топилмай турган бир вақтда Мақсуд Ҳодиев ўз уйдан (ижара пули олмасдан) жой берган эди. У пок ахлоқли, соғлом фикрли, олийжаноб бир зот бўлиб танилган. Мақсуд Ҳодиевнинг очиқ фикрлилиги ва ҳамияти туфайли Боту рус-тузем мактабини битирди, Москва Давлат университетининг ижтимоий факультетини тамомлади... Бу муваффақиятларнинг кўпи Мақсуд аканинг саъй-ҳаракати орқасида вужудга чиқди.

Шу даврда ўзбек шоирлари ўзларининг шаклланиб бораётган маҳоратларини намоён эта бошладилар.

Боту ўзининг дастлабки ижодида – 1918 йилда ёзган шеърларида романтик шоирлар таъсирида бадбинлик (пессимизм) ва турмушдан норозилик каби онлар борасида бироз қалам тебратган эса-да, тез орада реалистик шоир сифатида танила бошлади... Боту ижодининг биринчи кунларида:

*Чал!.. Қиллардан мунгли-мунгли титрак унлар чиққунча,  
Кучсизланган дардли руҳим юксалгали талпинсин.  
Қоп-қоронғу тубанликда яраланган қуш каби  
Инграб-инграб ётган кўнглим бир озгина тинчлансин, –*

деб ёзган бўлса, бироз вақт ўтар-ўтмас, янада пафос билан куйлади. «Ўзбек қизига» шеърида:

*Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш кучлар излайман.  
Орқага тортганга ҳадям – тош,  
Ҳар чоқ мен илгари ундайман... –*

дейди.

Яна шунингдек:

*Олга-олга*

*олдинда нур,*

*озодлик,*

*умид амри, олга*

*юр!*

Яна:

*Бизнинг умидли эр йигитлар ёшли кўзга қаршимиз,  
Ҳар томонда тўлқин урган бизнинг ўтқир товишимиз, –*

деб оташин бир шоир сифатида кураш майдонида тажалли қила бошлайди.

Боту 20-йилларда бир қанча шеърлар, балладалар, дostonлар, қиссалар, адабий-илмий ва ижтимоий-сиёсий мавзуларда қатор мақолалар ёза бошлади. «Аланга» журналининг 1929 йил 12-сонида босилган «Ҳайит ҳаром бўлди» (қиссадан парча) ва «Турсун» (1930) ҳикоялари фикримизнинг далили бўла олади...

Боту қалбида ёнаётган ғояларини амалга ошириш учун ўқишни битиргач, хотин-қизлар озодлиги, ер-сув ислоҳоти, саводсизликни битириш, маданий-маориф ишларида фаол қатнашди. Шу мавзуларда сермазмун мақолалар, шеърлар ёзди. Ботунинг оригинал шеърларидан бири «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1928 йил 7-сонида босилиб чикқан «Ойдин кеча» шеъри деб ҳисоблаш мумкин:

Мана, ушбу шеърдан бир неча сатрлар:

*Шу ойдинли кеча бир нашъа сочди,  
Кўнглимда ҳавас учун тўғри йўл очди,  
У дамда фиғонлар узоққа қочди,  
Қайнади булоқдек шодлигим менинг...*

*Ой кулар қизлардай сирли бир кўз-ла,  
Зар сешиб борлиққа тит-тиник юз-ла,  
Қаршимда куларди ёғдули чехра,  
Истиқбол ҳаваси кўнглимда менинг.*

*Борлиқда губор йўқ, борлиқ энг гўзал,  
Ҳар сафар юлдузлар кўкларда сўзлар:  
«Истиқбол ойдинли, севинчли бўлар»,  
Ўнди истиқболни хаёлим менинг.*

Боту Москвада ўқиб турган чоғлари (1921–1927 йиллар)да ҳам Алишер Навоийни кўп мутолаа қилиб, уни адабиётимиз фахри, деб буюк ҳурмат билан тилга оларди. Мана шу пайтларда Навоийга бағишлаб бир неча ғазаллар ёзгани эсимда. Булардан бир нечаси матбуотда эълон қилинган. Шулардан бири 1925 йилда ёзилган.

Мана, ундан бир парча:

*Бир замонлар элимиз  
Қоронғуда қолмишиди.  
Бу чоқларда тилимиз  
Ёрли исмин олмишиди.  
У чоқларда етишган  
Бизнинг адиб, шоирлар  
Тўғри йўлдан оздилар;  
Ўзга элнинг тилида  
Анча нарса ёздилар...*

*«Бу тушунча янглишидир:  
Ўз тилини севмаслик  
Энг ярамас бир ишидир.  
Биз яшамоқ истасак,  
Тилимизни севайлик!  
Бизни тилни ярамас,  
Ёрли, деган кишилар  
Янглишалар, шубҳасиз,  
Бизнинг тил ҳам бой тилдир»,  
Деди онгли бир киши.*

*Араб, форсий қуллари  
Бу сўзларни эшитгач,  
Хохлашиб қулдилар.  
Мазах қилиб: «Бу киши  
Телба бўлмиш», дедилар.  
Бундай янглиш сўзларга  
У киши ҳеч боқмади.  
Буюк тилак йўлида  
Кеча-кундуз ишлади...*

*«У киши ким?» – десангиз,  
Айтиб берай, ўртоқлар,  
У кишини билсангиз  
Буюк шоир Навоий...»*

Боту Навоий ташбехларини ғоятда севарди. Унинг:

*Ялдо<sup>1</sup> кечаси бирдир, бир йилда келадир бир ялдо,  
Эй воҳ... бу на ажаб савдо, бир ойда икки ялдо, –*

шеърини ёд ўқиб: «Ўшатишнинг энг оригинали шу бўлса керак», – деб такрор-такрор гапирар эди...

Ботунинг «Маориф ва ўқитувчи» ҳамда ўзи муҳаррирлик қилган «Аланга» журналларида босилган тил, имло, адабиёт ва бошқа масалаларга оид мақолалари, шеърлари унинг сиёсий ва адабий сиймосининг ойнаси бўла олади...

1926 йилнинг март ойида Бокуда бўлган Туркиёт курултойидан сўнг араб алифбесини лотин алифбесига алмаштириш ўша пайтнинг энг зарбдор ва актуал масалаларидан бири эди. Бу масала билан энг юқори ҳукумат идоралари шуғулланди. Боту ҳам мана шу ишга жиддий ҳисса қўшди. У 1928 йилда Янги алифбе марказий кўмитасининг ҳайъатида Йўлдош Охунбобоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Ҳожи Муин Шукруллаев, Бегижон Раҳмонов, Ғози Олим Юнусов, Отажон

---

<sup>1</sup> Ялдо – бир йилда бир дафъа келадиган қоронғу ва узун кеча (*муаллиф изоҳи*).

Ҳошимов, Абдулхай Тожиев, Маннон Рамз, Лутфулла Олимий, Охундий, Ориф Олимжонов, Шириновга ўхшаш ўша даврнинг йирик партия ва давлат раҳбарлари, тил, адабиёт ва тарих мутахассислари, ёзувчилар ва олимлар билан бир сафда туриб, мардонавор ишлашди. Боту Янги алифбе марказий кўмитасининг иккинчи сайловида ҳам яна ўз ўрнида қолиб, Назир Иноятий, Шокир Сулаймон, Тожихон Шодиева, Робиа Носировалар билан ёнма-ён туриб ишлади ва айни замонда лотинлаштириш марказий кўмитасининг ҳайъати аъзолигига сайланди. Боту мазкур илмий ходимларнинг ёш жиҳатдан энг кичиги бўлгани ҳолда улар билан бирга катта муваффақият билан ишлаб бориши унинг истеъдодидан башорат беради. Боту Ўзбекистон Янги алифбе марказий кўмитасининг иккинчи пленумида қилган маърузасида тил, имло, терминлар ва ўзбек адабий тилини яратиш масалаларини кўтариб чиқди ва бунинг учун конференция чақириш таклифини ўртага ташлади. Унинг бу таклифига биноан конференция чақирилди. Натижада, илмий-адабий ишлар жиддий йўлга туша бошлади. Булар ҳаммаси Ботунинг ишчан ва ташкилотчилиқ қобилиятига эга эканининг шоҳидидир.

Боту «Маориф ва ўқитувчи» журналида таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб ишлаган чоғларида Ғози Олим, Наим Саид, Саид Аҳрорийлар қатори жиддий адабий ва ижтимоий мақолалари билан кўзга кўриниб борди.

Турли миллат олимлари, хусусан, рус зиёлилари, шоирлари билан суҳбатлашиб, уларнинг маънавий хазиналаридан истифода этиш Ботунинг одатларидан бири эди. Шунинг натижаси ўлароқ, у кўп илму фан эгалари билан таниш эди. Чунончи, 1927 йилда Москвадан Тошкентга юборилган йирик рус олимларидан риёзиётчи (математик) профессор Нефидов, тарихшунос профессор Лесковский, педагог профессор Селиханович, ботаника профессори Меркулович, зоология профессори Завадовский, физика профессори Титов кабилар шулар жумласидандир. Булардан бошқа, тошкентлик шарқшунос олимлардан

профессор Шмидт, эроншунослар Андреев, Гаррицкий, тилшунос К. Юдахин, ўзбек тилининг раvнак топишига салмоқли ҳисса қўшган профессор Е.Д. Поливанов, тарихчи Булат Солиев, татар адабиётчилари ва олимлари Абдураҳмон Саъдий, Неймат Ҳаким, А. Алпаров, Абдуллабеги Мустақоев, Содиқ Абдусатторов кабилар билан яқин муносабатда бўлди. Ҳеч шубҳасизки, Боту булардан ранг-баранг исли чечаклар гулдастасини тўплади.

Ботунинг энг аҳамият берган масалаларидан бири ҳақиқий кишиларни тарбиялаш, қўлга киритилган ғалабани мустаҳкамлаш, маданий-маориф ишларимизни ривожлантириш эди. Бунинг учун у халқ юрагига етмак мақсадида узлуксиз йўл изларди.

Ботунинг руҳида зариф бир туйғу, нозик ҳис, одамийлик бор эди. Халққа хизмат қилиш ғояси унинг миясидан кенг ўрин олганди. У роҳатни, завқни меҳнаткашларга хизмат қилишдан олган. Табиатга руҳ билан эмас, кўз билан қараган. У кенг манглай, кучли иродали, азим бўлиши билан бирга самимий, ўзига хос ажиб бир шахс эди. У ёшлик чоғиданоқ жамоат ишларига жўшқин муҳаббат билан киришди ва тезда жамоат арбоблари қаторидан ўзига муносиб ўрин эгаллади. Шунинг учундирки, мен Ботунинг сиймосида доимо бир инсоний севги ва фидойилик сезардим.

1929 йилнинг май ойида Ботунинг Тошкентда йирик олим ва мутахассислардан академик Шчерба, Самойлович, С.И. Олденбург, профессор Бакир Чўбонзодалар иштирокида имло ва термин масалаларига бағишланган конференцияда қилган доклади барча анжуман аъзоларининг эътиборини ўзига жалб қилган эди.

Боту асарларини кўздан кечирар эканмиз, унинг 20-йилларда ёзган «Ўзбек қизига»<sup>1</sup>, «Куз кунида», «Парчалар», «Сўрма», «Ҳижрон тўлқинлари», «Умид сўзлари» сингари шеърлари диққатга сазовор бўлиб, «Тўлқиним»,

---

<sup>1</sup> Ботунинг «Ўзбек қизига» сарлавҳали иккита шеъри бор, бири умидсизлик билан ёзилган бўлса, иккинчиси биринчисининг бутунлай тескарисидир.

«Исён алангаси», «Олой қизи» «Эрк сўзи», «Озод қизга», «Гоя йўлида» янглиғ шеърлари Ботунинг гўзал истеъдод сохиби бўла бошлаганидан дарак беради.

Боту Москвада ўқиб турган чоғида, юқорида айтганимдек, рус, украин, белорус, татар ва бошқа турли миллат олимлари билан кўп суҳбатлашди. Улардан илм, тажриба ўрганди. Шу пайтда анчагина шеърлар, лавҳалар, мақолалар ёзиб турди. Ўша вақтда Москвада ишлаётган Фитрат билан тез-тез учрашиб, унга шеърларини ўқиб бериб турарди.

Мен Ботудан Фитрат ҳақидаги фикрини сўраганимда, у менга Фитратнинг «Бедил» рисоласини юқори баҳолаб: «Бедил»дек илмий асарни ёзиш ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди. «Ҳинд ихтилочилари», «Абулфайзхон» каби асарлари диққатга сазовордир», деб жавоб берган эди.

Ботунинг Москвадалик чоғида ёзган мана бундай шеърини парчалари хотирамда сақланиб қолган:

*Юрагимда умидлар, амаллар қирогини тўзумсиз  
босаркан, нега ман чақмоқдек югурмай?!.*

Ёки:

*Ёш юрак қийналса-да, ҳеч умидсиз бўлмагай,  
Йўлида ўт бўлса-да, ортқа ҳеч бир қайтмагай...*

Боту бундай парчаларни бадоҳатан ёза оларди. 20-йилларда ёзилган «Етар энди» шеъри исёнкорона бир ҳарорат билан суғорилган:

*Кўп чоқлардан бери бизим юртимизнинг кўкини  
Бошдан бошлаб қоплаб турган қора, қалин булутлар!  
Қачонгача кўрсатмайсиз бизларга, эй жонсизлар!  
Ёгдулардан яратилган юлдузларнинг юзини?  
Ёруғликни сева турган бизнинг тиниқ кўнглимиз  
Қачонгача қоронғулар аро қолар бўғулиб?*

*Етар энди ёруғликдан маҳрум этиб бизларни,  
Шунча чоқлар нур йўлини тўсибгина турдингиз.*

*Парда бўлиб нур сочгучи юлдузларнинг юзига,  
Кўнглимизни куз чоғининг япрогидек қилдингиз...*

1919 йил – Ботунинг шеърият гулшанига илк қадам босган даври. У бадиий гўзал, ғоявий пишиқ шеърлар ижод эта бошлади. 1920 йил бошларида ёзган «Темир қозик юлдузига» сарлавҳали мана бу шеъри, айниқса, диққатга сазовордир:

*Кенг бўшлиқнинг юксагида бу ўриндан қўзғолмай,  
Ўзга нурли юлдузлардек кенг ўлкада ўйнолмай,  
Кечалари кўзларидан ўтли ёшлар оқизиб,  
Суйганини эслай турган ошиқ каби қайғириб  
Тип-тинч ерга боқиб турган Темир қозик юлдузи!*

*Кенг чўлларда, денгизларда йўлдан чиққан йўлчилар,  
Марҳаматли сен юлдузга назар солиб топарлар,  
Тип-тинч тунда йўлни билмай қўрқунч аро қолганлар  
Сен гўзалнинг кўмагинда қўрқунчлардан қутулар,  
Эй кўмакчи, марҳаматли Темир қозик юлдузи!*

Шу пайтларда Боту кўпгина шеърлар, ғазаллар ёзгани маълум. Лекин, афсуски, буларнинг анчагина қисми йўқолиб кетган. Унинг:

*Тоғларда юрган эркин кийикни тутиб боғлама!  
Муҳаббат дарди эзган кўнгилни яна доғлама!  
Эрка кийикнинг қора кўзлари ёшга тўлмасин!  
Дардли кўнгилнинг ёниқ «оҳ»лари вулқон бўлмасин!  
Қўй, ўйноқ кийик кенг табиатда яйраб ўйнасин!  
Юзингни кўрсат боёқши кўнгул бироз қувонсин! –*

каби шеърлари ҳамон хотирамда.

Ботунинг гўзал хислатларидан бири турли соҳанинг мутахассислари, олимлар, шоирлар, умуман фан ва маданият арбоблари билан суҳбатлашиб, маънавий озиқ олиши эди. У ғоят меҳмондўст ва сертакаллуф эди. Ботунинг укаси Сиддик Ҳодиевнинг айтишича, Боту 1924–1927 йиллар

мобайнида Москвадан Тошкентга таътил чоғида келган олимларни ҳамиша кутиб олиб, кузатиб кўяр экан...

Боту Тошкентдалик пайтида маҳаллий матбуотда фаол қатнашиб, «Маориф ва ўқитувчи», «Инқилоб», «Тонг», айниқса, «Ўзгаришчи ёшлар» журналида Элбек, Зиё Саид, Шокир Сулаймон, Анқабой, Комилжон Алимовга ўхшаш ўртоқлари билан ҳамкорлик қилди.

1927 йилда бир қадар вақт «Янги Фарғона» газетаси (Кўкон)да ҳам ишлади.

Ботуга энг ёққан масалалардан бири Москвада ҳар хил ижодларнинг раванқ топгани бўлиб, у халқнинг маданий-маърифий ишларга бўлган муҳаббатини таърифлаб, мана бундай деб ёзади:

«Мактаблардан ташқари, илмий тебраниш сўнг даражада муваффақиятли. Ҳар кўчада бўлган клубларда ҳар кун турли мавзуларда лекциялар бўлиб туради. Ҳозир раб-фак ва олий мактабларда ишчи ва деҳқон болаларигина кўринадир, десак бўлади. Ёшлари улғайиб қолган ишчилар ҳам ўқишга бор кучлари билан тиришадилар. Бу ерда кироатхона жуда кўп. Эрталабки соат 10 дан кечки 10 гача кироатхонада бўш ўрин топилмайди. Мана бу – ўқувчилар дунёсининг кичкина бир кўриниши. Ойлар кунлар каби, кунлар соатлар каби ўтадир. Ойларнинг битиб қолганини киши билмай қоладир. Бу, Москвада ҳаёт тўлқинининг қандай кучли эканини кўрсата оладир, деб ўйлайман. Энди бизнинг ўқувчилар ҳолига келсак, ёмон ҳолда кўрмаймиз. Барчалар «Ўлганлар кетидан шаҳидман», деган-дек, бошқалар билан бирга иштирок этмоқдалар»<sup>1</sup>.

Боту Москвада ўқиб турган чоғларида майдонга чиққан адабий маслақлардан символизм, романтизм ва футуризмни ёқтирмади. Ўзининг яқин дўсти Олтой билан кўпинча футуризм ҳақида мунозара қилиб, унга қараб: «Сенинг тузсиз ошинг (футуризм) буржуа ғояси саноят капитализми жамияти услубини санъатда кўрсатишга интилишдан иборат бўлиб, унинг системаси истиқболга

---

<sup>1</sup> «Ўзгаришчи ёшлар» журнали, 1924 йил, 2-сон, 27–28-бетлар.

эга бўлмаганидек, футуризмнинг перспективи ҳам худди шундайдир», дер ва унинг кишлоқ турмушида ҳам футуризм бор, деган шеърларини танкид қиларди. «Сенинг бундай мазасиз шеърингдан кўра:

*Шоир тебратсин қаламни тўғри йўлларга,  
Шоир йўлласин сезгини тўғри бошларга.  
Шоир ҳар сўзда ибратлар уйғотсин,  
Шоир ҳар шеърда умидлар қайнатсин, –*

парчанг анча маъноли», – деган эди.

Бир кун (1924 йилда) Тошкент чойхонасида бир неча ўртоқлар қовурдоқ тайёрлашарди. Қовурдоқ биқиллаб қайнаб тураркан, Боту Олтойни чақириб: «Мана бу қовурдоқнинг қайнашини қара, ўртоқ, бунга бағишлаб бир шеър айтиб берсанг, яхши бўлар эди. Бу қозонда худди сенинг футуризмнинг намоён бўлиб турибди», – деб ҳамма ўртоқларини кулдирган эди.

Ботунинг адабий диди ўзига хос эди. Масалан, Роиқнинг:

*Илҳом оламан,  
руҳ оламан,  
завқ оламан мен,  
Фабрикдаги у дабдабали  
шонли садодан.  
Кутмайман умид,  
кўкка қараб нурли самодан,  
Йўқликка йўқолсин...  
унга нафрат отаман мен.  
Дилларда севинч,  
юзда умид  
нурлари ўйнар,  
Ҳар ёнда фараҳлик...  
шодлик машъали порлар,  
Юртимда саодат,  
бахтим қуши учса;  
Нега мотам куйини чаламан мен? –*

деган сатрларини завқ билан ўқиб бериб: «Мана шундай неқбинлик (оптимизм) руҳи билан суғорилган шеърлар ёзишимиз бизнинг бугунги шарафли вазифамиздир», – дер эди.

Боту рус адабиётидан Лермонтов, Пушкин, Чехов, Толстой, Достоевский, Горький асарларини кўп мутолаа этар, «келажакда бизни қўллаб-қувватловчи куч рус тили ва адабиёти бўлади, уни жуда яхши ўрганиш керак», – деб таъкидларди.

Боту классик адабиётимиз намояндаларини севар ва хурмат қиларди. Навоийдан бошлаб Лутфий, Бойқаро, Биноий, Саккокий, Фурқат, Адо, Хотиф кабиларни ҳам-ша оғзидан қўймасди. У ҳатто: «Сўфий шоирларимиз ўзларининг мафкуралари ила бизга ярамасалар ҳам, ғазалларидаги санъатлари билан маълум бир хурматга лойиқдирлар. Бизга тасаввуфий, диний асарлардан фойдаланиш вақти ўтган. Аммо уларнинг асарларидаги каллабур – сўз ўйинларидан, мажоз, истиора ва кинояли байтларидан, чиройли тасвирлардан, ҳаётдан олган сўзларидан фойдаланиш керак», дер эди. Бу фикрига мисол сифатида Хотифнинг:

*Гирибонидан очгач тугмасин ул моҳи сиймин тан,  
Узотдим нор бўстонига қўл, ваҳми-ла титрармен,  
Яқинлаб келди бу давлат, алимдан кетмасин нори, –*

байтини ўқиб, бу парчадаги сўз ўйинини, бир сатрда бир сўзнинг нор, нари, анор каби бир неча маънода ишлатилишини гўзал санъат, деярди. Боту янги жамият учун ҳар бир кичкина ишдан ҳам фойда бўладиган бўлса, ўшандан истифода этиш фикрини олға сурарди. «Ҳатто душманда бўлган ирфон ва кўркам фазилатни кўрганда, унга ҳасад ёки нафрат билан қарамасдан, мумкин қадар фойдаланмоқ учун ҳаракат қилмоқ лозим. Ёвингда бўлган афзалиятни инкор қилиш ғайри-маданийлик ва ўзига кўра, бу ҳам мутаассибликнинг бир навъи, демак мумкин», – деярди. Ботунинг севган шоирларидан бири Фузу-

лий эди. «Табиат ҳаммага катта ақл ва юксак истеъдодни беравермайди. Лирикаси бир олам бўлган Фузулий каби бир шоирнинг дунёга келиши учун кўп вақт кутиш керак бўлади. Унинг:

*Эй Фузулий, манзили мақсуда етмак истасанг,  
Ҳеч раҳбар ўлмаз, атвори мустаҳсан каби, –*

парчасидан ҳам лаззатли шеър, ҳам кўркем ахлоқ дарси оласиз», – дер эди.

Боту илмий, адабий, сиёсий-ижтимоий масалаларга, айниқса, тил билишга жуда қизиқарди. У: «Катта олим ёки шоир бўлиш учун кўпроқ тил билиш муҳим омилдир. Ҳеч бўлмаганда русчадан бошқа Шарқ тилларидан араб, форс, тожик, Ғарбдан француз ёки инглиз тилини билиб олиш зарур», – дер эди.

1920–1924 йилларда Москвада поляк лисониётчиси Людвиг Заменхофнинг яратган эсперанто тили ўқув юртлирида, клубларда тўғарақлар ташкил қилиниб, ўқитиларди. (Бу сатрлар муаллифи ҳам Балинт номли бир венгер муаллимида икки ой ўқиган.) Илм ошиғи бўлган Боту ўрганиши энгил, қоидалари ғоят содда, барча интернационал сўз ва терминларни қабул қилган эсперанто тилини ўргана бошлади, лекин маълум бир вақтдан сўнг вақти етишмагач, ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Менинг шахсий қарашимда, Ботунинг керак фикрий, керак ҳиссий инкишофига битмас-туганмас бир файз ва маърифат манбаи янги замоннинг тарбияси бўлди, табиатида мавжуд порлоқ истеъдод уни ҳассос шоир қилиб етиштирди. Натижада, Боту садоқатли, ватанпарвар бир шоир сифатида кураш водийсига отилиб кирди.

Боту ўзининг меҳнатсеварлиги, ғайрати, ишчанлиги туфайли оз фурсатда анчагина иш қилиб, хайрли ном ва эътибор қозонди. У аввало шеърят, сўнгра иқтисод фанини ўзлаштирди. Боту ўзининг адабий йўлида идеализмни асло ёқтирмади. У яшаган даври ва ундаги мафкура қай бир инсонларнинг ахлоқида жойлашган шах-

сиятпарастликдан ташкил топганини тўғри билиб олган эди. Ботуда фикрий тараққиёт равнақ топишининг асосий омили Октябрнинг илк кунларида кўчаларда очликдан чўзилиб ётган инсонлар, дахшатли очлик, транспорт қаҳатлиги, ноннинг анқолиги, ёқилғининг йўқлиги сингари фожиали манзаралар ва бу оғирликларга қарамай, камбағал ишчи-деҳқонлар оммасининг янги ҳаёт қуриш учун елиб-югуришлари, кун сайин қурилаётган корхоналар, уй-жойлар, ўзининг уйида Саррожлар жамиятининг уюштирилиши асрорангиз ҳодиса бўлмай, реал воқеа эди. Бу лавҳаларни ўз кўзи билан кўриши Ботунинг фикрий ўзгаришига зўр таъсир ўтказган омиллардан бири, деб ҳисоблаш керак. Мана шу чоқда Боту «янги ҳаёт»нинг биринчи мураккаб лавҳасини ўз кўзи билан кўрди. Шунинг учун Боту ҳаётда учрайдиган ҳодисалардан унчалик сиқилмади. Аксинча, бундай ҳолларнинг мўътадил ва жиддий бир ҳолга тушмоғи учун ботирларча қурашиш лозим эканини фаҳмлаб, ўзига асосий ғоя қилиб олди.

Боту чехрасида янги адабиётнинг ёрқин бир сиймосини кўрамади. Боту халқ хизматида астойдил киришган, зулматдан зиёга чиқиши учун бор кучини аямаган, эндигина очилиб келаётган муаттар гул, тўғриси, ғунча эди. У ҳали тўла санъаткор шоир бўлиб етишгунича йўқ эди, лекин тезда шоҳ асарлар яратишига ҳамманинг имони комил эди. Афсуски, у 1930 йилда, бошқа устозлари ва дўстлари сингари, катағонга учради. Табиатнинг шафқатсизлигидан қутулиш иложи йўқлигини сезгач:

*Ёшлигим, афсус, йўққа маҳв ўлди,  
Илк баҳоринда бошланиб бир қиш, –*

деб навниҳол Ботунинг 1904 йилдан эътиборан қаҳрамонона қурашиб келаётган қудратли қалби 1940 йил арафаларида абадий сукут этди.

Боту вазнда, услубда, тилда ўзига хос йўл яратишга киришди ва бунга бир қадар муваффақ ҳам бўлди. Турли-туман сиёсий-адабий маслақларга берилмаслик – унга

хос сифат. Боту бошқаларга нисбатан ғоят тезда ишчи-деҳқон мусиқийсини тараннум этган қимматли реалист бир шоир бўлиб танилди. Боту ёш бўлишига қарамай, хиссиётга берилмади. Барча фаолиятида мантиқ, ақл ва киёсни ўзига йўлбошчи қилиб олди.

Боту билан дўппини ерга қўйиб отамлашганингизда унинг инсон руҳининг муҳандиси ва қалб меъмори экани сезилиб, кишига бир латиф ҳаво бахш этарди. Айни замонда шу онлардаги гурунглар бир лирик қўшиққа ўхшаб кетарди. Табиат сирларини ҳар бир киши ҳам сеза олмайди; у ҳали кашф этилмаган бир кутб. «Ҳаётни яратган романлар», дейди Кичик Осиёнинг буюк романчиси Ушшоқийзода Холид Зиё<sup>1</sup>. Боту эса: «Ҳаётни яратувчиси ва унга жило берувчиси инсонлар», – дер эди. Мен Ботуни, ҳазрат Навоий айтганидек:

*Ҳаё гулистонида абри мутир  
Адаб осмонида меҳри мунир, –*

деган қаноатдаман.

Боту билан хотин-қизлар орасидан чиққан шоирлар борасида сўз кетганда, у Хосиятхон Тиллахоновани тилга олиб: «Ўз даврининг истеъдодли шоираларидан Хосиятхонда ўзига хос хосият, унинг шеъридаги ёркинлик, кувноқлик, янги жамиятимизга қалбидан берилганлик, олға интилиш балқиб туради», деб унинг «Янги турмуш» сарлавҳали шеъридан мана бу мисраларини ёд айттарди:

*Янги турмуш, янги куйни куйладик,  
Эски турмуш дунёсига ўт қўйиб.  
Янги йўлдан, янги издан бошладик,*

---

<sup>1</sup>Холид Зиёнинг 19 ёшида ёзган «Мозордан саслар» романини профессор Абдурахмон Саъдий Истанбулга борганида ўқиб, муаллифнинг ажиб санъаткорлигига ҳайрон қолганини 20-йилларда менга сўзлаган эди. Бу асар Ғарб тилларининг кўпига таржима қилинган. Ушшоқийзодани рус адабиётида «Ушшоқли», деб ёзадилар. (Муаллиф изоҳи.)

*Янги ёшлар, янги қизлар бир бўлиб...  
Янги турмуш, йўлларингга гул сочай,  
Қиз-қизил гулдай юзингдан бир ўнай.*

Бу рисолада берилган бундай сатрлар ҳозирги шеър-ият нуқтаи назаридан жўнроқ кўринса-да, унинг жўшқин оҳанги, янги ва озод ҳаётга ташналик руҳи ўша давр учун қимматли эди.

К. Яшиннинг «Дардли чечакка» номли асари унинг илк шеърларидан ҳисобланади. У ғоявий йўналиши ва услуби жиҳатидан В. Маяковский шеърларига ҳамоҳанг бўлиб, унга Боту назари тушган эди:

*Эй қиз янглиг сурма кўзли келинчак,  
Сил бўлибсан – ойнага бир боқсанг-чи!..  
Дардингга эм бўлғусидир эрк гули  
Дарров узиб кўкрагингга тақсанг-чи!..  
Кўзим, басдир лахта-лахта қон ютма!..  
Йиғламоқнинг – билмайсанми ? – таги бўи,  
Умидсизлик ханжари-ла бағрингга  
Парча-парча қилиб аччиқ ёш тўкма!  
Тупур!  
Тупур!  
Тупур!  
Эски турмушга!*

*Янги турмуш сил дардингга эм бўлғай,  
«Мен озодмен; кўзимда нам бўлмас», деб  
Йўлларингга гул-чечаклар тўкилғай...  
Чимматингнинг кули кўкка учганда,  
Қуёш нури лабларингдан бир ўпсин,  
«Яша, жувон» деб думалоқ бошингда  
Учган булбул бўйларингдан ўргилсин...*

«Музайянаҳонимда, – деган эди ўша вақтларда Боту, – инқилобий руҳ, адабий жасорат, истикболга қараб отла-ниш каби онлар очик кўриниб туради...»

Боту 20-йиллар ўзбек шеърятига янги тарихий даврнинг қизгин жарчиси, самимий ташвиқотчиси сифатида кириб келди. У ўзининг илк шеърларидаёқ янги замон тароналарини жанговар, ёлқинли мисраларда куйлади. Оммани янги ҳаёт қуриш йўлида ғалабани таъминламоқ учун эскиликка қарши шафқатсиз ўт очишга ундади. Қуйида унинг ана шундай асарларидан бири – «Ёшлар учун» шеърдан айрим сатрларни келтирамиз:

*Эски турмуш, эски уй  
Ёш кўнгилни қийнагай.  
Эски чолғу, эски куй  
Ёш юракни тирнагай.  
Эски қонун, эски йўл  
Ёшни олга элтмагай.  
Янги турмуш излаган  
Кўп тўсиққа учрагай.  
Юксалишни устаган  
Қаршиликдан қўрқмагай...*

...Ботунинг қолдириб кетган адабий мероси ўтда ёнмайди, сувга ботмайди ва чиримайди. Ундаги фазилатлардан бири ўзини камтарин тутиши, бахт ва саодатини, турмушини маърифат саройида топган, қилган хизматининг мукофотини ўз виждонидан олишга тиришган, зулматдан нур сари чиқишга интилган бир азиз сиймо эди. Унинг юрагида одатдан ташқари бир аланга порлаб турарди. Ботунинг латиф ва нозик сўзларини, фикрларини эшитиш инсонга нодир бир шеър эшитгандек лаззат бағишларди.

Биллур қалбли, халқимизнинг фидокор фарзанди бугун бизнинг орамизда бўлмаса-да, унинг номи ва хизматлари кишилар қалбида мангу қолади.

## **БОТУ ҲАҚИДА ЭСДАЛИКЛАР**

1923 йил... Ишчилар ва камбағал деҳқонлар ичидан хўжалик ва маданиятнинг барча соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳақидаги масала кўтарилган йил...

Шу йили бепоён мамлакатнинг барча гўшаларидан минглаб ёшлар хилма-хил касбларни эгаллаш, катта ҳаёт ва бунёдкорлик ишларига ўзларини тайёрлаш учун ўқиш мақсадида турли шаҳарларга йўл олдилар.

Биз олис Туркманистондан бешовлон бўлиб йўлга чиқдик: Петя билан Коля Транспорт институтига, Иван Консерваторияга, Ниёзов эса Шарқ халқлари коммунистик университетига жойлашди.

Менинг Москвага биринчи маротаба келишим. Туркменистоннинг жазирама қумлари-ю, тандирдек олов сочиб турувчи қуёши ортда қолди.

Мен отамдан эшитганим ва китобдан ўқиганим ҳикоялар туфайли Москвани ғойибона бўлса-да, яхши кўрадим, аммо қандайдир таниш, бениҳоя гўзал, «оқ тошли», қудратли пойтахтни кўришим билан ҳайратга тушдим. Эрта тонгдан кечга қадар кўчама-кўча тентираб, Москва билан яқиндан таниша бошладим.

Орадан бир ой ўтгач, талаба бўлиб олдим. Шунга қарамай, кўнглим ҳали ҳам қуму барханлардан иборат Туркменистонда эди. Ҳар сафар университетнинг Маховая кўчасидаги биносига қирар эканман, кадрдон уйимни интиқлик билан ахтарар эдим. Аммо улар кўзимга кўринмас эди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, мен партия ташкилоти жойлашган хонада 19–20 ёшлардаги бошига гулсиз, одми қизил дўппи кийган бир йигитни учратдим. Ва у билан сўзлашиб қолдим. У тошкентлик ўзбек йигит бўлиб, 1921 йилдан буён Москвада яшаётган, Покровский номидаги ишчилар факультетини тугатиб, ҳозир университет ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимида таҳсил олаётган экан.

Ижтимоий фанлар факультетининг энг катта залида тарих, сиёсий иктисод ва халқаро ҳуқуқ бўйича умумий курслар ўқитилар эди. Биз шу ерда Боту билан деярлик ҳар куни учрашиб турдик. Кўп ўтмай, биз дўстлашиб ҳам кетдик. Мен унинг шоир, ёзувчи эканини билиб олдим. Бу ҳол бизни яна ҳам яқинлаштирди. Биз ўқиган китобларимиз ҳақидаги таассуротларимизни бир-биримизга айтиб, ёзган нарсаларимизни бир-биримизга кўрсата бошладик. У ўзбек тилида ёзган асарларини равон ўқиб берар, сўнг сатрма-сатр рус тилига таржима қилиб берарди. Рус тилини ёмон билмасди, аммо бундан ҳам яхши билишни истарди. У ўзига учраган ҳар бир янги рус сўзини ёзиб олиб, мenden бу сўзнинг маъносини сўрар ва шу заҳотиёк уни ёд оларди. Трамвайда кета туриб эса кун давомида ёзиб юрган янги рус сўзларини такрорлар эди. У вазифаларни ўз вақтида бажарар, ҳеч бир топшириқни кейинги кунга қолдирмас эди. Ҳамма нарсада аниқ, саранжом-саришта, билимга чанқоқ ва меҳрли бўлган. Ҳатто ҳаста бўлиб қолган кезларида ҳам касалхонада ётган ҳолда синовларга тайёрланар эди. Боту табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлар, гўзал нарсаларни кўрганда, маҳлиё бўлиб қолар, қуёшнинг чиқиш ва ботиш пайтидаги манзарага узоқ тикилиб турар, бу манзарани кўриш учун эрта билан барвақт турар, Москва кўчаларида кезиниб юришни севар, кўркем уйлар, боғлар, ҳайкалларга алоҳида диққат-эътибор берарди. Пушкин ҳайкали ўрнатилган хиёбон эса унинг энг севимли жойларидан бири бўлиб, у шу ерда ўй-хаёлга берилиб, ҳордиқ олар эди.

Унинг исми Боту эди. Мен алламаҳалгача унинг бошқа исми борлигини билмаганман, факультетдаги бошқа талабалар ҳам унинг Маҳмуд Ҳодиев эканини мутлақо билишмаган. «Боту» эса, кейин билсак, унинг адабий таҳаллуси экан.

1924 йил 16 январда кундуз куни биз Бадиий театрга «Зангори куш» спектаклини томоша қилиш учун бордик. Спектакль узоқ вақтгача бошланмади, томошабинлар ўз-

ларидаги норозилик туйғусини ифодалаш учун хуштак чалиб, қарсақка зўр бердилар. Оркестр қандайдир муж-мал бир куйни чалди. Шу пайт парда орқасидан қўлига қора хошияли қизил боғич боғлаган бир киши чиқиб, сахна олдига яқинлашди. Оркестр мусиқа чалишдан тўхтади.

«Ўртоқлар, бутун дунё ишчилар синфининг дохий-си...»

Оркестр мотам мусиқасини чала бошлади...

Биз театрдан чиққанимизда кўча одам билан тўла, қор одамзод ташлаган қадамнинг тезлигига монанд равишда ғарчиллар эди...

Биз хайрлашдик. Боту эртасига янги ёзган шеърини ётоқхонамизга олиб келиб, ўқиди...

Биз ёзда Тошкентга, Ботунинг ота-онаси, қариндош-уруғларининг олдига келдик. Бу, менинг ўзбеклар оила-сида биринчи бор бўлишим эди. Ботунинг ота-онаси ҳам, қариндош-уруғлари ҳам бизни самимий кутиб олишди. Менга худди яқин кишиларидек муносабатда бўлишиб, ҳар бир истагимни олдиндан бажо этиб туришди. Кейинчалик мен отам билан учрашганимда унга Ҳодиевлар оиласи тўғрисида сўзлар эканман, оғзимдан бол томар эди.

Биз шифокорларнинг маслаҳатларига қулоқ осиб, Тошкентдан тўппа-тўғри Қримга бордик. Боту денгизни кўриб, хайратга тушди. Денгиз уни илҳомлантириб юборди. У денгиз бўйидаги тош устида ўтириб, тўлқинларнинг шовқин-суронини тинглаган ҳолда шеърлар ёзди. У тез-тез: «Нақадар гўзал-а, бу денгиз!» деб кўяр эди.

Биз тоғларга сайр қилдик. У Қрим тоғларини Фарғона ва Чимён тоғлари билан қиёслаб: «Бизнинг тоғларимиз ҳам чакки эмас. Бундан-да гўзал жойларимиз ҳам бор!» – дер эди ғурурланиб.

Биз қайикларда сайр қилганимизда, денгиз янада яқин, унинг мафтункор тўлқинлари эса янада салобатли ва улуғвор бўлиб туюлди.

Шифокорлар Ботуни хасталиқдан халос этиш мумкин, унинг организми асл ҳолатига шиддат билан қайтмоқда, деб бизнинг кўнглимизни кўтаришди.

Боту қаерда яшамасин, Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббатини баралла айтар, хаёлида халқини саводли-маърифатли кўрар, қишлоқларда ўрта мактабларнинг, йирик шаҳарларда эса Ўрта Осиё Давлат университетидан ташқари, бошқа олий ўқув юртларининг барпо этилишини орзу қилар эди.

У ўзбек миллатининг босиб ўтаётган йўлини акс эттирвчи кисса ва романлар ёзишни орзу қилар, Шарқ хотин-қизларининг озодликка чиқиши, унинг назарида, бундай асарлар учун муҳим мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. У: «Ўзбек хотин-қизларининг шахло кўзларини бутун дунё кўриб қўйсин!» дерди. У қишлоқда, камбағал бир оилада туғилган ва турмушнинг жабр-зулмларини кўрган қизнинг олий маълумот олиб, мамлакатнинг машҳур кишиларидан бирига айланишини тасвирловчи асар ёзишни орзу қиларди...

1927 йилнинг ёзини биз Ялтада ўтказдик. У шу йили «Йўл» деган роман устида иш бошлади. Менга бу романинг ғояси ҳам, унда ўз тасвирини топажак этнографик тафсилотлар ҳам, мен қариндошлаган халқнинг ҳаёти ҳам ёқарди. Афсуски, Боту бу романни тугатиб улгурмади...

Боту одамшинаванда киши эди. «Булар ҳаммаси майда гап», – деб ўзини нима биландир ранжитган кишиларни бир зумда кечириб юборар эди. Ҳатто рақиблари билан ҳам тил топишиб кетиш қобилятига эга эди у.

Боту қандайдир алоҳида руҳий олам билан яшаган. Эрталабдан кечга қадар хизмат ишлари, ёшларга маслаҳат бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш, ўқиш, шеър ва мақолалар ёзиш, таржима қилиш – унинг ҳаёт тарзи ана шундай маромда кечган.

Боту бўш пайтларида гўдак фарзандлари билан сайр қилишни, болаларнинг ўйин-кулгиларини томоша қи-

лишни севган. У Москвада ўглини аравачага солиб, бирор хиёбонга олиб борар, ҳатто ўқиб турган китобини ҳам бир чеккага суриб қўйиб, болалар ўйинидан кўз узмас, улар сиймосида келажакка назар ташлар, келажак эса, унинг назарида ва унинг орзусида, ҳақиқат ва адолат тантана қилган, аждод ва авлодларнинг орзу-умидлари ушалган буюк бир замон эди...

*Наима Маҳмудова*

## **ОТАМ КИМ БЎЛГАНЛАР?**

Отамни 1930 йил 23 июлда ҳибсга олганларида мен ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган эдим. Шунинг учун отамни хотирлай олмайман.

Отамнинг оталари, оналари, акалари ва сингиллари, шунингдек, онам ҳар доим менга отам тўғрисида сўзлаб беришганда, уни ўз халқини севган, унга садоқатли, истеъдодли, фаол, ҳар нарсага қизиқувчан, одамшинаванда инсон сифатида таърифлашар ва уни узоқ муддатли сафарга кетган, деб айтишар эди.

Нақл қилишларича, отам ниҳоятда қисқа ва фожиали умрлари давомида (ҳибсга олишганда, отам бор-йўғи 26 ёшда бўлганлар) ҳеч кимга – нафақат одамлар, балки жониворларга ҳам озор бермаган эканлар. «Яқин кишиларингни худди ўзингдек сев! Бошқаларга озор берма! Шунини ёдингда тутки, бошқа кишиларга жабр-жафо бериш ўзингга жабр-жафо бериш билан барабар; сен бошқалардан жабр кўрганингда, қандай азоблансанг, бошқалар ҳам сендан жабр кўришганида шундай азобланадилар» – отам шундай шиорга амал қилиб яшаган эканлар.

Ёдимда, олти-етти ёшга киргунимга, яъни 1935 йилга қадар отамдан баъзан-баъзан хат олар эдик. Бу хатлар кўпинча бирортамизнинг номимизга келарди. Отам ҳар биримизнинг ёшимиз, фикрлашимиз даражасига қараб хат ёзардилар. Эс-эс ёдлайман, менга ёзган хатларида яхши

Ўқишимни, дугоналаримга меҳрли бўлишимни, улар билан уришмаслигимни, меҳнат қилиш, ўз халқим ва Ватанимга садоқатли фарзанд бўлиб ўсиш учун тайёрланишимни тайинлаган эдилар.

Тўққиз-ўн ёшга кирган акамга эса челюскинчиларга ўхшаб қаҳрамон бўлиб ўсишни маслаҳат берганлар. Шунинг учун ҳам болалик хотираларимизда отамиз некбин киши сифатида, бизни ва халқни севувчи киши сифатида қолганлар.

Йиллар ўтган сайин бизнинг нафақат тенгдошлар, балки баъзи бир катта ёшдагилар даврасида ҳам яшашимиз ғоят оғир кечди. Негаки, мен билан акамни «халқ душмани»нинг болалари, деб таъна қилишгани-қилишган эди. Асло ёдимдан чиқмайди, мактабнинг биринчи ёки иккинчи синфида ўқиётган пайтимда ўқувчилардан бири менга яқинроқ келиб: «Биласизларми, Наима ким бўлади? У миллатчи, халқ душманининг қизи!» – деган. Мен аввал ҳеч нарсани тушунмаганман, аммо кейин ўзларини мендан олиб қочиб, масхара қила бошлашганида, йиғлаб юборганман ва мактабни ташлаб кетганман.

Бувим мени бошқа мактабга беришга мажбур бўлдилар. Айни пайтда: «Қизим, қизгинам, сенинг аданг яхши одам, виждонли одам, «халқ душмани» эмас! У доим халққа яхшилик тилаб, яхшилик қилиб яшаган. Яқинда ҳамма нарса изига тушади. Аданг, албатта, қайтиб келади. Ўшанда унинг қандай яхши одам эканини ўз кўзинг билан кўрасан!» деб кўнглимни кўтарганлар.

Йиллар ўтиб, бизлар тобора ўсиб бордик. Ҳаётда кўп қийинчиликни кўрдик. Мен ҳамма нарсадан – бирор ортиқча сўзни айтишдан ҳам, тенгдошларим билан ўйнаб, дўстлашишдан ҳам кўрқардим. Лекин отамнинг Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида ўқиш ва меҳнат қилиш ҳақидаги панд-насиҳатларига астойдил риоя қилиб яшадим.

Ёшим улғайгани сайин менда: «Отам ким бўлганлар?» деган савол етилиб борди. Ахир, биз 1936 йилдан кейин отамиз ҳақида ҳеч нарса эшитмай-билмай келганмиз.

Отамнинг ҳаёт бўлган дўст-ёрлари, ота-оналари, бу ёқда онам ҳам менинг саволимга: «Отанг энг аввало шоир, ёзувчи, инсон бўлган», деб жавоб бериб келишган.

Мен 1951 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти яхши баҳолар, аммо маънавий мушкулот ва қийинчиликлар билан тугатдим. Ўша йили онам қамокдан қайтиб келдилар ва биз Хива шаҳрига жўнадик. Мен у ерда шифокор бўлиб ишладим, кейин турмуш ўртоғим яшаган Ургут туманига кўчиб ўтдик. 1958 йили, мен Ургут туманида хизмат қилаётган кезларимда, онам хушхабар олиб келдилар: отамни ҳам, онамни ҳам оқлашибди, «таркибида жиноят бўлмагани учун» уларнинг ишларини «ишлаб чиқаришдан тўхтатишибди»! Бу қувончли воқеа 1958 йилнинг куз ойларида рўй берди ва ўша йилнинг ноябрь ойида мени Самарқандга ишга юборишди.

Бу тасодифий ҳолми ёки оиламизнинг «миллатчи» ва «халқ душмани» деган тавқи лаънатлардан халос бўлишининг натижасимиди – ҳали ҳам билмайман. Онам туман Санитария-эпидемия станциясининг бош шифокори ва туман невропатологи лавозимларида хизмат қилиб, Соғлиқни сақлаш вилоят бўлиmidан ҳам, вазирликдан ҳам бир неча марта мақтов қоғозини олдилар.

Мен қурбим етганича ишлаб, вилоят Санитария-эпидемия станциясининг ишини йўлга қўйдим. 1960 йилга келиб, бизнинг станциямиз республикадаги энг машҳур станциялардан бирига айланди. Яна тасодифан тўғри келдим, ҳар ҳолда ўша йили отамни фуқаро сифатида тўла оқлаш масаласи ҳам узил-кесил ҳал этилди.

Мен эркин нафас олиш имкониятидан илҳомланиб, ишга шўнғиб кетдим. 1963 йилда Самарқанд вилоят Санитария-эпидемия станциясининг обрў-эътибори янада ошиб, мени Соғлиқни сақлаш министрига ўринбосар этиб, Тошкентга кўчиришди. Кўп ўтмай, Ўзбекистон қасаба союzlари ташкилоти хайъатига раҳбар этиб тайинландим.

Аммо: «Отам ким бўлганлар?» деган савол мени ҳеч қачон тарк этмади. Тарк этмаслигининг сабаби шунда

эдики, отамнинг тўла оқланганларига қарамай, расмий идораларда, ёзувчилар ва олимлар даврасида отамнинг исмлари тилга олинганида, қандайдир эҳтиёткорлик қайфияти борлигини сезардим. Баъзи бир кишилар отамни истеъдодли киши бўлган, деб мақташади, инсон сифатида хурмат қилишади, асарларини нашр этишади, отам ҳақида мақолалар ёзишади. Аммо айни пайтда менга отамнинг халқ ва Ватанга садоқатли шоир ва инсон бўлганлари тўла эътироф этилмаётгандек туюлади.

Йил кетидан йил ўтиб, отамнинг қилган ишлари билан, отамга бағишланган мақолалар билан танишиб борар эканман, истеъдодли шоир ва ёзувчи бўлмиш отам қатағон даврининг қурбони бўлганлар, деган хулосага келдим.

Отамнинг ишлари шундай чалкашки, ҳатто энг ақлли, фикрловчи киши ҳам унинг фаолиятини турлича талқин этиши мумкин. Аммо шу нарса аниқки, отамнинг бахтсиз қурбон бўлгани сабабли унинг истеъдоди ҳам ҳазон бўлган. Аксарияти отамнинг фойдасига бўлмаган тергов материаллари қандай бўлишидан қатъи назар (биз ошкоралик йилларида бу кўргазмаларнинг қандай олинганидан хабардор бўлганмиз), отам халққа ҳам, Ватанга ҳам асло хиёнат қилмаганлар, отам халқни, Ватанни жондан ортиқ севиб яшаганлар.

Отам ўз халқининг бахтли бўлишини, ижодлари ва истеъдодларининг равнақ топишини астойдил хоҳлаганларки, уларнинг ўша пайтдаги асарлари ҳам, замондошларнинг хотиралари ҳам шундан далолат беради.

Мана бу сўзлар – бунинг исботидир:

*Мен ёт эмас, сен «ёт», дея кўрма!  
Мастликка мени «бот», дея кўрма!  
Истак-тилагим жонли, улугдир,  
«Тебранма, бироз қот», дея кўрма!*

*Бир кун кўрасан, ёт киши кимдир,  
Бир кун биласан, ёт киши жимдир...*

## ОТАМ ВА БОЛАЛИГИМ ҲАҚИДА

Онам Валентина Петровна Васильева Комил Икромовнинг онаси Евгения Львовна Зелькина билан дўстона муносабатда эди. Комил Икромов «Отамнинг иши» роман-хроникасида бу ҳақда куйидагиларни ёзган:

«...Билмадим, Рамзийдан фарзандлар қолганми ё йўқми, аммо Ботунинг ажойиб ўғли билан қизи бор. Унинг хотини, тўғрироғи, беваси эса яқинда вафот этган. У қозончиқлик попнинг қизи, соҳибжамол Валентина Петровнадир. 1922 йили икки ўзбек йигити у билан Москва университетининг ховлисида танишишган. Маҳмуд исмли шу йигитлардан бири унга уйланган. Иккинчи йигит эса менинг отам эди.

Маҳмуд ётоқхонада, Акмал эса «Метрополь» меҳмонхонасида яшаган. Омадни қарангки, Акмал тез-тез Осиёга бориб яшагани учун хонасини бизларга қолдирар эди. Биз унинг хонасида дўст-ёрларимизни кутиб олардик. Маяковский бизнинг меҳмонимиз бўлган, палов еган. Бир куни Есенин ҳам келган. Бизга уни пиёниста дейишарди, у эса бир пиёла ҳам ичимлик ичмади. Паловдан урди, ароққа эса хатто қарамади.

Маяковский Акмалга Маҳмуднинг истеъдодли эканини айтган. Луначарский ҳам: «Ўртоқ Икромов, бундай шоирларни эҳтиёт қилиш, уларга ёрдам бериш лозим», деган.

Биз учовлон бўлиб театр, концерт ва адабий кечаларга борар эдик. Акмалнинг рухсатномаси бор эди, шу рухсатнома билан бормаган жойимиз қолмаган. Кейин бизга Женья ҳам қўшилиб, биз тўртовлон бирга борадиган бўлдик.

Валентина Петровна бу гапларни ўғлига сўзлаб берган, ундан эса мен илтимос қилганман. Ўғли мени онасига яқинлаштирмаган. «Қўй, Акмалнинг номини ҳам эшитишга онамнинг тоқати йўқ, агар сени кўриб қолса

борми... Мен кайфиятини топиб, мавзуга аста-секин олиб келаман».

Шундай қилиб, НЭП давридаги Москва, НЭПнинг айна кутурган пайти. Ва шу Москвада икки соҳибжамол талаба, бири полк руҳонийсининг, иккинчиси тиббиёт докторининг қизи, бири кўча хандон, иккинчиси эса ўта жиддий қиз ва улар билан бирга рус тилида ҳийла талаффуз билан сўйлашадиган икки қорамағиз йигит... Мейерхольд театри ва шоирлар кафеси, сўнгги кунлари яқинлашиб қолган Есенин билан Маяковский...»

... Евгения Львовна хушбичим аёл эди; у ғайрат-шижоат билан тўла, жиддий ва айна пайтда ёқимтой бўлган. Профессор оиласида туғилиб ўсгани ва Москва университетини тугатгани учун унинг зиёлилиги тўғрисида сўзламаса ҳам бўлади. У бир неча хорижий тилларни билган. Менимча, у ўзбек тилини ҳам билган ва ҳатто ўзбек тилида нутқ ҳам сўзлаган. Бундан ташқари, у форс тилидан ҳам хабардор эди. Аёлларга хос латофат унга ёт бўлган. У уйимизга меҳмон бўлиб келганида, онам: «Женька, сен аёл эмассан. Эҳтиёт бўл, Акмал сендан айнаиб қолмасин», деб койир эди. «Хавотир олма, мендан айнамайди», дерди ишонч билан Евгения Львовна дарҳол жиддийлашиб. Онам пайпоғини чокига қараб киймагани учун унга танбех берар ва шу заҳоти менинг борлигимни ҳам унутиб, тузатиб қўярди.

Мен болалик кезларимда Акмал Икромовдан жуда хайиқар эдим. У нима учундир менга кўркинчли бўлиб туюлган. Ҳозир ҳаммага таниш бўлган суратида Акмал Икромов ёш ва бинойидек кўркам йигит. Аммо мен ўша пайтда уни кўрсам, кўркиб кетардим. Ундан хунук бўлмаган Файзулла Хўжаев эса менда яхши таассурот қолдирган эди.

– Ҳа, ўғлим, қалайсан? – уйимизга келганида, у одатда шундай деб сўрашар ва менинг юзимни силаб, эркалаб қўярди.

Акмал Икромов эса жиддий бўлгани учун бундай деб қўя қоларди:

– Ҳа, Ботунинг ўгли, яхши юрибсанми?

Дмитрий Иванович Манжара болалар билан ўйнашни яхши кўрарди. У мени кўтариб, узун ва пахмоқ мўйлови билан китиклар ва мушукка ўхшаб «миёв»лаб қўярди.

Чўлпонни яхши эслайман. У дўппи кийиб, пенсне тақиб келарди. Жулқунбойнинг, бу – Абдулла Қодирийнинг тахаллуси, нима учундир калиш кийиб келгани ёдимда қолган. Улар уйимизга келиб, адабий кеча ўтказишар, баҳслашар, ўқишар, турли асарлардан парчалар келтиришар эди. Чўлпон нима учундир ҳар сафар Маяковский тўғрисида сўзлаб, у, шубҳасиз, ёмон шоир эмас, лекин кўпроқ ташвиқотчи, бақироқ шоир, нотик, дер эди. Айти пайтда у Есенинни яхши маънода тавсифларди. Пушкинни эса бу шоир ва ёзувчиларнинг ҳаммалари яхши кўрар ва таржима қилишга уринишар эди.

Мен туғилганимда, отам менга шеър бағишлаганлар.

1929–1930 йиллар бўлса керак, уйимизга Сегизбоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, адабиётчилардан, ёдимда бор, Жулқунбой, шоир Абдулла Алавий – у 1931 йили Ялтада ўпкасидан қон келиб вафот этган – ва бошқалардан иборат катта давра тўпланган. Ҳозиргидек ёдимда: норин тайёрланган. Ўшанда отам ўринларидан туриб, менга бағишланган ва ёрқин келажак тилаган шеърларини ўқиб берганлар. Отам шеър ўқиб бўлгач, ҳамма мен каби болаларнинг нурли келажак меъморлари бўлиши ва бахтли-саодатли яшашларига ишонч билдиришган.

Шу воқеадан кўп ўтмай, отамни қамоққа олишди. Шундай қилиб, нурли келажакни лагерда кўрдим. 1930 йилдан кейин отамизни кўриш бизга насиб этмади. Отамни хат ёзмаслик ва хат олмаслик шарти билан Соловкига юборишди. Отамни ҳатто бориб кўришга ҳам рухсат берилмаган. Аммо бир куни бувим отамни бориб кўрганлар. Комил Икромов «Отамнинг иши» деган китобида бу ҳақда ёзган. Бувим отамни кўриб келиш учун Акмал Икромовнинг ҳузурига рухсат сўраб борганларида, милиционер бувимни марказқўмга киритмаган. Шунда бувим:

«Акмал Икромов менинг ўғлим бўлади», деганлар. Милиционер эса: «Ёлгон гапирманг! Акмал Икромовнинг онаси йўк, у ўлган», деган. Шу вақт шовқинни эшитиб, Акмал Икромовнинг ўзи чиққан ва: «Ойижон, келинг», деган. Ва ойимнинг Соловкига бориб, отамни кўриб келишларига ёрдам берган.

Мен отамнинг ҳалок бўлишларида, Акмал Икромовни айбдор, деб ҳисобламайман. Акмал Икромов, чиндан ҳам, ҳеч нарса қила олмас эди. Отамга ким ёрдам бермоқчи бўлган бўлса, унинг ўзини ҳам қамоққа олишлари ҳеч гап эмас эди. Фақат Сахаровгина отамни ҳимоя қилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам у – Сахаров. У биттагина одам. Фақат якка-ёлғиз одамларгина шундай ишга журъат қилишлари мумкин. Ҳозир Ботуни ҳимоя қилмагани учун кўпгина кишилар Акмал Икромовни айбламоқчи бўладилар. Мен уни айбламайман. Икромовнинг қўлидан ҳеч нарса келмаган. У фақат бувимнинг Соловкига бориб, отам билан дийдорлашишлари учун рухсат олиб бериши мумкин эди, холос.

Мана, қўлимда отамнинг рус тилида нашр этилган «Желание желаний» («Тилакларнинг тилаги») деган шеърлар китоби турибди. Б. Қосимовнинг шу китобчага ёзган сўзбошисида: «Боту 1940 йилда вафот этган», деб ёзилган. Қизиқ, отам нимадан ўлганлар? Ахир отам ўлимга ҳукм қилинмаганлар-ку! Биз шу пайтгача отамнинг ўлимлари сабабини ва ҳатто аниқ бир санасини билмай келмоқдамиз. Отамни оқлашганидан кейин бизнинг хатларимизга бир-бирига зид жавоблар келган. Менга отамнинг 1938 йилда, холамга 1930 йилда, бувимга эса 1940 йилда ўлганлари тўғрисида маълумотномалар келган. Отамнинг ўлимлари сабаби ҳам ҳар хил: бир жойда юрак заифлигидан ўлган, дейилган бўлса, иккинчисида ўпка шамоллашидан вафот этган, деб ёзилган, учинчи маълумотномада эса ўлим сабаблари умуман айтилмаган. Маълумотномада: «Тошкент шахрининг Октябрь районида ўлган», деб ёзилган. Қаерда, касалхонадами,

қамоқхонадами – ҳеч ким билмайди. Ёлғон устига ёлғон. Отам ўлимнинг ҳақиқий сабабларини фақатгина тахмин қилишимиз мумкин.

Отамнинг фин уруши арафасида Соловец лагерини кўчириш пайтида ўлганларига ишонса бўлади. Ўшанда маҳбусларни баржага ўтказиб, Оқ денгизга олиб чиқишган ва чўктириб юборишган.

Отам қамоққа олинганларидан кейин мени шошилинч равишда Ашхободга, бувам Васильевнинг олдига юборишди. У ерда икки йилча яшадим. Сўнг уйимни жуда соғиниб, бувимнинг олдиларга қочиб кетмоқчи бўлдим. Шу алфозда Эронга бориб қолганман. Мени пул тўлаб қайтариб олишган.

